

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020. Fil.113.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТУРОПОВА ПАРИЗОД ШАВКАТ ҚИЗИ

**ЖИЗЗАХ АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ
10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар:

Дониярова Шоира Ҳурсандовна

филология фанлари доктори, доцент

ЖИЗЗАХ – 2021

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....3

I БОБ. ЖИЗЗАХ АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАДРИЖИЙ ТАКОМИЛИ

1.1. Жиззах воҳаси адабий ҳаракатчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиш омиллари.....11

1.2. Жиззах адабий муҳитида эстетик идеал категориясининг трансформацияланиш жараёнлари.....25

II БОБ. ЖИЗЗАХ АДАБИЙ МУҲИТИ ЛИРИКАСИ ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Шеъриятда анъана ва ворисийлик.....37

2.2. Шеъриятда истиқлол ва Ватан туйғуси талқини.....57

III БОБ. ЖИЗЗАХ АДАБИЙ МУҲИТИДА НАСРНИНГ РИВОЖЛANIШ ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Насрий асарларда миллий қадриятлар тасвири.....78

3.2. Сўнгги йиллар насирида характер яратиш маҳорати ва услубий изланишлар.....100

ХУЛОСА.....122

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....125

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигига ижодкорнинг ўзига хос бадиий олами ўзи яшаб ижод қилган муҳит билан боғлаб тадқиқ этилган. Хусусан, сўз санъати ва тадрижий ривожи муаммоларини муайян адабий-бадиий муҳит доирасида текшириш ва бадиий тафаккур дурдоналарини илмий-эстетик мезонлар асосида таҳлил қилишга доир бир қатор назарий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жаҳон адабиётшунослигига адабий муҳитнинг тараққиёт тамойиллари, шу муҳитнинг пайдо бўлиш омиллари, шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини тадқиқ қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигига адабий-бадиий муҳит билан боғлик жараён адиблар асарлари таҳлили асосида қиёсий-тарихий, қиёсий типологик аспектда олиб борилган. Бу тадқиқотларда ижодкорларнинг жанрларга оид ранг-баранг асарлари таҳлили асосида умумий тараққиёт босқичларига доир илмий хулосалар берилган, специфик хусусиятлари ажратилган. Адабий муҳитнинг шаклланиш омиллари, ривожланишидаги етакчи тамойиллари, ижодкорнинг бадиий олами, ўзига хослигини муайян маҳаллий ва миллий колорит билан уйғунлаштириб тадқиқ этиш хусусиятларини очиб бериш, шу асосда ҳар бир жанрнинг ўзига хос жиҳатларини умумлаштириш, тараққиёт босқичларини аниқлаш, илмий жиҳатдан ёритиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётшунослигига Жиззах адабий муҳити вакиллари ижодини даврлаштириб ўрганиш, ижодкор эстетик идеали, бадиий маҳорати ва услубини жанрлар кесимида ўрганиш ҳамда илмий-назарий жиҳатдан ёритиш илмий изланишлар қамровининг янада кенгайишига, таҳлил объектларининг янгиланишига сабаб бўлмоқда. “...Инсоннинг қалби, унинг дарду ташвишларини, халқнинг орзу-ниятларини, Ватанга муҳаббат ва содиқлик ҳиссиётларини акс эттирувчи бетакрор сўз”¹. Шу боис адабий муҳитда яратилаётган бадиий асарларни адабиётшуносликда янгича

¹ Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустахкам пойдевори // Халқ сўзи. –Тошкент, 2017. – 4 август.

тамойиллар асосида ўрганиш зарурий масалалардан ҳисобланади. Айни вазифаларнинг амалга оширилишида Жиззах адабий муҳитининг тараққиёт тамойилларини белгилаш, мазкур муҳит намояндадарининг ўзига хослиги ва маҳоратини муайян жиҳатларни шу воҳа бадиий хазинасини тадқиқ қилиш муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш тўғрисида”, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сон “Алишер Навоий номидаги Миллий боғда Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифалар амалга оширилишида ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётшунослигига адабий муҳит муаммоси билан боғлиқ катта-кичик тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, Фарғона, Қўқон, Бухоро, Хива, Наманган, Тошкент, Зарафшон, Фарғона, Самарқанд, Каттакўрғон каби вилоятларнинг адабий муҳити, унинг

етакчи тараққиёт тамойилларига оид илмий тадқиқотлар² яратилган. Жиззах воҳасида яшаб ижод қилган баъзи ижодкорларнинг асарлари қисман ўрганилган, муайян илмий изланишлар амалга оширилган³. Шунингдек, “Асрлар нидоси”⁴ антологиясида ҳам баъзи ижодкорларнинг асарларига қисман тўхталингган бўлса-да, Жиззах воҳаси адабий муҳити яхлит тарзда ўрганилмаган. Ушбу ишимизда Жиззах воҳаси адабий муҳитини кенг ўрганишга ҳаракат қилинганди. Тадқиқотда XX аср ва Истиқлол давридаги адабий жараёндаги етакчи тамойиллар, улар озиқланган манбалар, адабий-эстетик қарашларнинг шаклланиши, миллий ва умуминсоний қадриятлар тасвири, анъана ва ворисийлик масаласи, ижодкор “мен”ининг намоён бўлиши, ҳар бир даврнинг бу жараёнга муносабати ва адабий муҳитнинг ўзига хослигини ёритишга асосий эътибор қаратилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

²Ибрат И. Фарғона тарихи / Нашрга тайёрловчилар: Бобобеков X., Ҳасаний М. –Т.: Камалак, 1991. –Б.266–327; Солижонов Й. Фарғона адаблари. Адабий портретлар –Т.: Фарғона нашиёти, 2005.–124 б; Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий / Нашрга тайёрловчи: Қаюмов А. Уч жилдлик. –Т.: ЎзР ФА Қўлёзмалар институти, 1999.–720 б; Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. XVIII–XIX асрлар. –Т.: ЎзР ФА, 1996.–358 б; Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. –Т.: Mumtoz so‘z, 2010. – 248 б; Халилбеков А. Намангандай адабий муҳити.– Т.: Руҳафзо, 1998. –176 б; Шу муаллиф. Намангандай адабий гулшани. –Намангандай: Намангандай, 2007. –467 б; Намангандай маърифатпарварлар.–Намангандай, 2018.–134 б; Бобобеков X. Қўқон тарихи.–Т.: Фан, 1996.–116 б.; Болтабоева О.Ю. XX аср бошларида Намангандай адабий ҳаракатчилик: намояндлари, анъаналари, янгиланиши. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)...дисс. автореф.–Т., 2019. 556; Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мағкураси ва адабий мерос (XVII–XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. автореф.– Тошкент, 1999. – Б. 32; Ибрат И. Фарғона тарихи / Нашрга тайёрловчилар: Бобобеков X., Ҳасаний М. –Т.: Камалак, 1991. –Б.266–327; Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. –Хоразм вилояти, Хоразм, 1992; Бобожонов П. Лаффасий. Тазкираи шуаро. –Хоразм вилояти, Хоразм, 1992; Сирожиддинов Ш. XIX аср Каттакўргон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари: фил.фан.номз. дисс.– Самарқанд: 1991; Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. (XVI–XIX аср I ярми) ўқув кўлланма. Тошкент.: Фан, 2009.–248 б; Мухиддинова Б. Сайдидаҳмад Васлий Самарқандий мероси ва унинг адабий муҳитдаги ўрни: фил.фан..номз.дисс. –Самарқанд: 2009; Тоҷибоева М.А. Жадид адаблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари. Фил.фан.доктори дисс... (DSc) автореф.–Т., 2018. –71 б.

³ Сувонқулов И. Жиззах музофоти шоирлари. (XIX асрнинг охири XX аср бошларида яшаган Аламкаш, Муаззамхон, Махмур Коризий ва бошқа шоирлар ижодиёти бўйича): фил.фан. номз. дисс. автореф. – Самарқанд: 1970.–26 б; Сайдалиева Н. Муаззамхон шеъриятида адабий анъана ва бадиий маҳорат. Фил.фан.номз. дисс. –Самарқанд, 2002. –165; Сувонқулов И. Санѓзор садолари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. –154б; Шоира Муаззамхон. (Ҳаёти ва ва ижодига чизгилар) нашрга тайёрловчи Сувонқулов И.– Т.: Янги аср авлоди, 2005, 58 б; Сувонқулов И., Н.Сайдалиева. Шоира Муаззамхон. – Жиззах: Санѓзор, 2010.–76б; Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. –Т.: Фан, 1970. 197–217 б; Қодирова М. XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдиди. –Т.: Фан, 1977. 55–57 б; Ҳайдаров X. Жиззах тарихидан лавҳалар. –Т.: Мехнат, 1990. –80б; Яна ўша. Жиззах.–Т.: Ўзбекистон, 1990. –143 б; Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Т.: Фан, 1992–72 б; Мулладжанова Р.А. 1916 йилги Жиззах қўзғолони мавзусини маҳаллий материаллар асосида ўқитиши // Халқ таълими. 2004. – №6. – Б. 54–56; Девон. Убайдуллоҳ Ислом сўфи ўғли Аламкаш. – Т.: Akademnashr, 2016. 408 б; Аламкаш – Сўфи Оллоёр издоши. –Т.: Янги аср авлоди, <https://denemetr.com/docs/768/index-282315-1?pafe=3>

⁴ Қаранг: Асрлар нидоси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1982. – Б. 200–216; 289–295.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институти истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2-сон “Ўзбек адабиёти, танқиди тарихи ва бадиий маҳорат масалалари” йўналиши доирасида бажарилган (2017-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади XX аср ва истиқлол даври ўзбек адабиёти контекстида Жиззах адабий муҳитининг тараққиёт тамойилларини жиззахлик ижодкорлар асарлари мисолида ойдинлаштириш ҳамда адабий муҳитнинг ўзига хос ғоявий-бадиий хусусиятлари ва муштарак жиҳатларини очиб бериш, ижодкор бадиий оламини маҳаллий колорит билан боғлаб ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жиззах воҳаси адабий жараёнини ўрганишда, ижод қилган муҳитнинг тарихий, ижтимоий-маданий, адабий ҳолатининг ривожланиш тамойилларини кузатиш;

адабий муҳитни XX аср ва Истиқлол даври тарзида даврлаштириб ўрганиш, ижодкорлар ҳаёти ҳамда адабий меросига оид манбаларни тўплаш, яратилган асарларни ғоявий-бадиий нуқтаи назардан таҳлил қилиш;

ижодкорлар адабий меросини бадиий асарлар таҳлили асосида эстетик идеал жиҳатини белгилаб олиш;

мазкур адабий муҳит намояндаларининг ижодида мумтоз адабиётнинг ўрнини ёритиш, миллийлик ва умуминсонийлик масаласини кузатиш ҳамда бадиий маҳорати, услубий ўзига хослигини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX аср ва Истиқлол даврида ижод қилган Жиззах адабий муҳити ижодкорлари, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари: Иброҳим Доњиш, Туроб Мақсуд, Абдулла Аҳмад, Мехрибон Абдураҳмонова, Шаҳло Ахророва, Зухра Мамадалиева ва шоира Зулфия Бўриеваларнинг асарлари олинган. Шунингдек, Жиззах адабий муҳитининг шаклланишига катта ҳисса кўшган Муаззамхон, Аламкаш, Жўрахон Маҳзуний, Бахтиёр Мирзо, Холиқназар Олишлар ижодлари ҳам қиёсий таҳлилга тортилган.

Тадқиқот предметини XX аср ва Истиқлол даврида ижод қилган жиззахлик ижодкорлар бадий асарларининг мавзу доираси, жанрий таркиби, образлар тизими, характер ўзига хосликлари ва турли жанрдаги асарларнинг бадий хусусиятлари ҳамда муаллиф эстетик қарашларини ўрганиш орқали Жиззах адабий муҳитининг етакчи тараққиёт тамойилларини кўрсатиб бериш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, тавсифий, психологик ёндашув ва биографик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

“Бўлмас”, “Қоч” радифли ғазаллар, “Ватан шулмасми?”, “Ватани севсанг”, “Омон асра” каби шеърий асарлардаги ғоявий-бадий, рамзий-фалсафий талқинлар адабий-эстетик идеал категориясининг муножот, мурожаат-даъват, тавсиф каби трансформацияланиш жараёнлари орқали очиб берилган;

воҳа адабий муҳитида мумтоз адабий анъаналар таъсирида “Навоийга бахшида”, “Дарвеш Навоий”, “Навоийдан байтлар ўқинг”, “Софинч ёхуд” сингари шеърларда диний-тасаввуфий ва фалсафий-ижтимоий қарашларнинг синтезлашув жараёни далилланган;

XX аср ҳамда истиқлол даврида воҳа ижодкорлари яратган “Қайтмас тўлқинлар”, “Фарёд”, “Гулзор қишлоқ гулдураклари”, “Дала ҳовлидаги қотиллик” каби насрий асарлар маҳаллий ва миллий колорити, адибларнинг қаҳрамон характеристи ва портретини яратишдаги бадий маҳорати аниқланган;

Жиззах воҳаси адабий муҳитининг XX аср ва истиқлол даврида шаклланиши ва ривожланиши Иброҳим Доњиш, Тураб Мақсуд, Абдулла Аҳмад, Зулфия Бўриева, Мехрибон Абдураҳмонова, Шаҳло Аҳророва, Зухра Мамадалиеваларнинг назмий ва насрий асарлари мисолида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

Жиззах адабий муҳитининг шаклланиши ва ривожланишидаги асосий омиллар тизимли тарзда белгиланган;

адабий-эстетик идеал категорияси ва трансформацияланиш жараёнлари XX аср ҳамда Истиқлол даври Жиззах воҳаси ижодкорлари асарлари мисолида кўрсатилган;

Жиззах воҳаси шоирлари шеъриятида анъана ва ворисийлик масаласига хос етакчи хусусиятлар ёритилган;

насрий асарларда миллий қадриятлар тасвирини яратиш маҳорати очилган ва услубий ўзига хослиги Жиззах воҳаси адиблари мисолида илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилганлиги, илмий-назарий хуносалар қиёсий-типологик, қиёсий-тариҳий таҳдил усуллари орқали асослангани, ишончли илмий ҳамда адабий манбалар, интернет маълумотларидан ҳам фойдаланилгани, тадқиқот хуносалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жиззах воҳаси адабий муҳитининг вакиллари асарларидағи адабий-эстетик идеал категориясининг трансформацияланиш жараёнлари ва уларнинг асарларида миллий ва умуминсоний қадриятлар тасвири, анъана ва ворисийлик, маҳаллий колорит услубий ўзига хослик жиҳатлари тадқиқ этилганлиги билан белгиланади ва XX аср ҳамда мустақиллик даври ўзбек адабиёти манбаларини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларидан ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, янги ўзбек адабиёти фанларидан бўйича маъruzалар ўқиш, амалий ва семинар машғулотлар, маҳсус курслар ўтишда ҳамда XX аср ва Истиқлол даври ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда муҳим илмий-адабий манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиззах адабий муҳитининг тараққиёт тамойиллари тадқиқи натижалари асосида:

Жиззах воҳаси адабий муҳитининг XX аср ва истиқлол даврида шаклланиши ва ривожланиши Иброҳим Дониш, Туроб Мақсуд, Абдулла Аҳмад, Зулфия Бўриева, Мехрибон Абдураҳмонова, Шаҳло Ахророва, Зухра Мамадалиеваларнинг назмий ва насрий асарлари таҳлилларидан Ф–1–ФҚ–055213 шифрли “Абдулла Қаҳҳор дастхат–қўлёзмалари асосида асарларининг илмий-қиёсий матнларини тайёрлаш ва нашрга ҳозирлаш” фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлигининг 2021 йил 8 мартағи 05-12-08-1895–сон маълумотномаси). Натижада “Абдулла Қаҳҳор: шахс ва ижодкор” тўплами яратилиши ва ижтимоий давр ва шахс маънавиятининг акс эттирилиши янгича талқинлар билан бойитилишига хизмат қилган;

“Бўлмас”, “Қоч” радифли ғазаллар, “Ватан шулмасми?”, “Ватанин севсанг”, “Омон асра” каби шеърий асарлардаги ғоявий-бадиий, рамзий-фалсафий талқинлар ва адабий-эстетик идеал категориясининг трансформацияланиш жараёнларига доир хуносалардан ОТ–А1–46 “Адабиётшуносликнинг назарий курслари бўйича ўкув адабиётларининг янги авлодини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги 2020 йил 20 ноябрдаги 39–01–04–2265 сон маълумотномаси). Натижада лойиҳада бадиий асарда эстетик идеал, идеалнинг бадиий ижоддаги ўрни борасида муайян хуносаларга келинишига имкон берган;

Воҳа адабий муҳитида мумтоз адабий анъаналар таъсирида “Навоийга бахшида”, “Дарвеш Навоий”, “Навоийдан байтлар ўқинг”, “Софинч ёхуд” сингари шеърлардаги диний-тасаввуфий, фалсафий-ижтимоий қарашларидан А–1–118 рақамли “Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўкув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 августдаги 08-07-1399/с-4–сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа анъанавийлик ва ворисийликда

жиззахлик ижодкорларнинг Алишер Навоий анъаналарини давом эттирганлиги ҳақидаги илмий хуносалар билан бойитилган;

XX аср ҳамда истиқлол даврида воҳа ижодкорлари яратган “Қайтмас тўлқинлар”, “Фарёд”, “Гулзор қишлоқ гулдураклари”, “Дала ҳовлидаги қотиллик” каби насрий асарлар маҳаллий ва миллий колорит жиҳатдан ўрганилганлиги, шунингдек, адилларнинг қаҳрамон характеристири ва портретини яратишдаги бадиий маҳоратига оид хуносаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Жиззах вилояти телерадиокомпанияси “Адабиёт дарси” кўрсатувда фойдаланилган ва уларнинг мазмун-моҳияти янги илмий-адабий манбалар эришилган (2021 йил 09 февралдаги 02–08/185–сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларга Жиззах адабий муҳити ижодкорлари асарлари билан мавзу доирасида чуқурроқ мулоҳаза юритиши учун замин яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хуноса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 132 саҳифадан иборат.

І БОБ. ЖИЗЗАХ АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАДРИЖИЙ ТАКОМИЛИ

1.1. Жиззах воҳаси адабий ҳаракатчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиш омиллари

XX асрнинг бошлари ўзбек адабиёти тараққиётида анчагина ўзгаришлар юз берид, ўзбек адабиётининг руҳияти, шаклий кўринишлари ва жанрий янгиланишлари пайдо бўла бошлади. Бу янгиланишлар XX аср бошига келиб, ўзбек адабиётига янги жанрларни, янги бадиий тафаккурни олиб келди. Мана шу янгиланишлар, адабий анъаналар барча воҳалар каби Жиззах адабий муҳитида ҳам ўзига хос тарзда кўзга ташланади. Бу вақтда Жиззах адабий жараёнининг тараққиётида ҳам катта ўзгаришлар юз бергани сир эмас. Шу сабаб, адабий ҳаракатчилик қай асосда шаклланиб, қандай тараққий этгани, XX–XXI асрларда эса ўзига хос хусусиятлари билан айнан нималарда акс этиши бугунги кунда адабиётшуносларни турли масалалар доирасида баҳсга чорлайди. Бинобарин, ўзбек адабиётининг узвий қисми бўлган Жиззах адабий муҳити бадиий маҳорати етук ижодкорлари билан ажралиб туради.

Маълумки, ўзбек адабиётшунослигига Хива, Бухоро, Фарғона, Кўқон, Наманган, Тошкент, Самарқанд каби вилоятларнинг адабий муҳити алоҳида—алоҳида тадқиқ этилган⁵. Уларда турли давр билан боғлиқ тарихий—маданий ҳаёт воқеалари, инсон тафаккури ва руҳиятидаги ўзгаришлар, халқнинг миллий—маънавий қиёфаси ўрганилиб, ижтимоий—сиёсий ва адабий

⁵Ибрат И. Фарғона тарихи / Нашрга тайёрловчилар: Бобобеков Ҳ., Ҳасаний М. –Т.: Камалак, 1991. –Б.266–327; Солижонов Й. Фарғона адиблари. Адабий портретлар –Т.: Фарғона нашриёти, 2005.–124 б; Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий / Нашрга тайёрловчи: Қаюмов А. Уч жилдлик. –Т.: ЎзР ФА Кўлёзмалар институти, 1999–720 б; Қаюмов А. Кўқон адабий муҳити. XVIII–XIX асрлар. –Т.: ЎзР ФА, 1996.–358 б; Қаюмов А. Кўқон адабий муҳити. –Т.: Mumtoz so‘z, 2010. – 248 б; Халилбеков А. Наманган адабий муҳити.– Т.: Руҳафзо, 1998. –176 б; Шу муаллиф. Наманган адабий гулшани. –Наманган: Наманган, 2007. –467 б; Наманганлик маърифатпарварлар.–Наманган, 2018.–134 б; Бобобеков Ҳ. Кўқон тарихи.–Т.: Фан, 1996.–116 б.; Болтабоева О.Ю. XX аср бошларида Наманганда адабий ҳаракатчилик: намояндалари, анъаналари, янгиланиши. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)...дисс. автореф.–Т., 2019. 55б; Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустакиллик мафқураси ва адабий мерос (XVII–XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. д-ри... дисс. автореф.– Тошкент, 1999. – Б. 32; Кобулов Н. Хоразм адабий муҳити. –Хоразм вилояти, Хоразм, 1992; Бобоҷонов П. Лаффасий. Тазкираи шуаро. –Хоразм вилояти, Хоразм, 1992; Сироҷиддинов Ш. XIX аср Каттақўргон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари: фил.фан.номз. дисс.– Самарқанд: 1991; Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. (XVI–XIX аср I ярми) ўқув кўлланма. Тошкент.: Фан, 2009.–248 б; Муҳиддинова Б. Сайдаҳмад Васлий Самарқандий мероси ва унинг адабий муҳитдаги ўрни: Фил.фан..номз.дисс. –Самарқанд: 2009; Тожибоева М.А. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари. Фил.фан.доктори дисс... (DSc) автореф.–Т., 2018. –71 б.

муҳитининг мураккаблиги ва ўзига хослиги кўрсатиб берилган. Шу аспектдан ёндашилса, Жиззах адабий муҳитининг шаклланиши ва тадрижий такомилини ёритиш ҳам адабиётшуносликнинг муҳим мавзуларидан саналади.

Бинобарин, ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига муносиб ҳисса кўшган Жиззах воҳаси ижодкорлари ўзларининг бой адабий–тарихий меросига эга. Ҳозирги Жиззах вилояти ҳудудининг Зомин, Бахмал, Фориш, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Янгибод туманлари ва Жиззах шаҳарларида қадимдан адабий–маданий ҳаёт ривожлангани манбалардан маълум.

Буюк ипак йўли устида жойлашган Сангзор воҳаси тарихи эрамиздан аввалги VI–VII асрлардан бошланган. Жиззахда иккита карвон йўли мавжуд бўлган. Туркистон – Хитой ва Фарғона йўли ўтганлиги боис бўлса керакки, воҳада маданият, санъат, адабиёт кенг ривож топган ва кўплаб олиму уламолар, ижодкорлар етишиб чиқкан. X аср тарихчиси Абу Исҳоқ Истарийнинг “Мамлакатлар масофаси” асарида Ҳаракан (Ғаллаорол) ҳақида, шунингдек Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур, Абдуллахон II, Турди Фарғий, Гулханий, Фозил шоирларнинг асарларида Жиззахга доир қимматли хотиралар ёзиб қолдирганлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Хусусан, “Бобурнома”да 1501–1502 йил воқеаларида берилишича, Самарқандда Шайбонийхон томонидан қамал қилинган, сўнгра сулҳ тузишга муваффақ бўлган Бобур вақт ярим кечага яқинлашганда Шайхзода дарвозасидан чиқиб, Ҳожа Дийдордан ўтиб, Қорабуғ тепалигининг шимолидан Худак кентининг этаги билан Илон йўли орқали Ҳалилия қишлоғидан (ҳозирги Қалия қўргони ҳудудида) Дизакка келишади. “Бобурнома”да буни Бобур қуйидагича тасвирлайди: “Ҳалилиядин Дизак келилди, ул фурсатга Дизакта Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тоҳир дўлдой эди. Семиз этлар ва майда этмаклар арzon, чучук қовунлар ва яҳши узумлар фаровон. Андоқ усрattин мундоқ арzonлик ва андоқ балияттин мундоқ амонлиққа келдук.

Ваҳму усраттин амоне топтуқ,

Янги жон, тоза жаҳоне топтуқ.

Ўлум дағдағаси хотирдин рафъ бўлиб, очлик шиддати элдин дафъ бўлди. Умрумизда мунча фароғат қилмайдур эдук. Муддатул–умр амонлиғ ва арzonлиғ қадрини мунча билмайдур эдик. Ишрат усраттин сўнг, фароғат мاشаққаттин кейин лаззатликроқ ва яхшироқ кўринур. Тўрт–беш навбат ушмундок шиддаттин роҳатқа ва машаққаттин фароғатқа мунтақил бўлубдур. Аввалғи навбат бу эди. Мундок душман балосидин ва очлик ибтилосидин халос бўлуб, амонлиғ роҳатиға ва арzonлиғ фароғатиға етуштук. Уч–тўрт кун Дизакта истироҳат қилдук”⁶. Бобурнинг Жиззах воҳасидаги Пашоғар, Зомин, Работи Хожа қишлоқларида бўлганлиги ҳақидаги муҳим маълумотларни ҳам “Бобурнома”да учратамиз.

XIX аср охири, XX аср Жиззах воҳасидаги тарихий воқеалар ҳақида эса тарихчи X.Хайдаровнинг “Жиззах”, “Жиззах тарихидан лавҳалар”⁷ китобларидан етарлича маълумот олишимиз мумкин. Жиззах воҳасидан этишиб чиққан кўплаб олим уламолар, ижодкорларнинг баъзилари ҳақидаги маълумотларни эса Ж.Жўраевнинг “Жиззах вилояти тарихига оид лавҳалар”⁸ китобида учратишимиз мумкин. Шулардан ҳам кўриниб турибдики, Жиззах вилояти бой адабий–тарихий меросга эга.

Жиззах адабий муҳити ҳақида гапиришдан олдин, адабий муҳит тушунчасига жавоб беришимиз ўринли бўлади. “Адабий муҳит – ижодий муҳит. Муайян жойда яшаб ижод этган йирик шоир ва адиблар таъсирида юзага келади. Адабий муҳитнинг вужудга келиши, албатта, ижтимоий–тарихий шароит ва йирик ижодкорлар фаолияти, улар яратган ижодий мактаблар билан боғлиқдир. Масалан, Ҳирот адабий муҳити (Лутфий, Навоий, Жомий ва б.), Қўқон адабий муҳити (Гулханий, Махмур, Нодира, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Завқий, Хазиний ва б.) йирик шоирлар

⁶ Бобур З.М. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1989. –Б.86.

⁷ Ҳайдаров X. Жиззах.–Т.: Ўзбекистон, 1990.–143б; Шу муаллиф. Жиззах тарихидан лавҳалар. –Т.: Мехнат, 1992.–806

⁸ Жўраев Ж, Жўраев Ж. Жиззах вилояти тарихига оид лавҳалар. –Т.: Мумтоз сўз, 2018.

фаолияти, ижодий таъсирида юзага келган. Адабий муҳит адабий оқимлар ва йўналишлардан фарқ қиласи. Бир адабий муҳитда бир неча оқим ва йўналиш бўлиши мумкин. Адабий муҳит бошқа жойлардаги адиб ва шоирлардан ўзига хослиги, ижодий алоҳидалиги, бадиий фикрлаш тарзидаги бетакрорлиги каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Хива, Кўқон, Андижон, Шаҳриҳон Адабий муҳит мавжуд бўлиб, уларнинг етук вакиллари яратган асарлар ўзбек адабиётининг нодир намуналари ҳисобланади”⁹.

Модомики, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Хива, Кўқон, Андижон, Шаҳриҳон адабий муҳитлари мавжуд экан, профессор Орифжон Икромов айтганидек, “Наҳотки, Ҳамид Олимжон сингари ўнлаб ижодкорларни етиштирган Санѓзор воҳасининг ўтмиш ижодкорлари бўлмаса?”¹⁰, деган ҳақли савол туғилади. Бундай қарашларга асосланган заҳматкаш олим Иноятулла Сувонқулов Жиззах адабий муҳити бўйича изланишлар олиб бориб, қуйидаги муҳим хуносага келади: “Санѓзор воҳасида XIX аср ва XX аср бошларида яшаган бир гурӯҳ ижодкорлар борки, халқимиз уларнинг ижодидан тўлиқ баҳраманд эмас. Жиззахлик Муҳаммад Ризо, Зиёқори Мирабдулла ўғли, Юсуф Чойдўш, Шермат Маҳзун, Фаллаорол туманидан коризлик Инъомхон Маҳжур, қоронғуллик Умрзоқ Нарзий, норвонлик Нарзулла Шароф ўғли, Ғарибий тахаллусли Нарзуллахон, ўғатлик Мискин тахаллусли Мулла Бобохон, кўкгумбазлик Усмонхон Баҳромхон ўғли, муллабулоқлик Рожий тахаллусли Абдуқодир Сангиров, балғолилик Ғозибек Муҳаммадиёр ўғли, хонақоҳлик Сайдхон, Камолиддин Қори, Ёқубхон Қосимов, савруклик Муҳаммадибек Жаҳонгирбек ўғли, аламлилик Саййид тахаллусли Султонхон Тўра, Баҳмал туманидан новқалик Қўшмурод баҳши, Товошар баҳши, Фориш туманидан Ҳадича она Шариф

⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. 12 том, 1 том.Б.180

¹⁰ Шоира Муаззамхон (ҳаёти ва ижодига чизгилар). Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи И.Сувонқулов., Н.Сайдалиева. –Жиззах.: Санѓзор, 2010. –Б.5.

қизи, Курбонали бахши Мўмин ўғли, Мулла Қўшоқ ижоди бўйича маълумотларга, айрим қўлёзмаларга эгамиз”¹¹, –дэя эътироф этади.

Адабиётшунос олим Усмонжон Қосимовнинг “...ўзининг ўлмас достонлари билан эзгуликни тараннум этган Фозил Йўлдошдек машхур бахши–шоирлар, дунё халқлари китобхонларини ҳам ҳайратга солган дурдона асарлари билан шуҳрат қозонган ҳассос шоир Ҳамид Олимжон ва Шароф Рашидовдай атоқли адибларимиз юрти бўлган Жizzах адабий муҳитида бугун ҳам ижодкорлар Истиқлол ғояларига ҳамоҳанг тарзда қалам тебратмоқдалар”¹², деган қарашлари ушбу диссертациямиз йўналишини белгилашда муҳим асос бўлди.

Дарҳақиқат, XX аср бошларидан Жizzахда қайноқ адабий жараён кечгани бугунги кунда адабиёт аҳлига яхши маълум. Муаззамхон, Аламкаш, Коризий, Фозил Йўлдош ўғли, Ёрлақаб Бекназар ўғли, Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон каби шоирлар ижодини ўз ичига олган бу даврни адабий ҳаракатчилик деб аташ мақсадга мувофиқ. Негаки, бу жараён нафақат Жizzах худудида, балки бутун Туркистонда кечган ижтимоий–сиёсий уйғонишни бошлаб берган жадидчилик ҳаракати ва унинг бадиий–эстетик тафаккурга кўрсатган таъсири билан чамбарчас боғлиқдир.

Жizzах адабий муҳитининг шаклланиш ва ривожланиш омиллари тўғрисида тўхталар эканмиз, ушбу омилларни қуидагиларда кўрсатишимиз мумкин.

Биринчидан, XX аср биринчи чораги Жizzах воҳасида ижод қилувчи ижодкорлар асарларида халқ оғзаки ижоди намуналари ва мумтоз адабиётдан таъсирланиш, илҳомланиш кўзга ташланса, иккинчидан, XX аср сўнгти XXI аср чорагида Жizzах воҳасида ижод қилувчи ижодкорлар асарларида юрт тупроғининг ҳар бир зарраси, аждодлари руҳидан қуч оловчи, истиқлолнинг ҳар бир онини қадрловчи, уни қўз қорачигидай асровчи, истиқлолни асраб–авайлувчи фарзандларни тарбияловчи лирик қаҳрамонлар тимсолида адабий

¹¹Шоира Муаззамхон (ҳаёти ва ижодига чизгилар). Нашрга тайёрловчи ва адабий–танқидий матнлар муаллифи И.Сувонқулов. –Т.: Янги аср авлоди, 1990. –Б.6

¹² Қосимов У. Ижодни англаш йўлида. Т.: Иқтисод–молия. 2015. –Б.121–122

эстетик идеал даражасига кўтарилиган. Учинчидан, улар ижодида комил инсон идеали, нафс, ўткинчи дунё ташвишлари, ёмон хулқ эгаси бўлган инсонлардан озорланиш билан бирга яхши инсонларга интилиш ғоялари ифодаланган.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, жizzахлик ижодкорларнинг бадиий мероси ўзбек адабиётшунослигида маълум даражада ёритилган, лекин воҳа нуктаи назаридан яхлит тарзда тадқиқ этилмаган. Шу боис мазкур диссертацияда Жizzах адабий муҳити ва унинг етакчи тамойиллари регионал–худудий жиҳатдан ўрганилиб, уларни умумлаштиришга ва муайян хуносалар чиқаришга ҳаракат қилинди. XX аср ва Истиқлол даври адабиётида Жizzах адабий муҳити ижодкорларини шартли равишда қуидаги гуруҳларга ажратиб ўрганиш мумкин:

1. Жizzах воҳасида туғилиб, бошқа жойларда ижод қилган ижодкорлар бўлиб, бу қатламга Ҳамид Олимжон, Назир Сафаров, Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Шукур Саъдулла, Оқилжон Ҳусанов, Тўра Сулаймон, Эгамберди Мустафоев, Мели Норматов, Келди Қодиров, Жонибек Субхон, Нураги Қобул, Саъдулла Ҳаким, Фароғат Камолова, Мирзабек Давронов, Гулчехра Шаҳобиддин қизи, Сайёра Тўйчиева, Барно Рустамова, Зулфия Қуролбой қизи, Иқром Искандар, Фурқат Мели кабилар киритиш мумкин.

2. Бошқа жойда туғилиб, Жizzах воҳасида яшаб ижод қилган ижодкорларга Муаззамхон, Фозил Йўлдош ўғли, Шарофат Ботирова, Жўрахон Маҳзуний, Эргаш Муҳаммад, Ёрлақаб Бекназар ўғли, Туроб Юсуф, Ашурали Боймурод, Абдулқосим Мамарасулов кабилар.

3. Жizzахда воҳасида туғилиб, шу воҳада яшаб ижод қилган ижодкорларга Коризий, Аламқаш, Назиржон Баракаев, Нўймонжон Мирзаев, Иброҳим Доңиш, Абдулла Аҳмад, Туроб Мақсуд, Жўра Муҳаммад, Мажид Фармон, Исок Исмоил, Зулфия Бўриева, Ҳамроқул Асқар, Бахтиёр Мирзо, Абдулла Қўшбоқов, Мехрибон Абдураҳмонова, Абдураҳмон Каримов, Шаҳло Ахророва, Холиқназар Олиш, Зухра Мамадалиева,

Абдуғаппор Шодмонқулов, Шоди Отамурод, Ойдин Дониш, Ирода Умарова, Сайфиддин Оканов, Илҳомжон Иброҳимов кабиларни киритиш мумкин.

Келтирилган маълумотлардан ҳам кўринадики, Жиззах адабий муҳити қамрови анча кенг бўлиб, у турли жанрларда ижод қилган ва ўзига хос истеъдод характерига эга бўлган неча ўнлаб шоир ва ёзувчилардан ташкил топган. Диссертация ишининг XX аср ва Истиқлол даври оралиғида Жиззахда яшаб ижод қилган адиблардан айримларининг ижод намуналарини ўрганиш ва уларнинг ўзига хос ва муштарак жиҳатларини ёритиш мақсад қилиб олинди.

Жиззах адабий муҳитининг шаклланишида Муаззамхон Мирсаид қизининг (1833, Хўжанд—1917, Жиззах) ўрни катта. Хўжанддан Жиззахга келин бўлиб келган шоира ярим асрдан зиёд вақт ичида Жиззахда яшаб ижод қилган. Ўзбек ва форс мумтоз адабиёти намояндаларининг ижоди билан чукур танишган шоира аruz вазнини мукаммал ўзлаштирган. Шу боис ҳар иккала тилда эркин ижод қилган ҳолда, у халқ ўртасида жуда машҳур, эл таниган ва эътироф этган шоира бўлган.

Дарҳақиқат, “Муаззамхон Жиззахда адабиётни ёқтирган шоиртабиат аёллар даврасини уюштириб, уни бошқариб турган. Жумладан, Шарофат она, Комила она (Ҳамид Олимжоннинг онаси), Саодат эркак, Розия баҳши, Улуғ Кампир, Онай сўфи, Ўғилой отин, Қурбоной отин, Ҳидоятхон ва бошқа саводхон аёлларнинг ижод билан шуғулланишларида раҳнамолик қилган”¹³.

Жиззах адабий муҳитининг юзага келишига ва шаклланишига катта ҳисса қўшган Муаззамхон ҳаёти ва адабий меросига қизиқиши 1931 йилда Музайяна Алавия томонидан бошланган. Жиззахлик Сабоҳатхон исмли аёлдан шоиранинг 50 ғазалдан иборат бир қўллөзмасини Музайяна Алавия олгани, лекин номаълум сабабларга қўра олима бу ғазалларга ўзи муносабат билдирамаганлиги ҳақида маълумот бор¹⁴.

¹³ Сайдалиева Н. Муаззамхон шеъриятида адабий анъана ва бадиий маҳорат. Фил.фан.номз. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Самарқанд, 2002. Б.14.

¹⁴ Сувонқулов И., Н.Сайдалиева. Шоира Муаззамхон.. –Жиззах: Сангзор, 2010. –Б.9.

Юқоридаги қўлёзма асосида кейинчалик адабиётшунос олима М.Қодирова ва Т.Жалоловнинг мақолалари эълон қилинган. Жиззахлик Муҳаммадхўжа томонидан тақдим этилган XX асрда Шарофат биби томонидан кўчирилган қўлёзма асосида эса И.Сувонқулов, М.Қодирова, Э.Шодиев, Н.Сайдалиеваларнинг рисола ва тадқиқотлари юзага келади¹⁵.

Ушбу маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, Муаззамхон адабий кечаларида фаол иштирок этган бувиси Комила она орқали Ҳамид Олимжон ижодида ҳам катта бурилиш ҳосил бўлди. Бу ҳолат, яъни ўз даври, яшаётган муҳит адабиётидан таъсирланиш, унинг шеъриятида иқрор каби жаранглаганини кўришимиз мумкин.

Яна шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Ҳамид Олимжон ижодиёти ҳам ўз вақтида Жиззах адабий ҳаракатчилигининг шаклланиши, янгича тасвиirlар, оҳанглар ва образлар тизими билан бойишида алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётидан озиқланган Ҳамид Олимжон замонавий Шарқ ва Ғарб шеъриятини, қардош халқлар адабиётини ҳам яхши билган. Хусусан, “Навоий – ўзбек тилининг яратувчиси” номли мақоласида Фирдавсий, Шекспир, Бальзак, Лев Толстой, Пушкин каби ижодкорларнинг асарлари жаҳон адабиёти тарихида қай даражада ўрин тутса, Алишер Навоий асарлари ҳам уларнидан кам эмаслигини билдиради. Ўз навбатида Навоий асарларида кўтарилган ғоя мақсад–моҳияти, шахс тарбиясидаги умуминсоний аҳамиятини белгиловчи бир нечта жиҳатларини санаб ўтади¹⁶.

1916 йилда мардикорчиликка қарши халқ норозилиги Жиззахда ҳам юз беради. Ўлкамизда чоризм сиёсати қанчалик даҳшатли оқибатларга сабаб бўлганлигини кўплаб тарихий ҳужжатлар ва адабий манбалар тўла исбот

¹⁵ Сувонқулов И. Поэтическое наследия джизакских поэтов конца XIX и начало XX вв. АКД, Самарканд, 1970; Жалолов Т. Ўзбек шоиралари. –Т.: Фан, 1970, 197–217б; Қодирова М. XIX аср ўзбек шоиралари ижодида инсон ва халқ тақдири. –Т.: Фан, 1977, 55–57 б; Сувонқулов И. Жиззахнинг Зебуннисоси // Гулистан. 1970 №7; Сувонқулов И. Санѓзор садолари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.–154б; Шодиев Э. Шоираҳои то инқилоби. –Хўжанд.–Душанбе: Ирфон, 1986.–154б; Шодиев Э. Тазкираи шоирони. Хўжанд–Душанбе.: Ирфон, 1986.–64б; Қодирова М. Шоира Муаззамхон. –Т.: Фан, 1992; Шоира Муаззамхон (Ҳаёти ва ва ижодига чизгилар). Нашрга тайёрловчи Сувонқулов И. –Т.: Янги аср авлоди, 2005.–58 б; Сувонқулов И., Н.Сайдалиева. Шоира Муаззамхон. – Жиззах: Санѓзор, 2010.–76б

¹⁶ Ҳамид Олимжон. Асарлар мажмуаси. Бешинчи том. –Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1972. –Б. 157.

қила олади. Халқимиз бошидан кечирган бу фожиалар бадий адабиётда, қатор реалистик асарларда ҳам ўз аксини топғанлигини таъкидлаш зарур. Жумладан, А.Қодирий, Фитрат, Ҷўлпонлар ижодида, кейин эса Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор ва истиқлол йилларида фаол ижод қилган Абдулла Аҳмад асарларида ҳам бу тарихий ҳақиқат ҳаққоний акс эттирилганини кўрамиз. Жиззахда ҳам рўй берган бу қонли воқеаларга нафақат Муаззамхон, балки ундан кейинроқ адабиёт оламига кириб келган Ҳамид Олимжон ва Назир Сафаров каби шоир ҳамда ёзувчилар ҳам бевосита гувоҳ бўлишган, ўзларининг бир қатор асарларида мазлум халқнинг дард–ситамларини таъсирchan лавҳаларда тасвирлаб берганлиги ҳамда бу анъана бизнинг давримиздаги адиблар томонидан давом эттирилганлиги ҳам Жиззах адабий муҳитидаги асосий бир ижодий йўналиш бўлиб ҳисобланади.

Яқин ўтмишда содир бўлган бу тарихий қўзғолон оқибатида кўплаб шаҳар аҳолиси қиличдан ўтказилиши билан бирга, аҳолининг бир қисми Учтепа чўлларига сургун қилинган. Шоира Муаззамхон ҳам ана шу қонли кунларда халқ билан бирга бўлган. Ўша қонли воқеалар, халқ норозилиги, исёнлари, озодлик учун қурашлар, бу йўлда қурбон бўлганларни ўз кўзи билан кўрган. Ана шундай кунлар тасвири шоиранинг “Арз” радифли ғазалида ўз аксини топған¹⁷, - дейди И.Сувонқулов.

Шоира ижодини кузатар эканмиз, унинг ҳаётида кўрган азоб-уқубатлари шеъриятининг туб мағзига сингдирилганлигини кўриш мумкин. Биринчидан, шоира шеърларида ўзи туғилиб ўсган юртдан йироқда бўлиш мотиви етакчилик қиласи. “Айламиш”, “Мубтало”, “Айлади”, “Фалак” каби ғазалларини айни ҳолдаги асарлар сирасига киритиш мумкин.

*Ё Илоҳо Қодиро, бўлдим фироққа мубтало,
Неча йилдор ман бўлибман элу халқимдан жудо.
Ўт тумошиб ёнадур бағрим ичинда туну кун,
Қилмағил ҳеч бандани мундог фироққа мубтало...*

¹⁷ Шоира Муаззамхон. –Т.: Янги аср авлоди, 2005. –Б. 17(Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади ва бети қавс ичидаги кўрсатилади).

*Ҳажр зиндони, Муаззам, сени маҳбус айлади,
Холиқингни ҳукмидур, сабр эт, на деб йиғларсано¹⁸.*

Иккинчидан, турмуш ўртоғи Эшонхон тақдир чархпалаги туфайли акаси Абдураҳмоннинг бевақт вафот этиши туфайли унинг 18 ёшли аёлига уйланиши шоира учун катта руҳий зарба бўлади. Табиийки, бу руҳий ҳолат шоира шеърларида ўз аксини топади:

*Дилрабо ногаҳ келибон сайри гулзор айламиши,
Мен ғарифни гул юзин олдида хор айламиши.
Ҳар қаю гул хор ила улфат тутар гулзорда,
Турфа таҳсиким, мени бир кўргали зор айламиши...
Бўл, Муаззам, шод, келса ёр ҳолингни сўраб,
Ким сабо ҳоли харобинг ёра изҳор айламиши (45–496).*

Учинчидан, шоиранинг ҳасратини, дуди оҳини юқори чўққига кўтарган зарба фарзандларининг бевақт вафот этишидир. Шоиранинг 11 фарзандидан 8 нафари ёшлигига ёки вафот этиган бўлса, қизлари Ҳидоятхон 42 ёшида, Невараҳон эса 21 ёшида, ўғиллари Музффархон 24 ёшида, Ботирхон 19 ёшида вафот этиши шоирани бир умрлик айрилиқ азобига гирифторм қиласи, бу ҳолат қуидаги шеърида маҳорат билан акс эттирилганини кўрамиз:

*Дафтари иқболима ёзилди аз рўзи мисок,
Холиқум ҳукм этди ҳижрон битти муниши фироқ.
Қиз–ўғил фарзанларим ҳам боғу гулзорим эди,
Кетдилар дорилбақога барчаси бо иштиёқ...
Дилда ғам, жонда ситам, мажруҳ тандо юз алам,
Бу тириклик лаззатидин манга ўлган яхшироқ (576).*

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки. Навоий каби буюк устозларга издош бўлган Муаззамхон асарларида, айниқса, комил инсон шахсияти тарбияси билан боғлиқ адабий–эстетик идеаллари тараннум этилган мисралари кўпроқ эканлиги кўзга ташланиб туради. Жумладан, унинг фикрича, инсон камолотга эришиши учун ўз нафсини бошқара олиши, унга бўйсунмаслиги,

¹⁸ Сувонқулов И., Н.Сайдалиева. Шоира Муаззамхон. –Жиззах: Сангзор, 2010. –Б.50 –51

қаноатда бўлиши керак. Бунинг учун комил инсонлар – “яхшилар” сухбатида бўлиш, ёмонлар – “адўлар”дан қочмоқ керак:

Адўлардан қочиб узлат уйин тутмасам бўлмаз,

Ўзимни яхшиларнинг сухбатига қоқмасам бўлмаз.

Бу нафси саркашининг доим галат йўлларига бошлайдур,

Қаноатдин югон солиб, жиловини тутмасам бўлмаз (166).

Нафақат Жиззах адабий муҳитининг, балки кўп асрлик ўзбек адабиётимизнинг ҳам етук намояндаси бўлган Муаззамхон, айни пайтда, форс, араб тилларини ҳам мукаммал билганилиги фавқулодда нодир истеъдодининг ёрқин бир қирраси эди. Бу жиҳатдан ҳам Навоий каби улуғ устозларнинг ўлмас анъаналарини ижодий давом эттира олганлигини кўришимиз мумкин. Чунончи, ҳассос шоиранинг юқоридаги ғазалида буюк Алишер Навоий ижодида асосий ўрин тутган инсонпарварлик ғояларидан кучли таъсирлангани ва устознинг комил инсон тимсолини яратган қўйидаги машхур рубоийсидаги теран ижтимоий–фалсафий фикр ва қарашларни ўзига хос тарзда ва мумтоз шеъриятнинг юксак талаб–мезонлари асосида поэтик мукаммаллик билан давом эттирсанлигига гувоҳ бўламиз:

Хўб эл била сухбат тутубон хўб ўлғил,

Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил,

Ширин сўз ила ҳалқча марғуб ўлғил,

Юмишоқ де ҳадисингни маҳбуб ўлғил¹⁹.

Томчидаги қуёш акс этганидек, Алишер Навоийнинг ҳамиша инсонларни комилликка бошлашдек олижаноб мақсади ва чуқур ҳаётий ғоя–фикрларни гўзал шаклда ифодалаш санъати ушбу муҳтасар шеърида ҳам яққол намоён. Халқимизда яхши бир мақол бор: “Ёмонга этагинг тегса кесиб қоч”. Шу сабаб бўлса керак, Навоийнинг барҳаёт ижодий сабоқларидан баҳраманд бўлган Муаззамхон ёмонлардан, уларнинг ғалвасидан узокроқ туришни, яхши инсонлар даврасига боришни афзал билади ва бошқаларни ҳам шунга

¹⁹ Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 15-жилд (Матни нашрага тайёрловчи: Латиф Халилов). – Т.: F. Гулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2011. – Б.212

чорлайди. Шоиранинг юксак назмий маҳорати ва нозик нуктадонлигининг гўзал намунаси бўлган бундай ҳаётий адабий–эстетик ғояларини “Қоч” радифли ғазалида ҳам кўришимиз мумкин:

*Кел, эй кўнглим, ўзингга маслаҳат қил, мосиводин қоч,
Сани қўлингни боғлар жаҳд этиб ҳирсу ҳаводин қоч²⁰.*

Улуғ мутасаввуф шоирлар ижодида устувор аҳамият касб этган ва Муаззамхон ижодида ҳам алоҳида ўрин тутувчи идеал шахс – комил инсон борасидаги ибратли қарашлари бошқа асарларида ҳам юксак санъаткорлик билан давом эттирилганки, бундай эзгу ғоя ва тимсоллар кейинчалик Жиззах адабий муҳитининг етакчи ижодий анъаналаридан бирига айланади. Жумладан, қуйидаги ғазалда шоира лирик қаҳрамон “кўнгил”га мурожаат қилиб, бу дунёning ўткинчи эканлиги, ундан кўплаб “яхшилар” – комил инсонлар яшаб ўтганлигини таъкидлайди. Кўнгилга мурожаат этиб, уни “яхшилар”дан ўрнак олишга чорлайди. Улар каби комил инсон бўлиб, одоб доирасидан чиқмасликка даъват этади. Нафси ҳавоийнинг истакларига берилиб кетмаслик кераклигини уқдиради. Бунинг аксича, ўзини тарбиялаш, нафсига “сайқал” бериш кераклигини айтади:

*Эй кўнгил, ғафлатда қолдинг, қичқириб ўтти жарс,
Кейнидин елиб югурким, қолмагил сен бир нафас.
Юкин боғлаб яхшилар кетти жаҳон айвонидин,
Охири сен ҳам кетарсан дунёни қилма ҳавас.
Ҳалқаи парвонадек доирага бошингни қўй,
Ҳалқадин ташқари чиқмас ўзни билган яхши кас (50б).*

Жиззах адабий муҳитининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари XX аср биринчи чорагида воҳада ижод қилувчи ижодкорлар асарларининг таҳлили мисолида қузатиш мумкин. Бу вақтда ижодкорлар мумтоз адабиёт ва оғзаки ижоди намуналаридан таъсирланиб ва илҳомланиб комил инсон идеали талқинини асарларига сингдиришга ҳаракат қилишди.

²⁰ Кодирова М. Шоира Муаззамхон. –Т.: Фан, 1992. –Б. 51.

Дарҳақиқат, халқимизнинг фидоий ва пешқадам вакиллари бўлган қалам ахли ўз ватанларининг озод, энг гўзал, унда яшовчи халқнинг ватанпарвар, унинг ёшлари илм–фанни ўрганишга иштиёқманд, аждодлари меросига ворисийлик ҳисси билан тўлиб–тошган, ҳар томонлама комил, ундаги жамият тарақкий этган бўлиши керак деган энг олий орзу–идеалларни тараннум этишдан воз кечмадилар. Ўша давр воқеликлари билан боғлиқ тарзда шаклланган бу сингари адабий–эстетик идеалга оид чизгиларни Аламкаш, Муаззамхон каби жizzахлик ижодкорлар асарларида ҳам ўқишимиз мумкин.

Масалан, Аламкаш:

Бу фалакни дастидан ҳаргиз қарорим бўлмади,

Воҳ қарорим қайда бўлган, баҳтиёrim бўлмади

–деб оҳ уради (246).

Албатта, мамлакатдаги бундай ҳолатларнинг юзага келишида жамиятнинг барча вакиллари маъсулдирлар. Аламкаш ўз даври кишиларини огоҳликка чорлайди. Атрофда бўлаётган воқеалардан хабардор қилишга интилади. Жамиятни маънавий софликка, камолотга чақиради. Тубанлик ботқоғига ботган, нафс қулига айланиб қолаётган кишиларни қоралайди. Унинг бу сингари қарашлари “Эй ёронлар, қулоқ солинг бул сўзима” деб бошланувчи мураббасида акс этган. Шоир мазкур шеърда халқни алдаб молу давлат орттираётган, уларнинг ишончидан фойдаланаётган эшонларга нисбатан маломат қиласди. Бу орқали кишиларни ана шундай феълу атвордан халос бўлиш, жамиятни шу сингари кишилардан поклашга чорлайди. Шеър Аҳмад Яссавий ҳикматлари йўсинида, содда ва халқона тилда битилган:

Эй ёронлар, қулоқ солинг бул сўзима,

Не сабабдин эшонимдан кечдим мано?

Кўкрагида нафси шайтон чорзарб урап,

Ул сабабдин эшонимдин кечдим мано...

...Эшонимни дасторлари юз уч қулоч,

Нафси шайтон андин топар ҳар дам ривож,

Муридига ҳар дам боқар мисли Ҳажжож,

Ул сабабдин эшионимдан кечдим мано...²¹

Аlamкаш булардан бошқа шеърларида ҳам ўз адабий–эстетик идеали борасидаги қарашларини баён қилган. Хусусан, шоир идеал шахс қандай бўлиши керак деган саволга бир неча ўринда жавоб беришга ҳаракат қиласди. Масалан, қўйидаги қитъада:

*Ёр улдурки, ёрнинг айбин,
Мисли ойина рўбарў деса,
Наки орқасидан мисоли тароғ,
Дўсту душманга мў–бамў деса²².*

мисралари орқали ўзи орзу қилган идеал дўстнинг портретини чизади. Унингча, ҳақиқий дўст, дўстининг айбини ойна сингари кўз олдига олиб кела олиши, тароқ сингари дўстининг феълидаги “чигинлар”ни ёза олиши керак. Бошқа бир қитъасида:

*Олим улдурки, билсуну қилсун,
Неники қилмай, жаҳон–жаҳон билсун.
Бу иккода амал эрур мақсуд,
Одам улким, амал билан ўлсун,
Гавҳари одамий амалда эрур,
Яхши улким, амал билан бўлсун²³*

– деб ёзади. Шоирнинг бу қитъасида идеал жамият, ундаги кишилар борасидаги адабий–эстетик қарашларини кузатишимииз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах воҳаси адабий ҳаракатчилик жараёнигининг шаклланиш ва ривожланиш тамойиллари XX аср биринчи чорагида Жиззах воҳасида ижод қилувчи ижодкорлар асарларида халқ оғзаки ижоди намуналари ва мумтоз адабиётдан таъсирланиш, илҳомланишда, хусусан, комил инсон идеали, нафс, ўткинчи дунё ташвишлари, ёмон хулқ эгаси бўлган инсонлардан озорланиш билан бирга яхши инсонларга интилиш ғояларида ифодаланганди.

²¹ Сувонқулов И. Сангзор садолари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. –Б. 145.

²² Девон. Убайдуллоҳ Ислом сўфи ўғли Аламкаш. –Т.: Akademnashr, 2016. –Б. 381

²³ Яна шу асар. –Б. 384.

1.2. Жиззах адабий мұхитида эстетик идеал категориясининг трансформацияланиш жараёнлари

Давр ва адабиёт мұносабати ғоят мураккаб муаммодир. Чунки замоннинг асосий белгиси унинг тинимсиз ҳаракатдалиги, ўзгариб туриши бўлса, асл адабиётнинг бош хусусияти унинг ўзи яратилган замонга қараганда кўпроқ яшашга интилиши, барқарорроқ бўлишга уринишидир. Лекин минг таассуфки, барча бадиият намуналари давр синовларидан муваффақият билан ўта олмайди. Бу масала юзасидан йирик адабиётшунос олим Наим Каримовнинг: “XX аср – инсоният тарихидаги энг улуғ асрлардан бири. Бу асрда қанчалик кўп қон тўкилган, қанчалик ноҳақликлар ва адолатсизликлар рўй берган бўлмасин, инсоният худди шу асрда келажак сари катта қадам ташлади... Бу асрда содир бўлган барча воқеалар инсоният тарихининг ажralмас таркиби. Уларнинг бизларга мақбул бўлмаган қисмларини ёддан чиқаришга, тарихдан ўчиришга уриниш бемаънилиkdir...”

XX аср ўзбек адабиёти халқ ва жамият ҳаёти билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Бундай алоқа адабиётимизнинг аввалги босқичларида бўлмаган. Зеро XX аср ўзбек адабиёти халқ ва жамиятни ўз ортидан етаклаб, уларни ҳуррият ва миллий тараққиёт манзилларига олиб боришга интилди, бу интилишда муайян ютуқларга эришди”²⁴, – деган эътирофи эътиборга лойик.

Дарҳақиқат, XX асрдан то Истиқлолгача бўлган даврда ўзбек халқи, дастлаб, Чор Россияси, сўнгра совет ҳукуматининг мустамлакачилик ва қатағон сиёсати билан боғлиқ мураккаб тарихий, ижтимоий, сиёсий, маънавий жараёнларни бошидан ўтказди.

“Адабиёт ҳамиша идеал излайди. Романтик йўл биланми, реалистик тарздами, қатъий назар, ибрат бўладиган қаҳрамон тимсолини яратишга интилаверади. Турли бадиий, яъни тасвирий–ифодавий йўллар, воситалар, усуллар, умуман, сўзнинг кўп қиррали имкониятларидан фойдаланиб, ошкорами ёки зимданми, бевосита ёки билвосита гўзаллик ва эзгуликни тарғибу ташвиқ этаверади.

²⁴ XX аср менинг тақдиримда // Жаҳон адабиёти. 2001. 24– бет.

Мураккаб ва мушкул тарафи шундаки, умуман олганда, гўзаллик ва эзгулик ҳар қанча бадиий тушунчалар бўлмасин, замон ўзгариши билан бу мавхумликларнинг мезонлари ҳам ўзгариб боради. Ёки аксинча – қарашларнинг янгилаши замоннинг ўзгарганлигини билдиради.

Халқимиз бу кўхна тарих жараёнларида қўп-қўп ва турли-туман ўзгаришларни бошидан кечирди. Лекин Истиқлол – мамлакат ҳаётидаги ўта муҳим, ҳаётимида туб бурилиш ясаган ниҳоятда улкан дунёқарашимизни бутунлай ўзгартириб ташлаш, онгимизни тамоман бошқа ўзанга буриб юбориш, ҳаётга, давлатга, халққа, шахсга муносабатдаги етмиш тўрт йил мобайнида зўр бериб шакллантирилган сунъий деворларни бузиб юборишга қодир куч”, – деб ёзади Султонмурод Олим²⁵.

Бинобарин, XX аср ўзбек адабиёти янгиланган адабиётдир. Бунда мавзулар, қаҳрамонлар, уларнинг дунёқарashi, ҳаётга муносабati, инсонлар ички дунёсининг тасвирлари ўзгарди, янгиланди. Адабиётда ўзига хос қаҳрамонлар пайдо бўлди. Бу қаҳрамонлар олдиндан режалаштирилган мақсадларга хизмат қилди. Шу сабаб улар “замонамиз қаҳрамонлари” дея талқин қилинди. Шундай “замонамиз қаҳрамони” ҳақида гапирамиз, хар биримиз уни ўзимизча излаймиз. Машхур бир адаб XIX асрда буюк асарини айнан шу ном билан атаганини ҳам яхши биламиз. Майли, бу атама кимгадир эски, муайян қолипдаги тушунча бўлиб туюлади ҳам дейлик. Хўш, уни соддароқ қилиб, “орзудаги шахс” (идеал шахс – П.Т.) дейишга ҳаққимиз бор!²⁶

Ўз навбатида жамиятда шахс тарбияси, уларда юз берадиган ўзгаришларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, истиқлолни мустаҳкамлаш, унинг қадрига етиши борасидаги қарашларини ривожлантиришда қайси асосларга таянишимиз керак. Бу каби фазилатларни жамият аъзоларида шакллантириш учун кимларни идеал қилиб олиш зарур, янги давр адабий-эстетик идеаллари қандай бўлмоғи талаб этилади, деган

²⁵ Султонмурод Олим. Истиқлол-бахтим, саодатим...–Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.–Б. 92–93.

²⁶ Яна шу асар. –Б. 95.

саволлар Истиқлол даври адабиётининг кун тартибига қўйилган муҳим масалалардан бири бўлди. Жумладан, Н.Жўраев ва Т.Файзуллаевлар “Истиқлол ва тарихий жараён” номли рисоласида бу борадаги қатор саволларга жавоб ахтарадилар. Улар мустақиллик ғояси, унинг генезиси ва ривожи борасида сўз юритиб, мустақиллик даври учун идеал бўлишга лойик бўлган боболаримиздан бири сифатида Амир Темур шахсиятини кўрсатгандар. Ўз навбатида бу борада И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг хуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамиятга эга”, – деган фикрларига эътиборни қаратгандар²⁷.

Истиқлол даври ўзбек адабиётида ижодкорларнинг турли мавзуларда эркин ижод қилиш имкониятлари юзага келди. Қалам ахли ўз асарларида шўролар тузуми давридаги каби бутун эътиборини партия ғояларини кўр–кўрона бажарадиган шахслар тарбиясига хизмат қиласиган асарлар яратишга эмас, балки инсон руҳиятини уйғотишга, унинг тарбиясига йўналтирилган асарлар ёзишга киришдилар. Бу борада улар асрлар давомида шаклланган миллий адабий анъаналаримиз ва жаҳон адабиёти анъаналарига суюндишар. Ўз навбатида ижодкорлар юқорида қайд қилинганидек, Ватанинни севиш, Истиқлолни мустаҳкамлаш, унинг қадрига етиш борасидаги адабий–эстетик идеалларини ҳам ўз асарларида тасвирлаган. Ўзбек адабиётидаги бундай жараёнлар назм ва насрда ўзига хос тарзда кўзга ташланади. Улардаги адабий–эстетик идеаллар борасидаги тасаввурлар бир–бирини тўлдиради. Назмнинг имконияти етмаган ўринларда насрый асарларнинг қудратидан фойдаланилди. Чунончи, бу борада: “Истиқлол даври ўзбек шеърияти мазмун - моҳияти билан миллий адабиётимиз анъаналарига, жаҳон шеърияти ютуқларига таяниб, уларни ижобий ўзлаштириб, шакл ва мазмун такомилида янги босқичга кўтарилимоқда. Шоирларимизнинг бадиий–эстетик

²⁷ Каранг. Жўраев Н., Файзуллаев Т. Истиқлол ва тарихий жараён. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.–Б. 30.

изланишлари образлар тизими, услубий ўзига хос хусусиятлари билан кўзга ташланади. Бу изланишлар шеъриятимизнинг мазмун - мундарижасидаги сифат ўзгаришлари билан боғлиқ”, – деб ёзади Г.Ш.Сайдғаниева²⁸.

Янги давр билан, хусусан, Истиқлолнинг илҳомбахш ғоялари билан боғлиқ бу ижодий изланишлар Жиззах адабий муҳитида ҳам самарали кечаётганлигини таҳлил этиш учун айрим шоирлар, жумладан, таниқли ижодкор Иброҳим Дониш шеърларига назар ташлаймиз:

*Меҳрсиз қариндошдан меҳрли таниши яхши,
Улфатинг соз бўлса гар ёқимли хониши яхши.
Ҳаром йўлга бошловчи, юрагингни гашловчи,
Алдоқчи “яқин”лардан вақтида тониши яхши²⁹.*

Иброҳим Дониш ушбу шеърида адабий–эстетик идеални яратиш учун ижобий хислатларга урғу берса, бунинг акси бўлган салбий хислатлар орқали ҳам ўз идеалининг қиёфаси аслида қандай бўлиши керак, деган саволга поэтик мисралари билан жавоб беришга эришади.

*Ўзгалар юртидан бойлик излаган,
Ором билмай куну тун гиз–ғизлаган
Азобларга дуч келгач ииғлаб бўзлаган,
Дарбадарлар, сизга раҳмим келади.*

Дарҳақиқат, Истиқлол даври ўзбек шеъриятида ижодкорга ўз ғояси, адабий–эстетик идеалларини тараннум этиш учун кенг имкониятлар очди. Хусусан, Ватан озодлиги билан боғлиқ адабий–эстетик идеалларнинг янги қирралари кўзга ташлана бошлади. Назм аҳли ўқувчиларга асрлар давомида орзу қилинган Истиқлолнинг қадрига этиш, уни мустаҳкамлаш, бунинг учун халқимиз тимсолида кўришни истаган идеалларни тақдим қилдилар. Бу каби ижобий хусусиятларни биз Жиззах адабий муҳитининг яна бир намояндаси, ҳам назм, ҳам насрда ижод қиласиган Ш.Аҳророва асарлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

²⁸ Сайдғаниева Г.Ш. Истиқлол даври лирикасида строфика ва ритмнинг поэтик образ яратишдаги ўрни: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. –Т., 1997.–Б.3.

²⁹ Дониш Иброҳим. Ҳаёт китоби. Достон ва шеърлар. –Жиззах: 1998. –Б.65.

*Мұхаббат, құксимга ой бўлиб ботган,
Тұнларимни олиб қучоқлаб ётган,
Күнглимдан ўғирлаб шеъримга солған—
Оҳ, деган сўзингни яхши кўраман...
Севги-қиёфамас, құксимдаги куй,
Куйким—умри боқий, азоби боқий.
Ўзим англамаган ишқи—илоҳий,
Мен фақат ўзингни яхши кўраман!³⁰*

Шеъриятга, бадиий ижодга берилган бу таъриф ўзига хослиги ва ҳаққонийлиги билан эътиборга молик. Айни вақтда, самимият билан йўғрилган мазкур таърифда жаҳон адабиётининг буюк намояндадари томонидан билдирилган машҳур фалсафий фикр ва қарашларнинг ижодий давом эттирилганлигини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, XX аср жаҳон шеъриятининг ёрқин бир вакили Эдуардас Межелайтис шеърият ва ижод ҳақида мушоҳада юритиб, жумладан, “Поэтик сўз, яъни шеър шоир юрагининг акс садоси”³¹, деб таъриф берган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, чинакам шеър, энг аввалло, муаллиф қалбининг кўзгуси, яъни шоир қалб кечинмалари, ўй—фикрларининг ифодаси бўлиб майдонга келади. Айни пайтда, самимий ва ҳаётий шеърият ўқувчининг қалбига йўл топиши билан унинг ҳам қалбидаги ҳис—туйгулар билан ҳамоҳанглик касб этади. “Агар қайси бир шеър сизга ёкиб қолса, демак, унда кўнглингизнинг бир четидаги сўзлар бор, туйгулар бор. “Шоир менинг кўнглимдагини ёзибди—да” – дейсиз беихтиёр. Бу ўй, ана шу шеърни ўқиётиб, бошқа бир ўқувчининг ҳам кўнглидан ўтади. Демак, шеърият нафақат шоирнинг, балки ҳамманинг кўнгил дунёси. Шоирнинг эса елкасида бир масъулият борким, у фақат ўзининг эмас, ўзгаларнинг ҳам кўнглини ифодалай билиши керак. Мен Шахлонинг шеърларида ана шундай кўнгилдошликни туман. Бир шеърини ўқиб, шоира билан бирга онлик

³⁰ Ахророва Ш. Ишқ нафаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2012. –Б.84–85

³¹ Межелайтис. Автобиографические фрагменты. Советские писатели. Автобиографии 4 том. Москва, 1972. – С. 380

сууриини туясиз, яна бир шеърида муҳаббатга ошно дилларингизда меҳрингиз, соғинчингиз, ёхуд изтиробингизни кўргандай бўласиз”, –дейди Ҳ.Худойбердиева³².

Ш.Ахророва шеъриятида Ватан мавзуси, унинг мустақиллиги, мустақилликни қадрлаш билан боғлиқ адабий–эстетик идеаллар турли хил мавзулар фонида ўз ифодасини топган. Шоиранинг адабий идеаллари юрт тупроғининг ҳар бир зарраси, аждодлари руҳидан куч оловчи, истиқлолнинг ҳар бир онини қадрловчи, уни кўз қорачиғидай асрорчи, истиқлолни асрраб–авайлорчи фарзандларни тарбияловчи лирик қаҳрамонлар тимсолида намоён бўлади. Биз шоира ижодидаги Ватан, Истиқлол, уни мустаҳкамлаш ва қадрлашга оид шеърларини қуидагича таснифладик: муножот, мурожаат–даъват, тавсиф.

“Муножот” – ёлбориш³³ маъноларини билдиради. Бадиий адабиётда муножот ёзиш анъанаси мавжуд бўлиб, унда муаллиф ёки лирик қаҳрамон Тангрига ёлвориб севгилиси, яқин кишиси, ўз даври подшоҳи ёки Ватанини турли хил хавфу хатарлардан ҳимоя қилиши ва омон сақлашини сўрайди. Муножотлар йирик ҳажмдаги достонлар таркибида учраб, одатда “Муножот ба қозијол ҳожот” – “Тангрига ёлбориш” тарзида учрайди. Буни мумтоз адабиётимиз вакиллари асарида кўплаб қўришимиз мумкин. Хусусан, Навоий “Хамса”си таркибидаги достонларда ана шундай муножотлар бор. “Фарҳод ва Ширин” достонидаги муножот қисми қуидаги байтлар билан якун топган:

*Кетур илгимга дози жоми тавфиқ,
Етур кўнглумга дози роҳи таҳқиқ.
Сўзум роҳин қилиб равшан сафодин,
Шафоат жоми еткур Мустафодин³⁴.*

³²Қаранг. Ҳ.Худойбердиева. Шеърият–кўнгил дунёси.\ Ахророва Ш. Ишқ нафаси.–Т.: Адабиёт ва санъат, 2012. –Б. 3.

³³ Навоий асарлари учун қисқача лугат. –Т.: Фан, 1993. –Б.180.

³⁴ Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. Мукаммал асарлар тўплами 20 жилдлик –Фан, 1991. –Б. 13.

Шоирнинг лирик асарлари таркибida ҳам муножот мазмунидаги байтлар учрайди. Булардан ташқари Навоий саъжли насрда алоҳида “Муножот” асарини ҳам битган. Уларда қайд қилинган мавзудаги муножотлар ўз аксини топган³⁵.

Ўзбек адабиёти тарихида Тангрига муножот қилиш орқали ўз юртини асраш, уни тараққий эттиришни сўраш анъанаси, ана шу анъанага кўра яратилган туркум асарлар бўлган. Мазкур туркумга Ш.Ахророванинг “Омон асра” номли шеърини киритиш мумкин. Шеър тўрт банд ва ўн олти мисрадан таркиб топган. Ҳар бир банд ўзига хос тарзда Тангрига илтижо билан якун топган. Бундан ташқари тўртала банд ўзаро фикрий изчилликка эга. Масалан, биринчи банд:

*Темурлари қўйиб кетган эшиги муқаддас юрт,
Алномишилар улғайтирган бешиги муқаддас юрт,
Сеҳрлидир аллалари, қўшиги муқаддас юрт,
Бешикдаги ёши жонимни асра, Аллоҳум³⁶.*

Навбатдаги байтда Ўзбекистондан дунёга донғи кетган кўплаб шахслар етишиб чиққанлиги, улар ниҳоятда кўплиги, гўё карвон бўлиб дунёнинг турли томонларига илму маърифат улашиш учун йўлларга чиқиб кетганлиги, бундай карвонлар ҳозир ҳам йўлга чиқаётганлиги, бу карвонни бошқараётган донишманд карвонбоши борлиги айтилади. Банд сўнггида Тангридан ана шу карвонни асрашни сўрайди:

Завол берма, карвонимни омон асра, Аллоҳум(106).

Учинчи бандда бу юртда фақат юртини севувчи, имонли фарзандлар етишиб чиққанлиги, ана шундай фарзандларнинг имонини асраш сўралади. Ниҳоят, сўнгги бандда Ўзбекистоннинг бутун бўйу бости уч мисра орқали тасвиrlанган ва қуидагича илтижо, ёлбориш билан яқун топган:

Ўзбекистон осмонини омон асра, Аллоҳум!(106)

³⁵ Навоий муножотлари ҳақида қаранг: Эркабоева Н.Қ. Алишер Навоий ижодида муножот: Филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. –Т., 2008. –26 б.

³⁶ Ахророва Ш. Ишқ нафаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2012. –Б. 10.

Мурожаат—даъват шаклидаги шеърлар Ш.Ахорованинг Истиқлол билан боғлиқ адабий—эстетик идеалларига оид шеърларининг бирмунча катта қисмини ташкил қиласди. Уларда шоира ўкувчини Ватанини севишга, унинг Истиқлолини англашга, қадрлашга даъват этади. Бу билан ўз адабий—эстетик идеалининг қандай бўлиши кераклигини кўрсатади. Унинг “Ватан шулмасми?” шеъри буларга ёрқин мисол бўла олади. Шеър тўрт банддан иборат тўқизлик шаклига эга. Ҳар бир бандда юртнинг, унда яшаётган халқнинг бирор бир жиҳати, характеристи очиб берилади. Бу орқали ижодкор ўкувчига мурожаат қилиб, уларни ҳар бир бандда тасвиirlанганларни англаш, қадрлашга даъват қиласди:

*Онамнинграйхон ҳидли,
Тонгларидай наҳор йўқ,
Томларида қизгалдоқ,
Сен ёзгандай баҳор йўқ.
Тупроқ йўлда болакай
Қалбидай беғубор йўқ.
У минган тол отдаи
Учқур йўқ, Бойчибор йўқ!
Ватан шулмасми, асли?*

Албатта, шеъри ўқиган ўқувчи ҳар бир банд сўнгги даги мурожаат асосида тасвиirlанган тимсолларни яна бир бор кўз ўнгидан ўтказади³⁷.

“Ватанини севсанг” шеъри ҳам ўзига хос композицияга эга. Шеър беш банддан иборат тўртлик кўринишида бўлиб, “Ватанини севсанг, жонинг билан сев” деган мурожаат мисраси билан бошланади. Шу тариқа бандма—банд ўз Ватанини севувчи адабий—эстетик идеалининг турли қирраларини очиб боради:

*Ватанини севсанг, жонинг билан сев,
Не—ки жон, ҳар нафас—онинг билан сев.
Энг гўзал санолар, сўзлардан олдин,*

³⁷ Ахорова Ш. Ишқ нафаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2012. –Б. 8.

Тоза қалб, тоза иймонинг билан сев!

Шеър мумтоз адабиётимизнинг радд ул—матлаъ санъатига ўхшатиб ёзилган. Маълумки, мумтоз адабиётимизда ғазалнинг биринчи мисраси матлаъ деб аталади. Газалнинг охирги мисрасида матлаъ мисра қайтарилса, бу қўлланган санъат радд ул—матлаъ дейилади. Бу қўлланиш шунчаки шаклбозлик бўлмай, матлаъда олға сурилган фикрни қайтариш орқали муаллиф унинг таъсир кучини оширишга ҳаракат қилган. Шундай қилиб, Ш.Ахророва шеърининг биринчи банддаги “Ватанни севсанг, жонинг билан сев” мурожаат шакли билан бошланган биринчи мисра сўнгги банднинг охирги мисраси бўлиб келган:

*Широқ севмасмиди ахир жонини?
Сақлаб номусингни, фарзанд номини,
Хурлик тилар бўлса гар қурбонини,
Тўкилса, ҳар томчи қонинг билан сев!
Ватанни севсанг, жонинг билан сев,*

Шеърда Ватан туйғуси, Ватанни, Истиқлолни асраш, бунинг учун фидоийлик зарур бўлса, фидо бўлишга шай турган туйғулар тараннум этилади. Босқинчиларга қарши курашган Широқ сингари оддий халқ вакилларининг жасорати ёдга олинади. Ана шундай фидоийларнинг жасорати халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмаслиги уқтирилади. Уларга муносиб ворислар бўлишга даъват қилинади.

“Ўғлонлар асрайди асли Ватанни”³⁸ шеърини ҳам юқоридаги каби тантанаворлик, руҳий уйғоқлик, жасорат, мардлик, фидоийликка даъват қилувчи шеърлар сирасига киритиш мумкин. Шеър олти банддан иборат тўртлик шаклида. Ҳар бир бандда Ватанни асровчи ўғлон қандай бўлиши кераклиги кўрсатилиб, унинг сифатлари намойиш қилиб борилган. Ана шундай ватанпарвар ўғлон шарафланган. Шоира Ватанни асли “қиз қўлига қилич бермас ўғлонлар”, “ўт жонлар”, “иймонлилар”, “белбоғини белидан

³⁸ Ахророва Ш. Ишқ нафаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2012. –Б.12.

ечмайдиганлар”, “мардлар”, “полвонлар” асрайди, деган қарашни ўртага ташлайди.

Шоиранинг “Аёкўз”³⁹ достони ҳам ўзига хос. Достонда подшоҳнинг қизи – Аёкўз ва унинг Ватан ҳимояси йўлидаги фидойилиги ҳикоя қилинади. Достонда подшоҳнинг Аёкўздан бошқа фарзанди йўқлиги, унинг ўғил кўриш орзуси билан яшаётганлиги айтилади. Ана шундай кунлардан бирида юртга ғанимлар ҳамла қиласди. Аёкўз гарчи қиз бўлса ҳам, юртни душманлардан ҳимоя қиласди ва қайтадан тинчликни ўрнатади. Достоннинг сюжети бир қарашда Тўмарис афсонасини ёдга солса ҳам, муаллиф у орқали ўқувчига юрт ҳимояси фақатгина йигитларнинг вазифаси эмаслиги, қизлар ҳам Аёкўз сингари Ватан ҳимояси учун фидойи бўлишлари керак деган идеалларини олға суради.

Шоиранинг Ватанни, Истиқлолни асраш, авайлаш билан боғлиқ адабий–эстетик идеаллари, юқорида таснифда кўрсатганимиздек, тавсифий характердаги шеърларида намоён бўлади. Бу ўринда тавсифий деб биз шартли равишда келтирдик. Ушбу гуруҳдаги шеърлар ҳам мазмун ва мавзу жиҳатидан олдингисига бироз яқин турса–да, кўпроқ Ватаннинг турли кўринишлари тавсифланади. Тавсифлаш сўзининг ўзаги арабча васф⁴⁰ сўзи бўлиб, тасвирлаш, сифатлаш, бирор нарса, ҳодиса ёки шахсни мақташ, мадҳ этиш, чиройли ўхшатишлар, мажозий иборалар билан таърифу тавсиф бериш маъноларига эга. Васф алоҳида жанр эмас, балки тавсифий характердаги қатор жанрлар (қасида, мадхия, фахрия ва б.)га хос ифода йўсини, усулидир. Васф қилиб шеърлар битган бўлса, кейинчалик унинг мавзу кўлами кенгайди: бирор шахс, шаҳар, бино, йил фасллари, ой, қалам ёки қаламдон, бошқа бирор буюм, зеб–зийнат ва шаклларни тавсифлаш мақсадида шеърлар битилди. Кўринадики, васфнинг мавзуси чекланган эмас. Шундай қилиб, Ш.Аҳророванинг Ватанга багишлиланган шеърларининг бир қисми васф, тавсиф характерда. Шоира бу турдаги шеърларида ўз адабий–эстетик

³⁹ Аҳророва Ш. Моҳим. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2002. –Б. 40–51.

⁴⁰ Навоий асарлари учун қисқача лугат. –Т.: Фан, 1993. –Б.59.

идеалларини юртимизнинг ўтмиш ва ҳозирги замони, унинг гўзаллиги, Ватани деб жонини ҳам аямаган фарзандларини улуғлаш, уларни олқишлиш орқали кўрсатиб беради. Ш.Ахорованинг бу турдаги шеърларига мисол тариқасида “Она Жиззах” ва “Бундай гўзал юрт қайда бор!” номли шеърларини кўрсатиш мумкин. “Она Жиззах” шеърида Жиззах воҳасининг тарихи бирма–бир кўз олдимииздан ўтказилади. Шеърда Жиззах туманларининг ўзига хос жиҳатлари, гўзаллиги таърифланади. Ёвларга таслим бўлмас, бўйсунмас фарзандларининг жасорати ёдга олинади:

*Сак қавмидан келаётган карвон ўзинг,
Ёвларга ён бермас кичик қўргон ўзинг,
Эрк деганда ўз кўксини қалқон қилиб,
Бир Ўрдангни минг асролган султон ўзинг,
Ганимларинг йўригига юрмаганим,
Боласини мардикорга бермаганим,
Ўн олтинчи йилда бошисиз қолган таним,
Она Жиззах, ўтдан омон ўтган Ватан!*⁴¹

Бу бандда бир қанча рамзлар, шеърий санъатлар қўлланган. Жумладан, бу юртнинг аждодлари сакларга бориб уланиши айтилади. “Кичик қўрғон” сўзи эса, ийҳом санъатига асос бўлган. “Кичик қўрғон” Жиззах шаҳрининг “Дизак”, яъни “Кичик қалъа” деб номланганлигига ишора. Маълумки, тарихда Жиззах қалъаси муҳим стратегик аҳамиятта эга бўлган ва уни ҳимоя қилиш учун душманларга қарши жангларда минглаб аждодларимиз жон берганлар. Шу билан бирга шаҳар ўрдасининг бу жанглардаги аҳамияти ҳам кўз олдимиизга келтирилган. Ўз навбатида юз эллик йиллик қулликка қарши курашларнинг қонли тарихларидан бири 1916 йилдаги мардикорчиликка қарши қўзғолонлар ҳам муҳтасар тарзда акс этган. Булар орқали муаллиф ўз идеалларининг қандай эканлиги, қандай бўлиши кераклигига ургу беради.

⁴¹ Ахорова Ш. Ишқ нафаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2012. –Б. 5.

Демак, Жиззах адабий муҳитида ижод қилган ижодкорлар қаламига мансуб шеърларни кузатганимизда Ватан ва халқнинг порлоқ келажагини ўтмиши ва бугуни билан уйғунлиқда талқин этувчи образлар яратилғанлигининг шоҳиди бўламиз. Улар ижодида фидойилик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва юрга самимий муҳаббат туйғулар эстетик идеали даражасига кўтарилиган. Бу даврлар тўфонидан ўтиб эстетик идеал категориясининг трансформацияланиш жараёнини ҳосил қилган.

Биринчи боб бўйича хулоса:

1. Тадқиқ жараёнида Жиззах воҳаси ижодкорлари шартли равища қўйидагича тасниф қилинди: Жиззахда туғилиб, пойтахтда ижод қилган; Бошқа жойда туғилиб, Жиззахда яшаб ижод қилган; Жиззахда туғилиб, Жиззахда яшаб ижод қилган ижодкорлар. Бизнинг диссертация ишимизда Жиззахда яшаб Жиззах адабий муҳитига ҳисса қўшган шоиру ёзувчилардан айрим вакилларининг ижод намуналари ўрганилди.

2. Муаззамхон биринчилардан бўлиб, Жиззах адабий жараённинг юзага келишига, унинг муҳит бўлиб шаклланишига асос солган. Хусусан, Жиззахда шоиртабиат ва адабиётни севган саводхон аёлларнинг ижод билан шуғулланишларига яқиндан ёрдам берган ва уларга раҳнамолик қилган. Шоира адабий кечаларида фаол иштирок этган, жиззахлик Ҳамид Олимжоннинг бувиси Комила она орқали шоир ижодида ҳам катта бурилиш ясаган. Кейинчалик Ҳамид Олимжон ижоди ҳам билвосита ва бевосита Жиззах адабий ҳаракатчилигини янгича шакл, янгича тасвирлар, оҳанглар ва образлар тизими билан бойитган.

3. Тадқиқотда адабий эстетик идеал масаласи Жиззах адабий муҳити вакиллари Муаззамхон, Аламкаш, Иброҳим Дониш ва Ш.Ахророванинг лирик асарлари таҳлили асосида тадқиқ этилди. Жумладан, Ш.Ахророванинг Ватан, Истиқлол, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги адабий-эстетик идеалига оид шеърлари шартли равища муножот, мурожаат-даъват, тавсиф гурухларига бўлиб ўрганилди.

П БОБ. ЖИЗЗАХ АДАБИЙ МУҲИТИ ЛИРИКАСИ ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Шеъриятда анъана ва ворисийлик масаласи

Шеърият тарихига назар ташласак, ижодкорлар доимо ўзи яшаётган даврга қадар яратилган маънавий меросга таянишган, улар лирикасини қайта бадиий идрок этишган ва уларнинг поэтик маҳорат сирларинии “кашф этиб” илғор адабий анъаналарини ижодий давом эттирганлар. Демакки, мумтоз шеъриятга ворисийлик ана шу анъаналарни янгилашда, уларни янги давр шароитига мос ҳолда шеърият ихлосмандларига тақдим қилишда қўринади. “Ижодий таъсир, анъана ва новаторлик ҳамиша бадиий ижод ва адабий–эстетик тафаккур ривожининг муҳим ва зарурӣ бир шарти, қудратли омили бўлиб хизмат қилишини жаҳон адабиёти тараққиёти тўла тасдиқлайди”⁴². Анъана ўтмиш адабиётидан қолган энг яхши ғоявий–бадиий бойликларни кейинги давр адабиёти томонидан муносаб тарзда ривожлантирилишидир. Ўтмиш адабиёти ёки бошқа халқлар адабиётларининг энг яхши ютуқлари адабий анъана бўлади. Шу маънода улардаги анъанавийлик, ворисийлик, издошлиқ, янгилик ва ўзгаришларни ёритиш катта аҳамият касб этади.

Хўш, бу жараён қандай содир бўлади? Анъана ва ворисийлик муносабати ва уларнинг бадиий ижодда қандай зарурати ва аҳамияти бор деган ўринли савол туғилади. Кўп асрлик адабиёт тарихидан ва илмий–адабий манбалардан бизга маълумки, ўзбек мумтоз адабиёти илдизлари чуқур ва теранлиги билан, бой ва серқирра эканлиги билан диққатга лойик. Мумтоз адабиёт, хусусан, лирика асрлар давомидаги халқ донолиги, гўзаллик ва нафосатга бўлган интилишини, халқ завқ ва шавқи билан йўғрилган бадииятни ўзида мужассам этган.

Энди адабий анъана ва ворисийлик қандай содир бўлиши масаласига тўхталадиган бўлсақ, бу ҳақида жуда кўплаб фикрлар билдирилган бўлиб, айнан анъана ва ворисийлик муаммосига ёндашишнинг икки хил йўли:

⁴²Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъана, ворисийлик, ўзига хослик. Фил.ф.д.дисс. -Т., 2020. -Б.82.

“Ворисийликнинг биринчи (“вертикал”) аспекти ўтмиш билан ҳозирги замоннинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди. Бошқа бир (“горизонтал”) аспекти эса бир даврда мавжуд бўлган маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёнидаги ворисийлик кўриниши”⁴³ борлиги эътироф этилади.

Д.Дюришин “Адабиётларни қиёсий ўрганиш назарияси”⁴⁴ китобида бу масалага тўхталар экан, бу ҳолатни ўзаро таъсиrlанишдаги “Ички алоқалар” деб белгилайди ва унда бевосита ва билвосита таъсиrlаниш ҳоллари мавжудлигини ажратиб кўрсатади. Бевосита таъсиrlанишда икки объект: таъсир қилувчи ва таъсиrlанувчи иштирок этадиган бўлса, билвосита таъсиrда учинчи объектга эҳтиёж туғилади ва бу объект биринчи ва иккинчи объектларни боғловчилик вазифасини бажаради”⁴⁵, – дейди.

Адабиёт тараққиётида адабий анъана ва новаторлик масаласи кўп асрлик тарихга эга долзарб муаммодир. Бу борадаги тадқиқотлар ижодкор услуби, давр адабиёти тавсифида жуда муҳимдир. Адабий анъана хақида фикр юритилганда эса, дунёни бадиий тафаккур орқали идрок этиш, билиш соҳасида даврдан даврга, авлоддан авлодга ўтиб келган адабий таж рибалар: эстетик қарашлар, тасвирий воситалар, тилдаги образлилик, эмоцио наллик ва бадиий ранг–баранглик каби жиҳатлар назарда тутилади.

Адабиётда маълум бўлган, бошқалар томонидан қўйланган ғоя ва мавзуларни қўйлаш, улар томонидан қўлланган тасвирий восита ва образ лардан фойдаланиш, адабий ҳаётда бутун Ўрта аср давомида кўпгина Шарқ мамлакатларида устувор ва долзарб бўлган масалаларни ўрганиш, биринчи навбатда, анъана билан боғлиқдир. Шарқ классикларининг ижодида шартли анъанавий ҳолатлар жуда ҳам катта ўрин тутади. Бу ҳол улар ижодининг асосий ғоявий–бадиий хусусиятлари билан боғланган⁴⁶.

Демак, ўтмиш ёзувчиларининг ижод тажрибасида синалган, устувор ва муҳим ғоявий ва бадиий бойликларини ёш бўғин ўз даври ва талабига кўра

⁴³Қаранг. Тожибоева М.А. Жадид адилари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари. Фил.фан.доктори дисс... (DSc) автореф.–Т.,2018.–Б.13. Баллер Э.А., Исмоилов Ф.Ю. Ворисийлик нима? –Т.:Ўзбекистон, 1978. – Б. 21.

⁴⁴ Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М., 1975. – С. 118–119.

⁴⁵ Ҳайитметов А. Навоийхонлик сұхбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993. –Б.129

⁴⁶Ўша асар. –Б.129

қайта ишлаб, ижодий ривожлантиради. Адабиёт ва санъатда анъана тарихий ҳодиса бўлиб, муайян давр ижтимоий–бадиий хусусиятларини акс эттиради. Ўзбек адабиёти эскирмаган, замон синовидан ўтган, барҳаёт, илғор анъаналарга суянади. Илғор адабий анъана ҳамма вақт новаторликка чорлайди. Бинобарин, анъана ва новаторлик орасида мантиқий боғлиқлик бор. Уларни бир–биридан ажратиб тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Шуни унумаслик керакки, анъананинг бойлигигина шоир камолотидаги асосий омил бўлмаслиги мумкин. Унга янгича ёндашиш, уни ривожлантириш, унга таянган ҳолда янги фикрлаш, янгича талқин муҳимдир. Фақат анъана доирасида қолиш ижодда тақлидга олиб келади.

Маълумки, ўзбек мумтоз адабиётида ворисийлик, анъанавийлик устувор тамойилдир. Бу ҳол адабиётнинг нуксони эмас, балки ўзига хос хусусиятидир. Бинобарин, анъанавийлик биқиқ ҳодиса бўлмай, унинг бағрида янгилик ҳам, маҳорат ҳам воқеъ бўлади, такрорийликдан ўзига хосликка, эргашишдан мустақил ижодийликка, оригиналликка борилади.

Бадиий дахоси замон ва макон чегараларини билмаган, ижодий меросининг боқийлиги билан ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуг зот Алишер Навоийнинг ижоди туб моҳияти, фалсафий, ижтимоий ва эстетик қарашларнинг юксак поэтик шаклдаги ифодаси бўлганлиги билан характерланади. Ҳеч кимга сир эмаски, Алишер Навоий шеъриятини тўлалигича таъриф этишга тил ожиз. Навоий шеърияти назм оламининг энг ноёб дурданаси ва назм ичра мўъжизаларнинг мўъжизаси ҳисобланади. У ҳаёт томирларидағи ички ҳаракатни, давр юрагидаги мураккаб ритмни чуқур ҳис эта оладиган сўз санъаткоридир. Адабий–бадиий ва тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, шеърият мулкининг сultonи Мир Алишер Навоий ижодидан таъсирланмаган, илҳомланмаган шоир ёки шоиранинг ўзи йўқ. Хусусан, Навоийнинг ҳаётбахш ва ҳайратомуз анъаналаридан файз топган шоирлар силсиласига Жиззах воҳаси намоёндалари ҳам киради. Навоийга издошликтининг шеъриятдаги ифодаси Жиззах воҳаси шоирлари

лирикасида, аввало, инсонни, ҳаётни улуғлаш, олижаноб фазилатларни тарғиб қилишда кўринади. Бу хусусият шоирнинг ижтимоий–фалсафий ва ишқий мавзулардаги қарашларида акс этади. Улар Навоий фикрларидан рағбатланар экан, оламни илоҳий (ҳақиқат) ва дунёвий (мажозий) англашга интилади ҳамда реал воқеълик ва инсонни тасвиrlашга аҳамият бериши билан бирга ҳаёт ҳақидаги фалсафий қарашларини ҳам илгари суради. Уларни ҳеч иккиланмасдан Навоий мактаби вакиллари дейиш мумкин. Зотан “Махмур Коризий, Муаззамхон, Убайдулла Аламкаш... кабилар ижодида буюк Навоий анъаналарини давом эттирилганлигини қўрамиз”⁴⁷.

Жиззах адабий ҳаракатида етакчи ўрин тутган Убайдулла Исломқул ўғли Аламкаш ҳам Навоий изидан борган, унинг ғазалларида олға сурилган гоя ва фикрлардан ижодий фойдаланган ва уларни ривожлантирган, бир сўз билан айтганда ундан руҳий мадад олган. Масалан Алишер Навоийнинг:

*Хонақаҳда ҳалқаи зикр ичра ғавго қилди шайх,
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх...
Бовужуди масху нодонлиғ мурид айлар учун,
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх (109–бет),*

– ғазалига Аламкашнинг:

*Демангиз силки машоҳийларни барпо қилди шайх,
Бас аларга ўт қўйиб, оламни расво қилди шайх...
Доми тазвирин ёйибдур, кўнгли эл сайдига банд,
Бас ажаб макру риёларни муҳайё қилди шайх (293–бет),*

– ғазали ҳамоҳанг ёзилган. Кўриниб турибики, “шайх” радифли ғазалда иккала ижодкорнинг ҳам қарашлари ўзаро муштарак бўлиб, дин пешвоси бўлишига қарамасдан, ислом динини, Қуръонни етарлича англаб етмаган, ўз манфаати йўлида ҳеч нимадан тоймайдиган, илмга ва сўзига амал қилмаган нодон, нияти холис бўлмаган шайхлар қаламга олинган. Навоийда нодон мурид атрофида йигиб, ўзидин нодонроғни пайдо қилган шайх ҳақида сўз

⁴⁷ Сувонқулов И.Сайдалиева Н. Шоира Муаззамхон. –Жиззах.: Сангзор, 2010 . – Б.21

борса, Аламкашда доми тазвирин ёйган шайх, атрофига макру риёларни тўплагани қаламга олинади.

Навоий қўллаган усуллардан унумли фойдаланган Аламкаш у қўллаган сўзлардан фойдаланиб, фавқулодда ўзига хос образлар яратади. Куйидаги ғазалда Навоийнинг лирик қаҳрамони ёр қўйида, ҳажрида кўзига олам тор бузуғ маскан бўлиб кўриниб, танасини юз яроларга айлаганини, ғамдан шам янглиғ ўлаётганда, тутуни қора тун каби уни чирмаб олаётгани айтилса:

*Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан менга,
Ўйладурким, жондин айру юз яролиқ тан менга...
Мен ўлармен ғамдину ийглаб куюб бошимда шамъ,
Дудидин чирмаб қаро ҳар тун тутар шеван менга (41–бет).*

Аламкашда бу ҳолат ўзгача, яъни ёр ҳажрида эмас, балки замон, фалакдан озорланган лирик қаҳрамоннинг ҳожати, эҳтиёжи чиқмаган тириклик шаҳрида юрганидан, ўлмакликни ўзигараво кўришлиги маҳорат билан қаламга олинади:

*Бу фалакдин ҳар замоне ўзга мотамдур менга,
Кўз ёшим ҳижрондин ҳар соате ямдур менга.
Ҳожатим ўлмасраво ҳаргиз тириклик шаҳрида,
Эҳтиёжим бал зиёд ўлмаклиги ҳамдур менга (290–бет).*

Мисоллар таҳлилидан кўринадики, Жиззах музофотининг ижодкорлари Навоийни ўзларига пири устоз деб билиб, унгаувайс шогирд тушганлар. Мана шундай ижодкорлардан яна бири Муаззамхондир. “Зеро шоира қўлига қалам олиб ижод майдонига кириб келар экан, биринчи навбатда Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларни устоз деб билди. Муаззам шеърлари орасида Алишер Навоий ғазалларига назира тарзида яратилган шеърларнинг мавжудлиги ҳам шундан дарак беради. Масалан, шоиранинг:

*Эй сабо, жоним ҳалокин айла жононимга арз,
Ҳоли зоримни дегил, албатта, сultonимга арз (210–бет).*

- матлаъли ғазали Алишер Навоийнинг:

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт,

Йиғларимнинг шииддатин гулбарги хандонимга айт, (85–бет)

– мисралари билан бошланувчи ғазалига назира сифатида юзага келгандир⁴⁸.

Навоий лирикасидан чуқур таъсирланган, унинг анъаналарини муносиб давом эттирган Муаззамхон ўз ғазалларида дунёвий ҳолатларни мавжуд ҳаёт иллатларини алоҳида эътибор билан қаламга олади.

Навоийнинг:

Оҳимни сарсар айлабон ашкимни тўфон айладинг,

Бу сарсару тўфон била оламни вайрон айладинг.

Бир дам юзин кўрган замон маҳрум этарга васлидин,

Эй ииғламоқ, зўр айлабон, эй ишқ, тугён айладинг (383–бет),

– ғазалига ўхшатма тарзда Муаззамхон шундай ёзади:

Эй фалак, мунча жафони манга эҳсон айладинг,

Ҳам хираф уйини буздинг, бесаранжом айладинг.

Кавқаби иқболимни идбора табдил айлабон,

Толеимни наҳс этиб, эл ичра бадном айладинг (383–бет),

–дея Муаззамхон ўз ҳаётидаги кўнгилсиз, нохуш воқеаларни қофозга туширади.

Аламкаш, Муаззамхондан кейин адабий муҳитнинг фаол аъзоларидан Жўрахон Маҳзуний “Навоий, Бобур, Машраб, Чархий, Ҳабибий яратган шеърият – бино яратишни орзу қиласи. Ўзини эса Навоий, Бобур яратган шеъриятнинг пештоқига кўнглан бир кабутар деб билади. Битган ғазаллари ҳам Навоий, Бобур, Машраб ғазалларига ўхшаб кетади”⁴⁹.

Дарҳақиқат, Навоийнинг:

Ё раб, ул ой ҳуснининг идрокин элга мубҳам эт,

Кўз била қўнглумни ул сирри хафиға маҳрам эт...

Хотири савдои ар ул зулғдин ўзга ҳавас,

Қилса, ани зулғдек ошуфта ҳолу дарҳам эт (98–бет),

⁴⁸ Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Т.: Фан, 1992. –Б.25

⁴⁹ Бойназаров Ф. Сўз боши // Жўрахон Маҳзуний. Тонг навоси. –Жиззах.: Sangzor, –Б.6.

– ғазалига Маҳзунийнинг “Харидор эт” ғазали ҳам шаклан, ҳам маъно жиҳатдан яқин яратилганлигини кўриш мумкин:

*Шу гўзал жамолига, эй юрак, харидор эт,
Юзин кўрсатиб менга, бир бор базми дийдор эт...
Хоҳ қанот боғласин ишқ, тоғдек юксалсин юрак,
Хоҳла, бўйнимга ўраб, унинг зулфини дор эт⁵⁰.*

Навоийнинг лирик қаҳрамони Аллоҳга илтижо қилиб, ёрнинг ҳусни олдида ақл–идроқи ожиз қолганлигини, шу боис кўзигина эмас, кўнгли ҳам унга ошиқу беқарорлигини айтар экан, агар “ундан ўзгани, бошқани қилса ҳавас, ўзини ёр зулфи қадар ошуфтаҳол бўлишга рози” эканлигини баён этса, Маҳзунийнинг лирик қаҳрамони ўз юрагига мурожаат этади. Ёрнинг юзини кўриш унинг учун базми жамшиддан ҳам юкори эканлигини айтар экан, “ишқ қанот қоқиб, тоғдек юксалса–да, ишқни бўйнига чирмаб, ёр зулфини ўзи учун дор бўлишига ҳам рози” бўлганлигининг тасвирини кўриш мумкин. Ёхуд Навоийнинг “айладинг” радифли ғазали билан Маҳзунийнинг “айладинг” радифли ғазалида мутлақо бошқа ҳолатни кузатамиз. Навоийда:

*Оҳимни сарсар айлабон ашкимни тўфон айладинг,
Бу сарсару тўфон била оламни вайрон айладинг.
Бир дам юзин кўрган замон маҳрум этарга васлидин,
Эй ииғламоқ, зўр айлабон, эй ашқ, тугён айладинг...
Ҳар қатра ашким қонидин хирқамни айлаб дөг–дөг,
Жисмимда ҳар ердин нишон бир дөги ҳижрон айладинг (383–
бет).*

Яъни, муҳаббатимни кучайтириб, кўзимни тўфон айладинг, бу ишқнинг кучли тўфони билан оламни вайрон айладинг. Ёр бир дам юзини кўрар–кўрмас, васлини кўришдан маҳрум этаркан, ошиқнинг йиғисининг зўридан кўз ёш тугёнга айланиб, натижада кўз ёши қонидан кийган чопони дод бўлгани, жисмининг ҳар еридан эса ҳижрон доди ҳосил бўлганлиги куйланса, Маҳзунийда эса бу ҳолатнинг акси қаламга олинади:

⁵⁰ Жўрахон Маҳзуний. Тонг навоси. –Жиззах.: Sangzor, –Б.34.

*Зулфинг анбарин тараб, кўнглимни ёз айладинг,
Холим ноз этмай сўраб, баҳт сарафroz айладинг.
Лаъли лаб берса ҳаёт, камон қошинг олар жон,
Не мурувват бу–мени ҳурмат эъзоз айладинг...
Сарв қаддинг билан бут бўлди даврон жамоли,
Меҳринг туфайли мени баҳтга дамсоз айладинг.*

Яъни, ёр хушбўй қора соchlaringни тараб, кўнглимни ёзиб, яъни обод айладинг, яна ноз қилмай ҳолимни сўраб баҳтимни юксак, улуғвор айладинг. Қизил лабинг ҳаёт берса, камон қошларинг жон олгувдек, лекин сен менга мурувват айлаб, мени ҳурмат эъзоз қилдинг. Тик қоматинг ила бутун бўлди васли жамолинг, меҳринг туфайли мени баҳтга дўст айладинг, – дейди.

Демак, адабиётдаги бу ворисийлик анъанаси бугунда ҳам давом этиб келмоқда ва яна асрлар оша давом этади. Бинобарин, ўзбек адабиёти, хусусан, шеърияти, дунё адабиётининг ажралмас таркибий кисми сифатида ворисийлик ва адабий анъаналар намоён этган бадиий–эстетик тамойилларга суюниб ривожланди. Лекин шоирликнинг биринчи ўзига хос белгиси ижодкор талқинида сўзнинг янги маъно ифодалashi экан, Махзуний ғазаллари бунга мисол бўла олади.

Мана шундай ворисийлик ва ижодий анъаналардан илҳомланиб, ўзига хос тарзда суюниб, изчил қалам тебратаетган яна бир шоира, ёзувчилар ююшмаси аъзоси Зухра Мамадалиева ижодига назар ташлар эканмиз, унинг қалбини Мир Алишер Навоий ғазалиётидаги диний–тасаввуфий, фалсафий–ижтимоий масалаларнинг бадиий–назмий тасвиirlари таъсирлантирганлиги ва бунинг натижасида унинг туйғулари юракдан чиққан оҳорли сатрларда ифодаланганининг шоҳиди бўламиз:

*Навоий дилимга навое айламиши,
Сатрлар сеҳрида садое айламиши.
Май қўйиб берибон синган сафолга,*

Харобот кўнглимни биное айламиши⁵¹, –

Шоиранинг шеъриятини кузатар эканмиз, унинг ижодида ҳам кўплаб шоирлар каби бевосита Навоий ғазалиётидан таъсирланишни қўриш мумкин. Шеърларида мисралар вазн, ғоя, бадиият жиҳатидан Навоий сатрларига ҳамоҳанг ёзилган. Навоийга хос фалсафийлик, рамзийлик шоира ижодининг ўзига хослигини белгилаб беради. Шунингдек, шоира лирикасида ҳаёт фалсафаси, инсоннинг кўнгил туйғулари, қалб кечинмалари устуворлик қиласи. Шоира шеърларида мавзуга боғлаб, Навоий асарлари қаҳрамонларини тилга олади. Навоийга атаб шеърлар яратади. “Харобот ичра кирдум ошуфтаҳол, Май истарға илгимда синган сафол” деб куйлаган Алишер Навоийга жавобан шоира бу шеърида кўнгил майли ила Навоий харботига, яъни шеърият бўстонига, Баҳром Дилоромни истагандек интилгани, лекин Лайли дийдорига етолмаган Мажнундек ҳолга тушиб қолганини сатрларга сингдирганини қўришимиз мумкин.

*Сўнгра майл этди дил харобат сорига,
Баҳром майл этгандай Дилором ёрига.
Интилди, излади, истади, етмади
Мажнуни бенаво Лайли дийдорига (Д.м. 14–бет).*

Шоира дунёқараши, ҳиссиёти, кечинмалари ва ҳаётий хulosаларини талмех санъатидан санъаткорона фойдаланиб, мазкур бадиий образлар воситасида ифодалаган. Шеърда Баҳром, Дилором, Лайли, Мажнун поэтик восита ва уларни кўллаш билан моҳиятан шоиранинг дарду изтироблари, ҳасратга йўғрилган кечинмалари ёрқин бадиий ифодасини топган. Шеърда ортиқча бадиий бўёқлар учрамайди. Шоира Навоий шеърият бўстонига боғлиқ туйғуларини Лайли ва Мажнун тақдирига қиёсан тасвирлайди.

Шоира ўз шеърларида Навоий сатрларини айнан келтиради. Унинг “Навоийга бахшида” шеърида шу фикримизнинг исботини кўрамиз:

⁵¹Мамадалиева З. Дунёлар мовийранг...–Т.:Tamaddun, 2017.– Б.14. (Бундан кейин шу нашрдан олинган иқтибослар Д.м шаклда ва бети қавс ичидаги кўрсатилади).

*Атиргулнинг япроғида қоним қолмии,
Булбул забонида хаста жоним қолмии.
Айтилмаган битта сўз – армоним қолмии,
“Мен ёмон бордим, vale сен яхши қол”* (Д.м.10–бет).

Хўш, хассос шоира Зухра Мамадалиева ижодида нима сабабдан Навоий ижодига эргашиш, ундан таъсирланиш ҳислари кучли? Тўғри, ижодда таъсирларсиз ҳеч бир шоир кўз очиши мумкин эмас. Ҳақиқий шеър шундай улуғ маънавият чашмаларидан ташналигини қондирмасдан, камолотга етиши душвор. Айниқса, шеърият мулкининг сultonни Алишер Навоий ижодидан таъсирланмаслик, илҳомланмаслик мумкин эмас.

Лекин шуни алоҳида эътироф этиш керакки, етук ижодкорнинг шеъри шакл ва маънода шоирнинг ўзини ҳам, ўзга ижодкорларни ҳам такрорламаслиги лозим. Назаримизда, Зухра Мамадалиева шундай шоиралардан. У Навоийдан таъсирланиб, унинг буюк даҳосига таъзим этсада, ўз шеъриятига Навоиёна қараш ва туйғуларни ўзига хос оҳангда сингдира олган. Унинг Навоий анъаналарига муносабатининг бир қўринишини шоир қўллаган лисон, лисоний бирикмаларини маҳорат билан ўз шеърига қўллаганида қўришимиз мумкин:

*Ойданам оппоқ тилакли ойдин оқиомим била,
Кетди у кўкка учиб, мен қолдим армоним била.
Ишқида дунёси не, ўзимдан ҳам кечдим, vale,
“Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била”* (Д.м.11–бет).

Назаримизда, шоира Алишер Навоий шеъриятида учрайдиган лирик қаҳрамон руҳиятига ўхшаш талқинни қўллайди. У ўз муҳаббатининг эгаси билан дилдан суҳбат қура олмаганлигини эътироф этишга ҳаракат қиласи. Шунингдек, шоира шеърида севгилиси билан ҳам соғ самимий қўнгил билан суҳбат қура олмагани учун армонда эканлигини, бедор, ойдин кечада ўзининг қўнгли ҳам унга бегона эканлигидан зорланганлигини кўрсата олади.

Қўриниб турганидек, шоира шеърда Навоий сатрлари силсиласида парвонадек шамдан эриётган бўлса-да, унинг шеърият гулистонини тарк

этишни истамаётганини эътироф этар экан, илохий туйғу билан юрагида нишурган истакни шеър қатига моҳирона сингдиради.

Шоира Алишер Навоий ижодини яхши билади, буни унинг “Алишер Навоийнинг “Лисон ут–тайр” достонидаги рамзий образлар тизими” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилганидан ҳам кўришимиз мумкин. Назаримизда, шу сабабдан бўлса керакки, шоира Навоий ижодига ўзгача муҳаббат билан ёндошади, ғояларини ўзини сатрларида меҳр билан ифодалайди:

*Мажнун ор этар юрсам биёбони ҳижронида,
Ҳасратининг тонгида, гурбат, уқубат шомида.
Зуҳро ўлса не ажаб Навоий каломида:*

“Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била” (Д.м.11–бет).

Шоира шеърларида дард китобхон қалби тубидаги ана шу туйгуларни кўзғайди, шеърнинг таъсир кучини оширади. Шоиранинг ушбу Навоиёна услугуга эргашиши шеърларининг қайси мавзуда бўлишидан қатъий назар, аксариятида яққол намоён бўлади.

Юрагида ишқ алангаси ловуллаб турган шоира ишқ мулкининг шохи Навоийнинг ҳақиқий ва мажозий ишқни тараннум этувчи ғазалларидағи инсонпарварлик туйғулари, комил инсон ҳақидаги умумбашарий ғояларидан таъсирланиб, уларни нафақат маъқуллаб, балки уларни бойитиб, давом эттирганлигини “Дарвеш Навоий” шеърида ҳам кўришимиз мумкин:

*Буюк шоир демоқ осон,
Пир демоқ осон...
Шеър мулкида,
Сўз мулкида,
Ғазал мулкида
Соҳибқирон бўлса ҳамки
Дарвеш Навоий* (Д.м.3–бет).

Шеър мазмуни шуни кўрсатадики, ижодкор мисраларида ғоявий яхлитликка интилиш қузатилади, ўзи айтмоқчи бўлган ғояни, байтма–байт

очиб, далиллаб боришга ва чуқур умумлашмалар билан якунлашга ҳаракат қиласы.

*Топмадим, деб, дунёдан
Бир меҳрибоне.
Зоҳид маҳомидан аъло
Майхона жоми (Д.м.13–бет).*

Шеър давомини ўқир эканмиз, унда шакл, сўзларнинг қўлланиши ҳам лирик қаҳрамон кечинмаси ифодасида ўзига хос услубда берилганини кўрамиз. Бу эса “Шоир субъектив кечинмаларини ифодалаши учун ҳам маъқул сўзлар топиши керак, ҳам шеърнинг шаклига тегишли воситалар билан иш кўриши лозим. Бу лирик кечинманинг мураккаблигини кўрсатади”⁵². Шеърда лирик кечинманинг кечинма образи орқали яратилишини кузатиш мумкин. Шунингдек, шоиранинг Навоий ижодидан илҳомланиш даражаси унинг шеърида бадиий образлар табиатидаги мутаносиблиқда ҳам акс этади:

*Ё “Харобат аро кирдим
Ошуфтаҳол”, деб,
“Май истарга илгимда
Синган сафол” деб,
Ҳақ иўлида,
Ишқ иўлида,
Ирфон иўлида
Пири калон бўлса ҳамки
Дарвеш Навоий...
Комил инсон бўлса ҳамки,
Дарвеш Навоий (Д.м.13–бет).*

⁵² Турдимов Ж.Б. Лирик кечинма табиати. Фил.фан.ном... дисс.автореф. – Т., 1999. –Б.13.

Шунингдек, шоира шеърда бошлама мисрада айтилган ғояни байтмабайт очиб, далиллаб боради ва поэтик умумлашма–хулоса чиқаради. Бу шоира шеъриятининг ўзига хос хусусиятидир.

Маълумки, реаллик идеални ўйлашга туртки берар экан, шоира шеъридаги такрорланаётган сўз, такрорсиз ташбеҳни ортидан эргаштирган ва ана шу ташбеҳ ҳаракатида янги фикр кўз очган ва ташқи манзарадан ботиний чизгига етаклаган.

Шоира шеърларини ўрганар эканмиз, унинг шеърий оҳанглари таъсирили, халқона ташбеҳлари эса ўринли, ифодаси нафис эканлиги яққол кўзга ташланади. “Навоийдан байтлар ўқинг” шеъри бунга яққол исбот бўла олади:

*Машириқданми, мағрибдан бир наво келди,
Навосоз бир Мажнунсифат сиймо келди.

Шунда дилдан ўтлуғ–ўтлуғ ҳаво келди,
Шул ҳаво–ла жон дардига даво келди⁵³.*

Шоира ижодда мумтоз адабиётдаги анъанавий тимсолларга янгича муносабатда бўлади. Барча шоирлар ўз қаҳрамонини ишқ борасида Мажнунга қиёс этадилар. Мажнун ва Лайлини ишқ борасида идеал қаҳрамон қилиб берадилар. Шоира эса бу масалага янгича ёндошиб, лирик қаҳрамонини Мажнундан ҳам юксак, яъни Навоийдек улуғ зот, деб таърифлайди. Бу анъана негизидаги янгилик.

*Тўлин ой–ла зийнатланган оқшом чоги,
Гул атрига тўлган лаҳза ишиқинг боғи,
Агар Лайли бўлолмаса, дил тош қотсин,
Навоийдан байтлар ўқинг, тонглар отсин (М.ш.11–бет).*

Зухра Мамадалиева шеърларини ўқир эканмиз, у ҳақида Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол бежизга қуйидагича фикр билдиримаганлигига амин бўламиз. “Жиззах – буюк шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг Ватани. Ана

⁵³ Мамадалиева З. Мұхаббат шамоли...–Т.: Turon–IqboL, 2018. –Б.11 (Бундан кейин шу нашрдан олинган иктибослар М.ш шаклда ва бети қавс ичидаги кўрсатилади).

шу табаррук тупроқдан яна бир юлдуз балқиб чиқиши – қувончли ҳодиса... Илло, истеъдод ҳар куни туғилмайди, миллиондан биттаси бўлиб дунёга келади”⁵⁴.

Дарҳақиқат, шоира ўз шеърларида инсоннинг нозик туйғуларини, дил кечинмаларини, руҳий тўлғонишларини нозик чизгиларда бера олади.

*“Соқий, олиб кел қадаҳе, ёр эсанг,
Меҳру вафо шарти била бор эсанг.
Оғзима жон етди, даво қил манга,
Ваъда нечук эрди, вафо қил манга”....
Навоийдан байтлар ўқинг, тонглар отсин (М.ш.12–бет).*

Шоира томонидан қўлланган поэтик тасвир усуллари асос эътибори билан лирик қаҳрамоннинг ички туйғулари, руҳий ҳолати, кечираётган дарду ҳасратлари, ишқ онларини орзу қилиб ўтаётган дамларнинг нечоғли азобли, гўёки туганмайдигандек қилиб тасвирлашга, умуман олганда, инсоннинг субъектив ҳаёти, унинг характерли манзараларини очишга қаратилган. Бу тамойилни айнан Зухра Мамадалиева ижодида ҳам кузатиш мумкин.

Зухра Мамадалиева шеърларида инсонпарварлик, халқчиллик, муҳаббат мавзусини ранг–баранг бўёқларда тасвирлайди. Жумладан, “СОФИНЧ ёхуд” шеърида фалсафий ва рамзий талқинларнинг ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин. Шоира лирикасида мазмуннинг ҳаётийлиги, халқчиллиги билан бирга шеър вазнидаги равонлик ва ўйноқилик, бадиий талқиндаги жўшқинликни учратамиз:

*Бу майхона аро кирдиму, энди,
Қолсам ўлдираплар, қолмасам, ўлам.
Соқий май тутодир биллур қадаҳда,
Олсам–ўлдираплар, олмасам – ўлам*⁵⁵.

⁵⁴Қаранг. Камол Жамол. Шоиранинг дил дафтари // Мамадалиева З. Дунёлар мовийранг...–Т.: Tamaddun, 2017. –3–4.

⁵⁵Мамадалиева З. Дунёлар мовийранг...–Т.: Tamaddun, 2017. –Б.22

Юқоридаги мисралардан ҳам кўриниб турибдики, лирик қаҳрамон кутилмаган тарзда ниманидир инкор этиб, ниманидир тан олиши керак. Бунда туйғулар зиддияти ўзаро тўқнашади. Шеър мазмунига мантиқан ёндошадиган бўлсак, **майхона** – дунё, инсон ҳаётга келар экан, хоҳлайдими йўқми дунё чархпалагида айланади, дунё эса “кундузи бўлган тун”, “ёзи бўлган қиш” каби. Шоира лирик қаҳрамони эса, тун каби кўнгли қора, қиш каби юраги совуқ инсонларга қарши тураладиган **соқий**, яъни ҳаёт берган **май** – ишқдан куч олади.

Наздимизда, ҳар қандай шеърда сўз унинг ўзи акс эттиришни истаган фикр ва туйғудан келиб чиқиб, бир неча маъноларни ифодалайди. Ушбу шеърда ҳам шоира қўллаган сўзнинг мажозий моҳиятини айнан идрок этиш душвор. Лекин, бизнингча, шоира лирик қаҳрамонидаги ана шу ҳолат, шоирликка даъво қилиш, шеърият оламига кириш ҳам ижодкор учун руҳий азоб, уни бўғади, қийнайди, ўлдиради. Бироқ тан олмаслик, ўзлигини инкор этиш, шеърият дунёсидан воз кечиш ҳам унинг учун ўлимдир. “**Соқий**” ижодий илҳом бўлса, “**майхона**” ижодга бўлган **муҳаббат**, ишқдир. Мана шу ижодий йўлдаги гўзалликдан баҳраманд бўлиш “биллур қадаҳда”ги, ижодий жараёндаги қийноқлар, тўлғанишлар шоирани ўлимга яқинлаштиради. Бироқ бундан воз кечиш эса уни сўзсиз ўлдиради. Шоира ўз шеъри орқали лирик қаҳрамон қалбида кечадиган эврилиш тутёнларини, руҳий қийноқларининг фалсафий моҳиятини ойдинлаштиришга ҳаракат қиласи. Шеър гўзал ташбеҳлар билан, ширали оҳанг билан, сирли мўъжизавий дард билан кишини ўзига тортиб туради.

Шоира шеъриятидаги кучли дард, илоҳий суҳбатга мойиллик, ички туйғулар ёрқин ифодасининг халқона оҳангда берилиши шеърнинг таъсирчанлигини таъминловчи омил, деб ўйлаймиз:

*Васфингни эшишиб, мастона бўлдим,
Дунёда дунёдан бегона бўлдим.
Кўйингда биринчи қадамни қўйиб,*

Ориф бўлай девдим, мастона бўлдим (Д.м. 57–бет).

Маълумки, ишқ–муҳаббат талқини шоирлар ашъоридаги энг серқирра мазмун–моҳият касб этувчи мавзу саналади. Жумладан, инсоннинг инсонга, ҳаётга, табиатга ва Яратувчига бўлган самимий севгисини ифодалаган шеърлар бу кенг қамровли мавзунинг таянч устунидир. Ҳақиқий ишқ инсоннинг Аллоҳга, мажозий ишқ эса инсоннинг инсонга, ҳаётга, табиатга, бутун мулки борликқа бўлган муҳаббатидир. Шоиранинг ушбу шеърида бу тушунча орифона ишқ тарзида бадиий ифодасини топган. Бу дунё лаззатларига берилиб қолган лирик қаҳрамон Аллоҳ васфини эшитгач, фоний дунёдан воз кечиб, Ҳақ йўлига қадам қўяди. Бу ҳолатни шоира “мастона бўлдим” тарзда ифодалайди. Ишқ ва орифлик бир–бири билан чамбарчас боғлик, бири иккинчисини доимо тақозо қилиб турувчи тушунчалардир. Аллоҳ ишқида, унинг кўйида орифлик аслида мастоналиктин талаб этади.

Чунончи, “Адабиётнинг бош вазифаси бу – инсонни тадқиқ қилиш, инсонни улуғлаш, ундаги ғайриинсоний иллатлар ва одамийлик фазилатларини кашф этиш. Инсоннинг кўнглидаги раҳмон билан феълидаги шайтоннинг сир–синоатларини, қилмиш–қидирмишларини очиб бериш”⁵⁶, – экан, шоира Зухра Мамадалиева шеърларида ҳам ҳаёт фалсафаси ёки бир сўз билан айтганда қаҳрамонлари турли тоифадаги инсон эканлигини кўришимиз мумкин. Шоиранинг лирик қаҳрамони “оқни қора қилиб” ўз ҳақиқат фалсафасини тузиб олганлардан, кўнгли зада, безиллаган:

Ростни ёлғон дединг “ҳақни деб”, албат,

Оқни қора қилдинг, қалқон –ҳақиқат.

Ҳаммасига қойил, бироқ дил зада,

Ҳақнинг куни сенга қолганидан фақат (Д.м. 58–бет).

Яъни, лирик қаҳрамон юрагида мана шундай маҳзун туйғулар, у тортган ранж–алам, душманлар хийласи, дўстлар фириби натижасида уйғонган. Демакки, унинг руҳий ҳолати дарду кечинмалари, изтироблари, шоира шеърларида дил оғриклари асосида қурилган ўртанишлар талқинида

⁵⁶ Раҳимжонов Н. Мустакиллик даври ўзбек шеърияти. –Т.: Фан, 2007. –Б16.

ёритилган. Шу сабабли, шоира лирикасида кечинманинг фожиявий рангини кўрсатиш устувор:

*Жононага қурбон қилгали жон қани?
Йўлида кечай десак, имон қани?
Орқадан келиб ханжар санчарлар—эй,
Қалқон қани? Беллашгани имкон қани* (Д.м. 58–бет).

Шоира лирик қаҳрамони ўз жонини камтаринлик билан жонлар соҳиби бўлган жононага фидо қилишга арзимайди, имон имкони ҳам унинг йўлида воз кечишига номуносиб деб баҳолар экан, шу ўринда шоиранинг айнан тасаввуфий томондан фикрлаётганига гувоҳ бўламиз. Зоро, тасаввуфда жондан ва имондан воз кечмай туриб, ҳақиқий ёр ҳисобланмиш Аллоҳга етишиш мумкин эмас. Шеърнинг кейинги икки сатрида эса шоира мутлақо ҳаётий хулоса чиқаради: беллашишга юрак ютмайдиганлар орқадан келиб, ханжар санчишади – афсуски орқада қалқон бўлмайди. Бундай икки хилликнинг яхлит бир шеърда жо бўлиб, уйғунлик касб этиши шоира ижодининг ўзига хосликлардан бири, деб ҳисоблаш мумкин.

Инсон ҳаётга келар экан, албатта, яшаш учун курашади. У ҳамиша меҳр–муҳаббатга ташна, лекин имонсиз одамлардан чеккан жабрлари, олган жароҳатлари, шоира лирик қаҳрамонини ёмон томонга ўзгартирмайди, балки ажаблантиради:

*У менга севишини ўргатди, лекин
Ўзи билмаган иши
Бирорга қандай ўргатдийкин?* (Д.м. 60–бет).

Бу ҳолат ҳам маъшуқнинг ҳар қандай жабру ситамини табиий деб қабул қилган, ундан ҳеч қачон ёмонлик изламайдиган мумтоз адабиётдаги ошиқ образидан таъсирланиш, уни янги талқин билан бойитиш десак муболага бўлмайди. Шоиранинг фалсафаси ҳаётда ўз ўрнини излаш, ўзлигини топиш ақидасида намоён бўлади:

*Бандидан узилган барг,
Ноумидмас,*

Она Ерда бошлар қайтадан ҳаёт⁵⁷.

Ушбу қисқагина ижод намунасида ер остига кириш, яъни ўлимни ҳаётнинг бошқа тарзи сифатида ифодалаган тасаввуф фалсафаси таъсирида намоён бўлган.

Орифу фозиллар инсон кун парчаларидан иборатлиги, ҳар куни унинг вужудидан бир парча кетиши, ҳар лаҳзаси ҳисобли экани ҳақида айтиб ўтадилар. Шу ўринда айтиш мумкинки, Абу Ҳамид Ғаззолийнинг: “Умрнинг ҳар бир соати, балки ҳар бир нафас нодир жавҳар янглиғ бебаҳодир, ҳеч нарса унинг ўрнини босолмайди”⁵⁸, деган сўзлари шоиранинг “Оқ капалак учди..” шеърида бош ғоя даражасига қўтарилиган.

*Умр ўткинчи ел умр бир фасл,
Бизга не ёдгор гул баҳорлардан?!
Лекин... бир хуши наво эсдию насим,
Оқ капалак учди олмазорлардан⁵⁹ .*

Лекин шоиранинг лирик қаҳрамони бўсағадаги ҳар бир янги кундан умидвор. Чунки у Ҳаётга ташна. Кунларини эзгулик нурлари аро ёлқинлантиromoқчи. Бу кунлар жарангли нидо каби қалбни тўлқинлантиради, янги—янги орзуларга эшик очади:

*Найсон шивирлади ғунча лабида,
Қизғалдоқ кўксима бошини эгди...
Қуёш дийдорини кўргач, булоқлар,
Кўз очди, қуввати жонларга етди (Д.м. 17–бет).*

Бироқ ҳали абадият остонасигача қанча—қанча машаққатли кунлар, ой—йиллар бор. Шоира буни жуда яхши ҳис қиласи, шу сабабли шоиранинг лирик қаҳрамони умр моҳияти, ҳаёт маъносини гўзалликка бурканган турмушда деб билади:

*Яна авжси алёр. Яна соз, наво,
Гарчи, умр сиғмас гул баҳорларга.*

⁵⁷ Мамадалиева З. Мұхаббат шамоли...—Т.: Turon—Iqbol, 2018. —Б.56.

⁵⁸ Абу Ҳомид Ғаззолий. Тавба китоби. — Т.: Мовароуннахр, 2003. —Б.28.

⁵⁹ Мамадалиева З. Дунёлар мовийранг...—Т.: Tamaddun, 2017. —Б.17

Минг йил мафтун бўлсак арзигай, аммо,

Оқ капалак учган олмазорларга (Д.м. 17–бет).

Шоиранинг нихоядан ибтидони, таназзулдан тараққиётни излаган лирик қаҳрамони кучли, курашувчан, ҳаётга тийран қўз билан боқувчи образ. “Соябонга бахшида” шеърида худди шу ҳолат намоён бўлади. Соябон ёмғир ёғаётганда ҳимоя вазифасини ўтар экан, шоира соябонни инсонни ҳимоя килувчи устоз, падар каби реал феноменлар, ғоя, фикр каби мавҳум ҳодисаларга муқояса қиласди:

Соябон. Оманатгина бошпаноҳ,

Уч–тўрт қарич ерни қилгудек соя.

Ким учун соябон устоз ё падар,

Кимлар учун эса ўткир бир гоя!

Хизматини ўтагач, ийгиб олишиб,

Тахлаб қўйишиади соябонларни.

Менинг аждодларим Ҳақ васлин истаб,

Соябонсиз кезган дашт, биёбонларни (Д.м.19–бет).

Ушбу шеърни ўқир экансиз, сахрода жазирама қуёш тифида олға кетаётган дарвеш қўз олдингизга келса, не ажаб. Бизнингча эса, жонсиз соябонга қарши қўйилган айни манзара шеърнинг ютуғи ҳисобланади.

Шеър давомида шоира устоз, падарларининг таълим–тарбиясини олган, аммо ўз кучига ишониб, ғоя ҳамда фикрларига таянган ҳолда ўз йўлини топган аждодларимиз изидан бориб, соябонсиз юришни орзу қиласди:

Майли, шубҳа қилинг, майли ёзгиринг,

Маним эътиқодим шак–гумонларсиз.

Баҳра олгайдирман умрим борича

Оби раҳматидан соябонларсиз (Д.м.19–бет).

Шеърдаги “оби раҳматидан” бирикмаси нафақат сувдан, ёмғирдан маъносида, балки Яратганинг неъматларидан, иноят зиёсидан, бир сўз билан айтганда ажрдан ҳар хил “соябон”ларсиз баҳра оламан, деган кенг маънони ифодаламоқда.

Шу ўринда, адабиётшунос олим Т.Бобоевнинг “Мазмун – ғоявийлик, шакл – бадиийлик ҳодисаси”⁶⁰, деган қарашларидан келиб чиқиб, шоира шеърларини шакл мазмунга, мазмун шаклга тўла монанд ҳақиқий санъат асари даражасига қўтарилигини кўрамиз.

Хусусан, “Фойдали маслаҳат ёхуд тўпори шеър”ида шоира ўзига хос фалсафани олдинга суради. Яъни, халқ мақоли билан айтганда “Еган оғизга ош, йиғлаган кўзга ёш”, нақлига кўра шоира лирик қаҳрамон тилидан пессимист эмас, балки оптимист бўлиб яшаш кераклигини бадиий лавҳаларда ифодалаб беради:

*Дунё асли недир? Бир чархипалак,
Фарқсиз Сиз хоҳ унда тўкилинг, тўлинг,
Даҳони “жинни” деб қилсалар эрмак,
Сиз расво дунёнинг устидан кулинг* (Д.м.35–бет).

Дунёни салбий оттенка билан тасвирилаш ҳам тасаввуф адабиётининг тасвирилаш йўлларидан биридир. Мана шу тасвиirlарда муаллиф дунёқарашининг ушбу фалсафадан таъсириланган ҳолда оригинал ифодалаш тамойили кўзга ташланади.

Бугунги қайноқ ҳаёт оқими зарбаларини туйишда, воқеа–ҳодисалар жараёнини эстетик баҳолашда табиат одил ҳақиқат бўлиб гавдаланади. Хуллас, шоира қалбида, қонида эзгу мақсад йўлида чорлаётган туйғулар – фикрлар оловидан иборат эканлигини кўрамиз:

*Бир бор йиғлаганни йиғлатаверар,
Шу содда фалсафа сирини билинг.
Кўзга ёш келса ҳам “дайди” Капурдай
Бедаво дунёнинг устидан кулинг!* (Д.м. 35–бет).

Шоира шеърларини кузатар эканмиз, уларда яратилган характер рухиятига кира олганини, у каби ҳолатни, унинг ролини бажара олганини кўрамиз. Ва натижада ўзига хос поэтик образ яратади билган. Шоира шеъриятида лирик кечинма лирик қаҳрамоннинг ҳис–туйғулари ифодаси

⁶⁰ Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1979. –Б. 96.

сифатида намоён бўлади ва кўнглидаги ҳаяжон, ўзгариш, эврилишлар ўша қаҳрамоннинг номидан ифода этилади:

*Зарра бўлсан, агар нури жаҳонимдан бехабарман,
Ё қатраманки, мавжланган уммонимдан бехабарман.
Қайдасан, эй Пир комил, англат Зухрога мақсадни,
Қай йўлдадирманки, борар маконимдан бехабарман (Д.м.57–
бет),*

– дейиш орқали шоира ўз ҳиссиётларини баён қиласр экан, Пир комил сўзини бош ҳарфлар билан беради. Бундан шоира бу сўзга алоҳида урғу беради. Унинг ўз маъносини кучайтириб, тассаввуф алломаларининг йўлбошчиси рамзи сифатида ёндошади.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни айтиш мумкинки, шоира шеърларининг сўзлари табиий, қўйма сатрлардан иборатлиги сабабли ўқимишли. Бу эса, шоиранинг “...юракдаги сезги тўлқунларини сўз орқали ташқарига тўкмақ”⁶¹ лигини чуқур ҳис қилганлигидан, бир сўз билан айтганда, туғма қобилият эгаси эканлигидан далолат.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, анъана ва ворисийлик барча адабий муҳитларда бўлганидек, Жиззах адабий муҳитининг вакиллари Муаззамхон, Убайдулла Аламкаш, Жўрахон Маҳзуний ва улар изидан борган, Навоий ижодидан таъсирланган, истиқлол даври шоираси Зухра Мамадалиевалар ижодида ҳам ўз тажассумини топган.

2.2. ШЕЪРИЯТДА ИСТИҚЛОЛ ВА ВАТАН ТҮЙҒУСИ ТАЛҚИНИ

Ўтмишда шоиру шоираси, олиму олимаси бўлган халқ энг баҳтли халқ ҳисобланган. Чунки халқ ўз аламлари, севинчларини уларга айтган ё бўлмаса, халқнинг юрагидаги орзу – ниятларини ўз шоиру олимлари бутун оламга, одамларга ўз яратиқлари билан етказган.

⁶¹ Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б.20.

Истиқлол сабабли қадимий анъаналарга бой адабиётимизнинг ижодий имкониятлари ҳам кенгайди. Энди қалам ахли ўз миллатининг ҳаққоний тарихи, Ватан озодлиги, халқнинг яшаш тарзи ва орзу–армонлари ҳамда анъаналари, юртдошларининг дарду шодликлари ҳақида қўйлаш, нафақат қўйлаб, балки жаҳон адабий тафаккури анъаналари мезонига жавоб бера оладиган юксак ижод намуналарини яратиш имкониятига эга бўлди.

Киши ўз аждодлари томонидан яратилган маънавий меросга, боболаридан ёдгорлик бўлиб қолган она юрга муҳаббат руҳида тарбияланган бўлса, унинг миллатпарварлиги ва ватанпарварлигидан таъсирланиш ва илҳомланиши ҳам табиий бир ҳол ҳисобланади. Албатта, ижодкор қайси халқ фарзанди бўлса, у шу халқ дарди, кечаги изтироблари ва айни дамдаги шукроналарини теранроқ қўйлади.

“...Ватан бизга ато этилган улуғ неъмат экан: Ватанга муҳаббат ҳам ҳар биримизга берилган улуғ неъматдир”⁶². Ватан барчамиз учун муқаддас экан, ана шундай Ватанинни севган ва мадҳ этган ватанпарвар шоиримиз Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон журналистлар ва ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Жиззах адабий муҳитининг намояндаси Иброҳим Донишdir. Болалар шоири бўлган Иброҳим Дониш “Помидор нега қизил?”, “Дилоромнинг қўшиғи”, “Чароғон юлдузлар”, “Тушдаги саргузашт”, “Ҳандалак”, “Мехнатдан топилган баҳт”, “Етимнинг баҳти” номли китоблари, “Чўл фарзанди”, “Қўштерак афсонаси”, “Алпомишнинг тўйи”, “Ҳаёт китоби” номли достонлари, “Армон”, “Маҳаллам ва маҳалладошларим” номли балладалари, “Ўчмас хотиралар” номли қиссаси ва “Қўшнилар можароси”, “Номус қурбони”, “Эл Саодати” каби драмалари кенг китобхонлар оммасига яхши таниш. Дарҳақиқат,

*Дунёда ҳеч ўлмай десанг,
Қолдир юртда яхши ном.
Авлодларинг эслар шунда,*

⁶² Шарафиддинов О. Маънавий камолот йўллари. –Т., 2001. –Б.26.

*Эъзозлар сени мудом!*⁶³

– деб куйлаган ва бу сўзларни ўз ҳаётига дастуруламал қилиб олган шоир ўзидан ўзбек адабиётига, хусусан, Жиззах адабий муҳитига катта адабий мерос қолдирди.

*Нуқсоним йўқ дема, доз бор ойда ҳам,
Бир камлик сезилгай ҳатто бойда ҳам.
Билимни пеш қилиб бурнинг кўтарма,
Камтар камол тонар ҳамма жойда ҳам* (70–бет).

Шоир шеърларини кузатар эканмиз, уларнинг болаларча содалик ва самимийлиқдан иборатлигини кўриш мумкин. Шоир она юрт манзараларига эстетик муносабатда бўлиш орқали Ватан образини бунёд этади. Хусусан, болалик тасаввурларининг бокира хотираларидан Ватан сиймоси сизиб чиқади. Лирик қаҳрамон характерининг моҳиятини, дунёни ҳис этиш ва туйишининг ҳаётийлигини таъминлайди:

*Ўзбекистон ҳур Ватан,
Багри тўла нур Ватан.
Чаман–чаман ҳар ёзи,
Бахтга маскан қучоги*⁶⁴.

Шоир шеъриятининг жуда кўпчилик қисмини Ватан ҳақида битилган қўшиқлар дейиш ҳам мумкин. Унинг шеъриятида Ватан туйғуси алоҳида, ўзига хос рангларда товланади. Бу меҳр унга умрининг ҳар бир сониясида ҳамроҳ, ёниб, нур ва ҳарорат таратиб туради. Шоирнинг ҳар бир шеъри эса ундан рух олиб, кудрат олиб ўқувчи қалбига қуйилади, унга қувонч бағишлиди. Шоирнинг лирик қаҳрамони Ватанинг она каби меҳрибон, қалби қайноқлигини, унинг бағрида эркаланиб улғайишини, бунга эркин диёрнинг фарзанди эканлиги, тамғасида Ҳумо қуши рамзи борлиги ҳам бунинг исботи эканлигини фахр билан тилга олади:

⁶³Дониш Иброҳим. Ҳаёт китоби. –Жиззах.: Жиззах вилояти матбуот бошқармаси қошидаги ноширлик–мухаррирлик бўлими, 1998.–Б. 63.(Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади ва бети қавс ичида кўрсатилади)

⁶⁴Дониш Иброҳим. Тушдаги саргузашт. –Жиззах.: Сангзор, 2004. –Б.13.

*Тамғамизнинг ўртасида,
Хұмо қуши – баҳтимиз.
Келажакда фанлар сирин,
Очмоқ бизнинг аҳдимиз (13–бет).*

Шеър үқувчининг Ватанга муҳаббатини кучайтиришга хизмат қилади. Шеър бадиияти, тузилиши, шакли жиҳатидан мукаммаллиги ҳамда таъсирчанлиги, мазмундорлиги билан болажонлар қалбидан тезда үрин олади:

*Ватан она, бизлар унга,
Эркатой ўғил–қызлар.
Соф юртимиз осмони,
Биз ердаги юлдузлар (13–бет).*

“Мусиқа үзаро уйғунлик тугаган, оғанғ товушга айланган, бизнинг ҳиссимиң ва кечинмаларимизга мос табиатдаги тартибсиз оғангарлар тартиблашувига киришган жойдан бошланар”⁶⁵, – экан наздимизда, шоирға юртига бўлган юксак муҳаббат туйғуси қалам тутқазган. Шоир қалбидаги туйғунинг ифодаси, акс–садоси, шеърнинг ҳар бир сатрида янграйди. Шу боис у ёшлар қалбига йўл топади, онгу тафаккурини бойитади:

*Давлатимиз мадҳиясин,
Жўр бўлишиб куйлаймиз.
Ёши бўлсан ҳам Ватанимиз,
Келажагини ўйлаймиз (13–бет).*

Шоир шеърларидан қўриниб турибдики, уларнинг аксариятида Ватан, мадҳиямизга муҳаббат мотивлари мухим үрин эгаллайди. Ватан мавзусини юксак пардаларда куйлаш аслида барча миллатпарвар шоирларга хос муштарак хусусият экан, айтиш мумкинки, Иброҳим Дониш ҳам ижодий анъаналар давомчиси. Бу жиҳатдан “Ватан” шеъри алоҳида эътиборни

⁶⁵ Камю А. Исён ва санъат //Жаҳон адабиёти. 1997. № 1. 185–бет.

тортади. Шоир Ватан тушунчаси моҳиятини аждоддан авлодга ўтувчи ўлмас мулк сифатида болаларга қуидагича содда қилиб тушуниради:

*Бизнивидир ер—у осмон,
Бизнивидир кенг жаҳон.
Мустақил юрт бағрида биз,
Улгаямиз тинч, омон (13–бет).*

Шоир болалар ва ўсмирларга аatab асар битар экан, ўзи ҳам улар билан руҳан пайванд бўлиб, қалбан қўшилиб кетгандек бўлади. Унинг шеърлари мазмунига она юрга ифтихор, фахрланиш, муносиб ворис бўлишга интилиш гоялари йўғрилганлигининг шоҳиди бўламиз. Шоир ўз шеърларининг туб мазиятига она Ватан, миллий ифтихор, ўз тили ва тарихига бўлган муҳаббати туйғуларини жо этади.

*Қалбимизга нур берган,
У китоб – худди офтоб.
Истиқлол – иқболимиз,
Ёзилгандир бобма–боб.*

Шоирнинг бадиий маҳорати шеърларида шакл ва мазмуннинг ўзаро мутаносиблигига эриша олганлигига ёрқин кўринади. Поэтик мазмун халқчиллиги, соддалигини оширишда содда сўзлардан маҳорат билан фойдаланади.

Иброҳим Дониш ижоди тадрижи кузатилганда, унинг дастлаб болалар учун кичик–кичик шеърлар ёзганлиги ва бу жараён тўлишиб, достонлар яратганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Адибнинг қадрдони Ёдгор баҳши, устози Қуддус Муҳаммадий хотирасига бағишлиб ёзган “Етимнинг баҳти” достони шоир ижодида алоҳида аҳамият касб этган. Достон юқори савияда завқ–шавқ билан ёзилган: “Кун чиқиш тарафи Сирдарёга, қуёш ботиш томони Самарқандга, бир томони Қозогистонга, бир томони Тожикистонга туташ, тарихи Бухорога ўхшаш бўлган Жиззах вилоятида одамлари шўх–шодон кулган, қизлари ўн беш кунлик ойдай тўлган, боғларида булбуллар сайраган, қўрганларнинг қўнгли яйраган, аёллари пазанда, чевар, йигитлари

зап меҳнатсевар бир қишлоқ бор эди. Дастурхонида ҳамиша сариёғ, пишлөк тайёр эди. Қишлоқнинг номини “Мўлкан” дердилар, “бойлиги беҳисоб зўр кон” дердилар”⁶⁶. Кўриниб турибдики, унинг поэтик асарлари дидактик тарбиянинг муҳим воситаси сифатида ёш авлодни тарбиялашга хизмат қиласди.

Яна шуни ҳам алоҳида айтиш мумкинки, Жиззах адабий муҳити ижодкорлари Ватанга, Она заминга муҳаббатни улуғлашда, ишқ–муҳаббатни, инсоний фазилатларни, табиат лавҳаларини куйлашда яқдил эдилар. Бундай туйғулар таъсирида уларда мавзу муштараклиги билан бир қаторда, ўзига хос шоирона нигоҳ ва шеърий маҳорат қирралари, ширали, рангдор тил, ёрқин образлар яққол кўриниб турганлиги ҳам қўшилади.

Маълумки, шеър ижодкор қалби ва руҳиятидаги зиддият, эътиroz ва курашнинг маҳсули сифатида вужудга келади. Шу боис шоир ҳам инсон, инсонгина эмас, туйғу ва қайфиятимиз таржимони ҳамдир. Чунки у ҳислар жилvasи, туйғулар манзараси, теран фикр ва мушоҳадаларни ўзининг фалсафий–психологик мисралар қатига жойлаб ўқувчи кўнглига сингдиради. Фикримизнинг исботи сифатида қуидаги сатрларга разм солайлик:

Меҳринг билан ўсдим, улгайдим,

Ҳикмат бордир аллаларингда.

Бахт–иқболим аниқ кўраман,

*Тўй–мантана, яллаларингда*⁶⁷,

– деб куйлаган, “Сени излаб”, “Ишқ илҳомлари” шеърий тўпламлари билан ўз китобхонларини топган Бахтиёр Мирзо ижодини кўрсатиш мумкин. Шоир лирикасини кузатар эканмиз, унда Ватан мадҳи ўзига хос янграшини кўрамиз.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Тураб Юсуф: “Шоирнинг кейинги йилларда чоп этилган ҳар иккала шеърий тўплами, айтиш мумкинки, Жиззах адабий муҳитида ўзига хос воқеа бўлди. Улардаги шеърларни ўқир

⁶⁶ Дониш Иброҳим. Етимнинг бахти. –Жиззах.: Сангзор, 2007. –Б.10

⁶⁷ Мирзо Бахтиёр. Ишқ илҳомлари. –Т.: Янги аср авлодлари, 2014. –Б.5. (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади ва сахифаси қавс ичидаги кўрсатилади).

экансиз, ҳар бир сатр мағзида ижодкорнинг меҳнаткаш халқи ва Ватанига муҳаббатини, табиатнинг бу элнинг шоиригагина маълум бўлган нозик жиҳатларини, ардоқли юртдошларнинг гўзал ва олиjanоб фазилатларини кўрасиз ҳамда кўз ўнгингизда Ватан манзаралари намоён бўлади”⁶⁸, –деган эътирофи нақадар тўғри эканлигига унинг ижодини кузатиш жараёнида амин бўламиз.

*Дардларингга дармон бўлайин,
Ёғийларга армон бўлайин.
Керак бўлса, қалқон бўлайин,
Ватаним! (5–бет).*

Кўриниб турибдики, шоир ўй–мушоҳадалари Ватан тақдирига қайғуриш маъноси билан тўлиқ. Лирик қаҳрамон халқ дардларига дармон бўлиш билан бирга, керак бўлса қалқон бўлишга, душманларига эса армон бўлишга ҳам тайёр. Бу ҳолат ўтмиш ва тарихни безаган қаҳрамонларнингтина эмас, балки келажак авлод қалб қаъридан чиққан нидо каби янграйди.

Бахтиёр Мирзонинг она Ватан ҳақидаги шеърлари насиҳатомуз йўналишда ёзилган бўлиб, ижодкор кўз ўнгимизда лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини тўлиқ гавдалантиради, замондошларимизнинг давр ва воқеълик билан боғлиқлиқдаги кечинмалари, туйғулари манзарасини яратади. Шоир замондошларимизнинг она Ватан тақдири билан боғлиқ нукталарини гўзал поэтик тарзда талқин этаркан, ана шу йўсинда инсон ва инсоният, она замин ва буткул ер курраси олдидаги маънавий масъулиятни, маънавий психологик боғлиқлик асосларини очиб беради:

*Ярагин сен ўз элингни корига,
Айлан огир юқда халқ ҳамкорига.
Аяма ҳеч беминнат ёрдамингни,
Тимсол сен ийгитларнинг норига.
Мирзо айтар юрагида борини,*

⁶⁸ Юсуф Туроб. Шаффоғ туйғулар жилоси / Бахтиёр Мирзо. Ишқ илҳомлари. –Т.: Янги аср авлодлари, 2014. –Б.5

*Шул сабабдан құлга олар торини.
Малҳам билиб, роҳат–фарогатидан,
Устун құяр үз эл–юртін корини (16–бет).*

Шоир ижодидаги характерли хусусиятлардан бири–хаёт фактлари заминида бир–бирин тақороламайдыган поэтик образлар яратиши хисобланади.

*Юлдуз билан сирлашиб,
Шафақларга әргашиб.
Ойқорларга—мингашиб,
Отар Жиззах тонглари.
Үн беш күнлик ой бўлиб,
Шарқираган сой бўлиб.
Имконларга бой бўлиб,
Отар Жиззах тонглари (65–бет).*

Шоир үз она юрти Жиззахи билан ғурурланади, уни “үн беш күнлик ой”га менгзайди. Унинг учун, энг аввало, она диёр ишқи қадрлидир. Шу сабабдан унинг лирик қаҳрамони учун “Ватан – саждагоҳ каби муқаддас”дир. Яна шуни айтиш мумкинки, бу муқаддас туйғу шоирнинг деярли барча лирик асарлари бағрига сингиб кетган. Лирик қаҳрамоннинг Ватан ишқи ичра тўлғонишлари ва юрагидаги меҳр зарблари ниҳоятда тиник ва табиий бўёкларда чизилади. У қалб туйғуларини ҳароратли мисраларда ошкора сўзлайди:

*Ватан, умрим асл жавоҳирисан,
Бағринг тафтларидан жон олар дилим.
Ватан, кўкка учган орзум нурисан,
Абадий руҳдай ҳеч билмайсан ўлим.
Ватаним, дардингга дармон бўлайин,
Завқланиб кўрк сочган япроқларингдан.
Жон, жиссими куч–қувват олмоғи тайин,
Мангу файз кетмас пок тупроқларингдан (111–бет).*

Ватанга бўлган лутф, қалб қўрига йўғрилган бу туйғуларнинг ҳаммаси шоирдаги юксак юртсеварликни, беқиёс инсонпарварликни, чинакам одамийлик фазилатларини намойиш этади.

Таниқли олима ва шоира Зулфия Бўриеванинг шеъриятида ҳам халқимизнинг буюк ўтмишига эҳтиром, Ватанга муҳаббат, фарзанднинг отаона олдидаги бурчи, юрак қаърида ётган ҳиссиётлар, инсоний кечинмалар ўзига хос тарзда куйланади. Шоиранинг илк шеърларидан тортиб то шу кунгача ёзган асарларини кузатар эканмиз, унинг ижодидаги ўсиш, бадиий ва гоявий етуклиқ, янги замон кишисининг дард ва қувончларини кўриш мумкин.

Миллий ифтихор туйғусини қалбида туйган Зулфия Бўриева ижодида ҳам миллий ўзликни англаш, Ватанни эъзозлаш, миллий урф–одатларни тарғиб–ташвиқ қилиш, миллий ҳис–туйғуларни тараннум этиш тамойиллари стакчилик қилганини кузатиш мумкин:

*Чидасанг қўнгилнинг оғриқларига,
Ситамкор кунларнинг зўрликларига,
Ғарқ бўлсанг пешонанг шўрликларига
Юрагинг дош берса хўрликларига,
–Айт, қандай Шоирсан,
Қандай Шоирсан?!⁶⁹.*

Дарҳақиқат, шоира халқнинг бир вакиласи сифатида шу халқ дарди, армонлари, орзулари ҳақида куйлайди. У ўз шеърида қўнгилдаги оғриқлар дея миллат бошига тушган шўро даврининг оғриқларини назарда тутмоқда. Ўша ситамкор кунларнинг зўрликлари, халқнинг оғир аҳволи, миллат сифатида камситилиши, унинг пешонасининг шўрлиги, бу хўрликларга инсон юрагининг дош беришини қўйламасанг, айтмасанг қандай шоир бўлдинг демоқда. Чунки меҳр–муҳаббатга сазовор бўлиш учун ижодкорнинг эстетик идеали юксак бўлишини, унинг ўзи халқ ҳаётининг ичига кириши

⁶⁹ Бўриева З. Еттинчи осмон.–Т.: Янги аср авлоди, 2001.–Б.4. (Бундан кейинги шу нашрдан олинган иқтибослар Е.о шаклда ва бети қавс ичida кўрсатилади).

заруратини шоира жуда теран англаб етганки, бу ҳолат унинг шеърларида ҳам ифодасини топган. Бу ҳолат, жумладан, “Ўзимга” шеърида ҳам яхши акс этган:

*Баҳорлар кечади, сен нечун жисман,
Ёзларга бегона, тош каби тимсан.
Кузак–куй ииғлаган, наҳотки кўнсанг,
Қиши эса оқ барқут, сен нечун тунсан,
—Ахир... Сен–Шоирсан ёки...
Сен кимсан?! (Е.о. 4–бет),*

– деб, қуйлаган шоира, шеърида ўзини, умуман ижодкорга хос концепциясини муҳтасар тарзда бадиий йўсинда ифода қилади.

Табиийки, шоир зоти инсон кўнглининг таржимони сифатида қалам тебратади. Айниқса, унинг – “мен” ида миллий, умуминсоний эзгу туйгулар тажассум топиши лозим. Шу ўринда, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг: “Ижодкор умуминсоний дардни шахсий дарддек қабул қилиши ёки шахсий дардини умуминсоний дард даражасига кўтариши лозим”, – деб ёзганлари нақадар ўринли эканлигини кўришимиз мумкин. Наздимизда, шоира ана шу ақидага тўлиқ амал қилганлигини шеър давомини ўқиганимизда кўпроқ туямиз:

*Умидлар кўксингда ўлиб бўлдими,
Ёки армонлардан кўнгил тўлдими,
Юракдаги олов – асли кулмиди,
Муҳаббат қалбингда бева тулмиди,..
Сен қандай Шоирсан
Кўнсанг барига?! (Е.о. 4–бет),*

– дея лирик қаҳрамон тилидан қилинган хитоб, агар сиз ўзингизни маълум маънода англай бошлаган бўлсангиз, сизга ҳам тегишлилигини дилингиз туб–тубидан ҳис эттиради. Зотан, ижодкорлар эътироф этганидек, “Санъаткор ўз қалбининг қасрига кира олгандагина бу саволларга юксак ва янгича жавоблар қайтара олади. Негаки у юрак қасридан ҳеч пайт қуп–куруқ

қўл билан қайтмайди. Бизга кутилмаган катта фикр, ғаройиб оҳанг, сира учратмаганимиз ташбех ва поэтик образлар ҳадя олиб келади”⁷⁰.

Шоиранинг лирик қаҳрамони ҳам чинакам маънода оддий инсон. Лекин унинг қалби ўт оташ бўлиб ёнаяпти, уни ўз “мен”и қийноқларга солаяпти. Ўйлашга, тафаккур қилишга, ички ғалаёнга чорляяпти. Бу билан шоира, жамият ҳаётига ижтимоий нуқтаи назаридан эмас, балки умуминсоний нуқтаи назардан ёндашувни шеърга олиб чиқди. Шоиранинг “Сен қандай Шоирсан” деб ташлаган риторик саволига шеърдаги ўз “Мен”ида яширин жавоби ҳам бор.

Адабиётшунос олим И.Фауров таъкидлаганидек: “Ижодкорнинг ва айниқса, лирик шоирнинг дарди, бу ўзгача, шахсий ва хусусий, тор доирадан чиқиб кетган дард. Ижодкор ўз дарди орқали ўзгаларнинг дардларини ҳам ифодалайди. У кўпроқ бошқаларнинг дардларини ўз дардига айлантирган, бошқаларга қараганда умумга нисбатан дардошлиқ туйғуси ўта ривожланган ва ўз санъати, жонбахш, шифобахш сўзи билан инсон дардларини енгиллатишга чорланган ҳамда шунинг улкан масъулиятини яхши англаган шахс. Дардлар бу оламда қарама–қаршиликлардан туғилади. Улар зиддиятларнинг натижаси. Шеър зиддиятларнинг кескин драматизмини акс эттиради. Драматик таранглик эса – шеърнинг дардлари”⁷¹. Шоиранинг “Отамнинг ўйлари” шеъри айнан шундай шеърлар сирасига киради:

*Эс таниб улгурмай инқилоб дедим,
Палончи босмачи, палончи қизил!
Букун–чи, қайтадан хаёлга толдим?!
Ким ўзи “босмачи”, ким ўзи “қизил”?!.
Авлодим сигинган олтин кошона,
Билсамки, омонат, усти ялтироқ*⁷².

⁷⁰Фауров И. Шеърият руҳий муносабат. –Т.: 1990. –Б.27.

⁷¹ Фауров И. Лириканинг юраги. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1984. –Б.124.

⁷²Бўриева З. Умид чечаги. –Жиззах., 1992. –Б.20. (Бундан кейинги шу нашрдан олинган иқтибослар У.ч шаклда ва бети кавс ичида кўрсатилади).

Шоира отасининг ўйларидаги, кўнглидаги дардни сўроқ тарзида ифода этади. Эсини танибдики, миллатдошимиз инқилоб куйчиси сифатида илҳомлантирилди. Юртимизнинг асл ўғлонлари, фидоий миллатпарварлари босмачи тамғаси остида йўқ қилингани, юртимизга бостириб келган босмачилар эса қизиллар дея қадрланганлигини армон ва афсус билан лирик қаҳрамон тан олмоқда. Шеърдаги лирик қаҳрамон, ота кечаги кун кишиси сифатида ўтган умрига омонат ёлғончи, усти ялтироқ сиёсатга ишониб яшаганини тан олмоқда.

Шоира ушбу шеър орқали ўзининг қалб туғёнларини ошкор этмоқда. Унинг дарди ҳар хил таърифлардан кенгроқ, ранг–барангроқ, бойроқ, ҳаётйроқ бўлгани билан ҳам жозибалидир. Аммо энг зўр тавсифлар ҳам назмнинг бутун сир–синоати, имконияти, таъсир доирасини изоҳлаб бера олмайди. Чунки таърифлар шеъриятнинг умумий қонуниятларинигина қамраб олади. Тўғрироғи, шеър инсон психологияси, инсон ички кечинмалари дунёсининг энг нозик нуқталари билан боғлиқ бўлганлигидан ҳеч қачон таърифларга сифмайди. Чунки мазкур тушунчада бадиий ҳақиқат ва ҳаётий қамров даражаси мувозанати, ақл–идрок ва туйғу зиддияти инъикос топади:

*Елкамга ташвишин юклаган асрим,
Боламнинг бешигини тебратган давр.

Тарихнинг сабоги бўлақол қасрим,
Ўзбек ҳам дунёда кун кўрсин ахир! (У.ч, 20).*

“Мустақил Ўзбекистоннинг куч–қудрат манбаи– халқимизнинг, аввало, миллий–маънавий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиклиги”⁷³ экан, шоиранинг ҳам Ватанга меҳри ниҳоятда қайноқ. Шу боис бўлса керак, у юрт дардини ўзининг дарди, унинг шикасталигини ўзининг жароҳати, деб билади. Юртни сўймоқ, ёнмоқлик учун ўзбек бўлмоқ керак, дея куйлайди:

Ёз, ёғавер, ёғавер оқ қор,

⁷³ Ҳайдаров А. Инсон камолоти ва миллий–маънавий қадриятлар. –Т.: Мухаррир, 2008. –Б.40.

Дилга оқлик инсин тинимсиз...

Чулғаб борар бир ҳис борлиғим –

Фаҳр туийб энтикар юрак.

Юртим суймоқ, ёнмоқлик учун

Ўзбек бўлиб тугилмоқ керак.

Ёғ, ёғавер, ёғавер оқ қор (Е.о, 7).

Шоира 1990 йил Москва сафарида бўлар экан, “Юрт соғинчи” шеърини битади ва сўз қудрати ила Ватан туйғусини кўнгилларга жо айлайди. Чунки шоира биладики, Ватани бор одамнинг таянчи бўлади, қудрати бўлади. Шунинг учун уни ҳар лаҳзада мадҳ этмоқ, қадрламоқ керак, деб ўйлайди ва юрагидаги туйғуларни сатрларга жойлайди:

Азизим, йўл бўлсин?

–Ватанга!

Мени ҳам олиб кет, олиб кет!..

Гул бўлиб тўқилай бағрингга,

Ҳидларим олиб кет юртимга.

Шеър бўлиб битилай баҳрингга

Ҳисларим олиб кет юртимга...

Багир ёнар, соғинч беомон

Тинч қўймас, етказур Ватанга!! (У.ч, 8).

Ўз шеърий тухфаси билан онгу тафаккуримизга бебаҳо завқ–шавқ, маънавий озуқа бағишлий олган шоира Зулфия Бўриева инсон ҳаётида реал воқеъликдан, фикрлар, туйғулар, кечинмалар силсиласидан нималарнидир излаб топиб, кашф этиб, уларни нималаргadir улаб, “пайвандлаб” ўзига хос янги олам – образлар олами, шу олам орқали давр руҳини ёрита олганлигини “Тонгни қаршилаган барча ўриклар” шеърида ҳам кўриш мумкин.

Ҳамма, ҳамма билди, қора кунларнинг

Захрин синдиришин қуёш нурлари.

Юлдуз ёғдусидан ойдин тунларнинг

Қўшиқларин тинглар зумрад тонглари –

Ўзбегим юртида ўрик гуллади (Е.о, 5).

Англаш лозимки, шеърда шукроналик туйғуси устуворлик қилмоқда. Кечаги юрт бошидаги қаро кунлар бугунги мустақиллик сабаб қуёш каби порлаган, озодликни кўйлаган, Ватанимиз боғларида мисли ўрик гуллагандек гўзал туйгулар шеърда нозик қочиримлар ва қиёслар билан ифодаланади. Шеър лирик қаҳрамоннинг маънавий мероси, миллий ғояга бўлган муносабати ҳамда мағкурамиздаги янгиланишларга муносабати тарзида ифодаланади. Чунки бу мағкуранинг маънавий асосларини Ватан туйғуси, миллий фидоийлик, аждодлар мероси ва руҳиятига эътиқод, умуминсоний қадриятлар ташкил этиши керак.

Демак, миллий ғояда кишиларимизнинг яхши амаллар, эзгу ишларга ихлосмандлик тамойилларига эътиқодини кучайтириш имконияти ҳам юзага келади. Тарихий тажриба шундан далолат берадики, ўтмиш маънавий меросини ўзига сингдирмаган, аждодлар меросини қадрлай олмаган миллатнинг эътиқоди суст, ғояси ноаниқ бўлади. Улуғ маърифатпарвар М.Беҳбудий “Мозий истиқболнинг тарозусидир”, деб бекорга таъкидламаган. Бу, ўз навбатида, ҳар бир шахснинг маънавий меросга муносабатида намоён бўлади”⁷⁴.

Ижодкор асарда нафақат ўз услубини намоён этади, балки ўзи яшаётган давр ва жамиятга хос хусусиятларни ҳам тасвирлайди. Назмдаги ўзига хос тузилиш, образлилик, бадиий тил ифодаси услуг шаклларидан бўлса, танланган мавзуга нисбатан шоир концепцияси (муносабати) услугнинг ғоявий–бадиий йўналишини белгилайди. Ижодкор концепцияси асарда бадиий тизимга солинган услуг шаклларида намоён бўлади. Демак ижодкор қўллаган бадиий услуг шакллари концепция таъсирида амалга оширилади. Шеърда қўлланган услуг шаклларининг бир–бирига мантиқан боғланиши ижодкор концепциясининг мукаммал очиб берилишини

⁷⁴ Очилова Бахти. Миллий–маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик. –Т.: Истиқлол, 2009. – Б.52.

таъминлайди. “Отамнинг ўйлари” шеърида бу ҳолат, айниқса, яққол намоён бўлади:

*Кўксимда биргина сенгина қолдинг?
Пинҳона сигиндим баъзидা, Аллоҳ.
Минг битта хаёлга, ўйларга толдим,
Салкам бир асрга бераман сўроқ...
Ажабо, эллик йил кўксимда асраб.
Жон фидо қилганим фирмә билети
Эмишики, юрибди мазлумни алдаб,
Эмиши-ки, разолат, бидъат калити.* (У.ч, 20).

Бинобарин, умуминсоний қадриятларга содиқлик сиёсий маданиятни миллий биқиқликтан, миллий хусусиятларини бир томонлама талқин этишдан сақлайди. Кўринадики, шоиранинг “Тонгни қаршилаган барча ўриклар” шеъри мазмун моҳияти жиҳатидан унинг ватанпарварлик, миллий—маънавий қадриятлар ҳақидаги гоявий қарашлари натижасида юзага келган:

*Эзгулик элчиси – оқ мармар булут
Ҳаққушдек сузаркан кенг олам узра.
Келин либосида улугвор барқут,
Ўриклар энтикиб турур бокира.
Устоз, она юртда ўрик гуллади* (Е.о, 5).

Дунё дунё бўлганидан буён мана шу заминда яшаб, орзу—ҳавасига событ интилган ҳаёт дарёси кўз олдингдан ўтади. Бир ҳалқ, бир миллат бўлиб, муруват ва оқибатни азиз билиб яшаётган бу қавм ҳаёти эъзозга муносиб. Мана шу она замин, она Ватан, мана шу ҳалқ руҳи борлиқ тарихининг тилсиз гувоҳидир. Шу сабабдан бўлса керакки, шоира ижодида бу ҳолат юксак муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш, асрлар қаъридан келаётган муқаддас қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраш руҳи тарзида ўзига хос шеърий мисраларда акс этади:

*Ёлғонлар ичида қолсамда тамом,
Ишонтир, яхшилар яшарлар кулиб,*

*Түнини тескари кийса ҳам замон,
Яхшилар ўз ишин қилишар билиб,
Оллоҳим, яхшига ошно қил фақат! (Е.о, 11).*

Ўтмишимиз, эзгу орзу–интилишимиз, келажагимиз унда мужассам. Шоира замон маъносини кенг ва борлигича идрок қиласди. У замонда яхши–ю ёмонлар, шунингдек, ҳар гал гўзаллик билан бирга нохуш ҳолатларни ҳам кўрса–да, улардан нафислик ахтаради ва ўша хунук ранглардан ҳам яхшилик ва нафосат мўъжизаларини топишни хоҳлади, Аллоҳдан шу кунларни насиб этишни, яхшиларга ошно этишни сўрайди:

*Бу кунлар ўтади, эртага ишонч,
Умидни уйготган ўтар кунимда
Саҳарда кўз очган мисли бойчечак
Баҳорни уйготгум қайта қўксимда,
Аллоҳим, насиб эт шу кунни фақат (У.ч, 8).*

Юқоридаги таҳлиллардан аён бўладики, шоира ижодини чуқур фалсафийлик, миллий ғуур, диний–ахлоқий теранлик ташкил этади, шу боис шоира шеърияти тафаккурга қувват, туйғуларга, ҳисларга эрк берадиган манба, ноёб топилма дейиш мумкин. Шундай ноёб топилма асосига қурилган асарларидан бири “Еттинчи осмон” шеъридир:

*Кўнглимда ардоқлаб юрганим
Сархуши хаёлларим, мен сизни топдим.
Мастона тушиларим, кўрганим,
Айтимас эртаклар, сизни ҳам топдим (Е.о, 42).*

Хўш, шоира нимани топди? Уни шунчалик қувонтирган, ҳис–туйғуларини жунбушга келтирган ким ёки нима? Шеър давомини ўқир эканмиз, лирик қаҳрамонни еттинчи осмонларга қўтарган ҳолат қўз ўнгимизда беихтиёр намоён бўлади:

*Ташвиши дунёда мени сийлаган,
Оний баҳт мен Сизни, сизнида топдим.
Наволи кўнглимга шоҳ деб сийлаган*

Согинчим яраси Сизни–да топдим... (Е.о, 42).

Назаримизда, шоира ҳаёти мазмуни деб билган шеърият орқали, “наволи кўнглига “шоҳ” деб сийлаган инсонлар кўнглига йўл топа олганидан масур, баҳтиёр. Чунки инсон ҳаётга келар экан, ўз олдига қўйган барча мақсадларга осонми–қийинми ҳаракат қилса, бир кун етиши мумкин. Лекин юмушлар ичида энг оғири ва энг буюги, ўзга кимса қалбига йўл топиш, унинг кўнглини ола билиш, бу эса ҳамманинг ҳам кўлидан келмайди. Бу фоний дунёда ҳаёт лаззатларига берилиб, ўз манфаати йўлида турли кўчаларга кириб, бирорвнинг ҳақидан қўрқмай, унга ноҳақ тош отадиган, ўз нафси йўлида ўзгаларни қурбон қиласидиган кимсалардан фарқли ўлароқ, лирик қаҳрамон ўзгалар кувончи билан яшайди, ҳаёти мазмунини кўнгилга йўл топа олишда, ўзгалар дардини ола билишда, деб ўйлади:

*Ажабо осмонда узилган юлдуз,
Ниманинг баҳридан кечиб учаркан.
Еттинчи осмоним – мен ўша юлдуз,
Билсам юлдуз билан кўнгил кўчаркан (Е.о, 42).*

Умуман, шоира ижодини кузатар эканмиз, унинг шеърларида фикрни ифодалашда туйғулар мавжи кучли, жўшқин аксланганигини, оҳангдорлик эса ўзига хослигини кўриш мумкин.

“Зомин гўзали”, “Муҳаббат гулдастаси”, “Дил ифори”, “Кўнгил орзулари”, “Ҳаёт қўшиғи” каби шеърий тўпламлар муаллифи Холикназар Олишнинг “Ватан меҳри, инсон умрининг асл маъноси, муҳаббат ва садоқат, барчамиз учун энг улуғ неъмат бўлмиш вақтни зое кетказмаслик, бир марта берилажак умрни фақат ва фақат эзгулик йўлида, элу юрт манфаати, халқ фаровонлигига сафарбар этиш чин инсонлик баҳти эканини тараннум қилувчи шеърлари”⁷⁵ – китобхон қалбига тезда йўл топиши бежиз эмас.

*Бир ҳовуч тупроқни Ватан, дейдилар,
Тоғу тош, биёбон аталур Ватан.*

⁷⁵ Холикназар Олиш. Ҳаёт қўшиғи. –Т.: Наврўз, 2017. –Б.3 (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади ва бети қавс ичида кўрсатилади).

*Ўрганса жонвор ҳам “меники” – дея
Катакни бир умр этади маскан.
Демак, Ватан – олтин остананг эрур
Демак, Ватан – унган бешигинг, болам.
Чин дилдан севсанг гар, ҳеч қачон сенга,
Ёпилмас бу юртнинг эшиги, болам! (3–бет).*

Маълумки, “Шеърият ўзининг безаклари – шеърий санъатларисиз ўз қийматига, гўзаллигига эга бўлмай қолади. У туйгуларсиз, кечинмаларсиз ҳиссиз сўзлар шодасига айланади. Шеърни тушуниш ҳис этиш учун бадииятни англаб этиш лозим⁷⁶. Дарҳақиқат, гўзал ташбеҳларга бой шеър яратиш учун инсон қалби ва дардини тасвиirlай олиш керак. Шундай истеъдод соҳиби Холиқназар Олиш лирикаси билан яқиндан танишгач, бу ҳақиқатга шоҳид бўламиз.

*Баҳори ҳам тенгсиз, бетакрор,
Бекиёсдир ундаги чирой.
Кечалари шарқираб сойлар,
Зилолидан сув ичади ой.
Қайда дерсиз, бу жсаннат гўша?
Ватанимдир, Ватаним – ўша!*

Шоир шеърлари билан танишар эканмиз, уларнинг ўйноқи сўзлардан нақшланганлиги эътиборни тортади. Шу муносабат билан, шоир шеъриятининг жозибаси, бадиияти ҳақида кенгроқ сўз юритмоқ жоиз. Маълумки, ҳар бир ижодкор ёки шоир шеърларини севиб ўқиши, ундан завқ олиш, лириканинг ўқувчи туйгуларига, тафаккурига таъсир қилиши, уни ўйлашга, фикрлашга ундаши асарнинг бадиийлигига боғлиқдир.

Бадиийлик, образлилик ҳақида “Адабиётнинг энг мухим ўзига хос хусусияти бўлган бадиийлик тушунчасига образлилик киради. Асарни мукаммал қилган нарса фақат образлилик бўлмай, балки унинг вазифалари,

⁷⁶Ҳаётхон Тожиназарова. Бадиий адабиёт поэтикасининг ўзига хос қирралари хусусида // Тил ва адабиёт. 2009, 7-сон.–Б.35.

мазмуни, шаклига тааллукли кўпгина хусусиятлардир”⁷⁷, – деган эди адабиётшунос олим Иззат Султон. Бадийлик сўзи арабча “бадиа” феълидан келиб чиқкан бўлиб, янгилик киритиш, ижод қилиш маъноларини беради. “Бадийлик деганда, ҳаётни жонли ва таъсирли қилиб қайтадан яратиш санъати тушунилади. Шу мулоҳазага суюнсак, бадийликни ўзига образлилик экани, санъатни санъат билишини таъминловчи рух (жон)”⁷⁸, – эканлиги англашилади.

Демак, “Адабиёт, шеърият образлилик билан тирик”⁷⁹ лигини қуйидаги сатрлар орқали ҳам кўришимиз мумкин. Бу шеърнинг лирик қаҳрамони, ўз Ватанининг ҳар бир унсуруни муқаддас деб билади.

*Ташна лабин босар шаббода,
Қизғалдоқлар дудоқларига.
Бўй қизларчи, бўлганда боғда,
Голос тақар қулоқларига.
Қайда дерсиз, бу жсаннат гўша?
Ватанимдир, Ватаним–ўша!*

Таҳлиллардан шуни айтиш мумкинки, Холиқназар Олиш лирикасида она юртимиз мадҳ этилган шеърлар жуда кўп. Унинг шеърлари қандай долзарб мавзуни илгари суришидан қатъий назар ҳар бирининг замирида туғилиб ўсган диёри ва унинг бекиёслиги эътироф этилган. Шу боис ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, шоир бадиий тафаккуримизга олиб кирган қатор янгиликлардан бири, бизнингча, энг муҳими, унинг Ватан ва халқа муҳаббатни янгича ғоявий–эстетик мазмун билан бойитиши эди. Шеърда лирик қаҳрамоннинг маънавий олами ва ватанпарварлик туйғулари ёрқин намоён бўлади:

*Бошимга Ҳумодек қўнган Ватансан,
Мен учун фахрга дўнган Ватансан.*

⁷⁷ Султон Иззат. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи. 1980. –Б. 108.

⁷⁸ Умиров X. Адабиёт назарияси. –Т., 2002. –Б.28.

⁷⁹ Орипов А. Танланган асарлар. 4 – жилд. –Т.: Ўқитувчи, 1980. –Б.108.

*Умрим бўйи тавоб айлаб ўтарман,
Қош—кўзим устида унган Ватансан.
Багри кенг, меҳрибон онамсан, Зомин,
Шеърда топган қутлуғ маъномсан, Зомин! (12–бет).*

Шоирнинг Ватан ҳақидаги барча шеърларида инсонларни Ватани севиш, унинг қадрига етиш, унга ҳамиша садоқатли бўлиш, ҳаттоқи қайта дунёга келганда ҳам Ватан ишқини куйлашга чорлов содда ва самимий сатрларда инъикос топади:

*Агар қайта туғилсам ҳам, шоир бўлиб,
Жамолингни мадҳ этардим, жамолингни!
Куйлагайман, ҳофиз бўлиб, кўнглим бўлиб,
Келажаги буюк юртим, камолингни! (16–бет).*

Шоир лирикасида Ватан мавзуи – “бағрида юз мингта қуёш порлаган” эзгу кунлардан башорат бериб туради⁸⁰. Бу ҳаёт қадар кўхна ва навқирон Ватан тасвирида эса Холиқназар Олиш энг юксак бокира ҳисни қаламга олади. Бу ҳолатни “Ватан ишқи” шеърида ҳам кўришимиз мумкин:

*Бир ҳис борки, алмисоқдан то,
Маҳшаргача доим бокира.
Юзлаб тилда жаранглар бироқ,
Таржимасин топмайсан сира.
Диёр дейми, ошёнми, макон.
Ё бўстонми, чаманми маскан,
Сенга бўлган севгимни изҳор,
Этмоқ учун не дейин, Ватан?!(19–бет).*

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах адабий муҳитининг намояндадарি шеърларида миллий ифтихор ва она Ватанга бўлган мухаббат туйғулари ўзига хос йўсинда жаранглайди. Шоирлар она юртимизни унинг истиқболини ўзгача эҳтиром, миллий ифтихор билан тараннум этишади.

⁸⁰ Ҳакқул И. Мушоҳида ёғдуси. –Т.: Фан, 2009. –Б. 26.

Иккинчи боб бўйича хулоса:

1. Ўзбек шеърияти дунё адабиётининг ажралмас таркибий қисми сифатида, ворисийлик ва адабий анъаналар намоён этган бадиий-эстетик тамойилларга суюниб ривожланди. Тадқиқотда Навоийнинг ҳаётбахш ва ҳайратомуз анъаналаридан файз топган шоирлар силсиласининг Жиззах воҳасидаги вакиллари Муаззамхон, Убайдулла Аламкаш, Жўрахон Маҳзуний ва истиқлол даври шоираси Зухра Мамадалиеваларнинг ижодининг муҳим жиҳатлари ёритилди.

2. Навоий ғазалиётидаги диний-тасаввуфий, фалсафий-ижтимоий масалаларнинг бадиий тасвирлари Муаззамхон, Убайдулла Аламкаш, Жўрахон Маҳзуний ва Зухра Мамадалиеваларнинг таъсирлантирганлиги натижасида юзага келган шеърий гулдасталари уларнинг муносиб вориси эканлигини кўрсатади.

3. Истиқлол туфайли қадимий анъаналарга бой адабиётимизнинг ижодий имкониятлари ҳам кенгайди. Қалам аҳли ўз миллатининг ҳаққоний тарихи, Ватан озодлиги, халқ ҳаёти ва орзу-армонларини куйлаш билан бирга жаҳон адабий тафаккури анъаналари мезонига жавоб бера оладиган етук ижод намуналарини яратиш имкониятига эга бўлди. Натижада, Иброҳим Дониш, Бахтиёр Мирзо, Зулфия Бўриева, Холиқназар Олиш ижодларида миллий ифтихор туйғуси, миллий ўзликни англаш, Ватанни эъзозлаш, миллий урфодатларни тарғиб-ташвиқ қилиш, миллий хис-туйғуларни тараннум этиш тамойиллари ўз тажассумини топган.

4. Юқорида номлари зикр этилган шоирлар шеърларида миллий ифтихор ва она Ватанга бўлган муҳаббат туйғулари ўзига хос йўсинда жаранглайди. Шоирлар она юртимизни, унинг истиқболини ўзгача эҳтиром, миллий ифтихор билан тараннум этишади. Шу боис, уларнинг шеърлари ўқувчиларни таъсирлантиради, китобхонни ўзлигини англашга, миллий қадрияtlарини, элини севишга, унинг учун жон фидо қилишдек ватанпарварликка ундейди.

Ш БОБ. ЖИЗЗАХ АДАБИЙ МУҲИТИДА НАСРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Насрий асарларда миллий қадриятлар тасвири

Бадиий адабиётда миллийлик ва умуминсонийлик мавзуси ҳақида сўз кетганда, энг аввало, “адабиёт – миллат кўзгуси” таърифига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, ҳар қандай адабиёт ўзи хизмат қилаётган миллатнинг кўзгуси эканлиги таъкидланади. Шу жиҳатдан буюк мутафаккир Абдулла Авлонийнинг “Ҳар бир миллатнинг борлигини кўрсатадурғон ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир” деб айтган фикрларини эслаш ўринлидир. “Ҳар қандай миллий адабиёт айни чоғда умуминсоний характерга эга адабиёт сифатида намоён бўлади. Чунки ҳар бир миллат ўзининг ҳаёт тарзини, интилишини бошқа миллатлардан узилган ҳолда тасаввур этолмайди”⁸¹. Ҳақиқатан ҳам, миллийлик ва умуминсонийлик ҳар бир халқ адабиётшунослигининг энг муҳим ва долзарб мавзуларидан ҳисобланади.

Адабиётда халқ ҳаётини акс эттириш, ижтимоий турмушдаги миллий, умуминсоний жиҳатларни бадиий ифодалашга нисбатан табиий бир ҳодиса сифатида қаралади. Т.Бобоев миллийлик ва умуминсонийлик нафақат ижтимоий ҳодиса, қолаверса, бу тушунчалар адабиёт руҳида чуқур из қолдиришини инобатга олган ҳолда, эстетик ҳодиса эканлигини таъкидлайди. “Миллийлик ва умуминсонийликнинг эстетик категория сифатидаги моҳиятини тўғри англамай туриб, бадиий адабиётнинг умумий қонуниятларини, ўзига хослигини, ижтимоий–эстетик вазифасини – ҳаёт билан адабиёт ўртасидаги диалектик муносабатни тушуниш мушкул”⁸².

Миллийлик ва умуминсонийлик бир–бирини тўлдириб турувчи ўзаро узвий алоқадаги тушунчалардир. Адабиёт халқнинг ҳаёти, касб–кори, ижтимоий онгини акс эттириш йўли билан унинг миллий характерини

⁸¹ Солижонов Й. Бадиий адабиётда миллийлик ва умуминсонийлик // Маъruzza matni. –Фарғона, 2017.

⁸² Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т., 2002, 85– бет.

ифодалайди. Адабиётнинг миллий хусусиятлари: миллатлар ҳамда халқларнинг ўзига хос аломатлари; ижтимоий–сиёсий, табиий географик, руҳий хусусиятлари; қаҳрамонларнинг тили, ташқи кўриниши, кийим–кечаги, урф–одати; халқнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёти, унинг ижтимоий–иктисодий тажрибаси, миллий манфаатларини нечоғли акс эттирганлиги билан аниқланади.

Миллийлик таъминловчи омиллар сифатида берилган миллий характери ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Миллий характер деганда, маълум ижтимоий гурӯх (миллат) ўртасида асрлар мобайнида авлоддан авлодга ўтиб келган ўзига хосликлар мажмуи тушунилади. Миллий характерга мазкур миллат аҳолиси сигинадиган дин, ижтимоий турмуш тарзи ва атроф–муҳит жиддий таъсир кўрсатади ва бу таъсир ўз–ўзидан мулоқотда намоён бўлади.

Жиззах адабий муҳити миллий адабиётимизнинг узвий, ажралмас бир бўлагидир. Унинг сафи кундан кунга истеъододли, қалами ўткир, бадиият олами билан ўз китобхонини ҳайрат оламига олиб кира оладиган истеъододлар билан тўлиб, кенгайиб бормоқда.

1982 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилояти бўлими масъул котиби лавозимида фаолият юритган Туроб Мақсаднинг “Чўл баҳори” (1978), “Қайтмас тўлқинлар” (1980), “Муножот” (1980), “Катталар ва мен” (1983), “Бешик” (1985), “Парига ошиқ ўсмир” (1995), “Юракка қасида” (2005), (2008), “Умр баҳори” (2009), “Илинж” китоблари кенг оммага яхши таниш.

Адибнинг “Қайтмас тўлқинлар” китоби табиатнинг гўзал инъоми бўлган хаёл, хотира маҳсули экан, шу ўринда И.Отамуроднинг “Мен бир – армон, мен – бир хотира, Соғинч зардобини сипқарар сукун. Армон – қувончини йўқотган йиғи, Хотира – қўксимда бўзлайди... Сен менинг бобомсан – Хотира – канглумнинг тоғлари... Хотира менда бир чулпангман. Бир узун йўллар–а, Хотира”⁸³, – деган сатрлари беихтиёр ёдга тушади.

⁸³ Отамурод И. СЕН. Шеърлар ва достон. –Т.: Катортол-Камолот, 1999 . –Б.26.

“Қайтмас тўлқинлар” романининг ўзига хос жиҳати жаҳон адабиётида кечаётган ижодий жараён ва янгиланаётган миллий романларга ҳамоҳанглигига қўзга ташланади. Роман муаллифи хусусида адабиётшунос олим Умарали Норматов: “Жиззахнинг қадимий, айниқса, кейинги юз йиллик тарихини миридан–сиригача яхши билади. ...Боз устига, унинг фақат миллий адабиётимиз эмас, жаҳон адабиёти, санъати, фалсафаси, руҳшунослигига доир нодир асарларидан хабардорлиги, “Қайтмас тўлқинлар” устида ишлаш чоғи кейинги икки аср давомида Ғарбу Шарқда яратилган автобиографик–мемуар асарларнинг деярли барчаси билан танишганлиги, улар ҳақидаги ўз шахсий фикр–мулоҳазалари – булар мени лол қолдирди”⁸⁴, дея таъкидлаганлар.

Асар бошиданоқ муаллифнинг Алишер Навоийнинг “Каъбаки, оламнинг ўлиб қибласи, Қадри йўқ ондоқким, кўнгил каъбаси” мисраларини келтириши, шунингдек, романнинг ифода йўсинида эсадлик, хотира–мемуар, насрий баён ва драма усуслари қоришиқ ҳолда келиши, лирик–фалсафий чекинишлар, тарихий–афсонавий талқинлар, шеърий парчалар мунаққид эътироф этган фикрни тўлиқ исботлайди.

Ҳар бир миллатнинг ўзи қадрлайдиган анъаналари, урф–одатлари, маросимлари, маданий ва маънавий қадриятлари, миллий қаҳрамонлари мавжуд. Жумладан, беш қисмдан иборат “Гўдаклик”, “Болалик”, “Ўсмирлик”, “Ўспиринлик”, “Илк ёшлиқ” даврларини ўз ичига олган “Қайтмас тўлқинлар” асарининг қаҳрамони Қуддус ҳаёти орқали инсоннинг беш ҳолатидаги воқеалар акс эттирилади. Асар Қуддуснинг тилидан ҳикоя қилинади. Юқорида айтганимиздек, асар автобиографик асарлар сирасига мансуб бўлиб, қайсиdir маънода, Садриддин Айний, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаровларнинг шу йўналишда ёзилган асарларига ҳамоҳангдир. Ушбу асарнинг “Гўдаклик” қисмида Қуддус ҳикояси орқали “йўқолиб бораётган урф–одатлар” маҳорат билан тасвирлаган. Буни биз

⁸⁴ Норматов У. Роман ва унинг муаллифи ҳақида дил сўzlари // Туроб Мақсуд. Қайтмас тўлқинлар. –Т.: O‘zbekiston, 2014. –Б.4–5.

биргина бош қаҳрамон онасининг чиллаки токни кеч кузгача Абдураҳмон тоғаси ва Московда юрган ўғли учун асраб—авайлаб сақлаши—ю, палов қиласидими, суюқ оши қиласидими қозонда озгина қисмини қолдириб “гойибнинг ҳақи” деб олиб қўйиш ҳолатларида ҳам кўришимиз мумкин. Бу фақатгина Қуддуснинг онасигагина хос бўлмай, балки ҳар бир ўзбек оиласига хос бўлган фазилат эканлигини асар давомида кўришимиз мумкин. “Худди шу пайтда Шириннинг Нозик опаси товоқ кўтариб чиқади. Дадам Нозик опани кўриши билан кулиб—кулиб қироат билан дейди:

*—Бор товоғим, кел товоғим,
Агар борсанг—да, келмасанг,
Ора йўлда син товоғим!...*

Нозик опа қайтиши билан унинг орқасидан ё Зуҳра опам, ё Умри опам товоқда овқат кўтариб, уларнига югуради, дадам завқ билан:

—Борақол—ей, товоғим! – деб қолади⁸⁵. Бу соф ўзбекона миллий қадриятлар ифодасидир. Асарда бу каби ҳолатлар бир неча ўринда, воқеалар баёнида, хусусан, ҳашарда, Сайд ака билан Тўти опанинг орасидаги муаммолар ҳал қилиниши жараёнида, яъни ҳалала⁸⁶да яққол намоён бўлган. Сайд ака ичкилик оқибатида аёли Тўти опани талоқ қиласиди. Бу Куръонда ёзилишича ёмон бўлиб, бундай ҳолатдан сўнг турмушни давом эттириш мумкин бўлмай қолади, қачонки ҳалала қилсагина яна қайта турмуш қуриш мумкин бўлади. Адаб ушбу воқеаларни жуда таъсирчан, ишонарли қилиб тасвиrlаб беради. Сайд қилган ахмоқгарчилиги учун жуда катта тўлов қилишини билиб азобланади, ҳаттоқи ўлимига ҳам рози бўладики, хасми ҳалоли аёlinи ўзга билан никоҳланишига жимгина қараб тура олмайди, “Сиз шариат пешвоси бўлиб шу йўлни ўғлингизга ё қизингизга раво кўрармидингиз!... кўзининг пахтаси чиққанча бўйини ғоздек чўзиб домлага ёмон боқди...

⁸⁵ Максуд Туроб. Қайтмас тўлқинлар. –Т.: O‘zbekiston, 2014. –Б.23. (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади ва бети қавс ичида кўрсатилади).

⁸⁶ Ҳалалада “талоқ” қўйиши шарти билан иккинчи эрга никоҳ қилиниш.

—Сайд, ўтири жойингга! Оғзингдан чиқаётган сўзга эрк беришнинг, ўз оғзига кучи етмасликнинг оқибати шул бўлади... Мусулмон одам бундай бўлмайди. Қани ўтири!”(77–бет). Ёзувчи ўз ёғига қоврилаётган Сайд ва ичкари хонада тақдирини жон ҳовучлаб кутаётган Тўти изтиробларини маҳорат билан тасвирлайди. Нафақат улар, балки бу вазиятнинг ечими қандай якунланишини кутаётган китобхон ҳам ички саросима, ҳаяжонга тушадики, бундай ечимни ҳаттоқи дин пешвоси “домла” ҳам кутмаган эди. Бу адибнинг ўзига хос услугб эгаси эканидан далолат беради.

“Мен сенинг мусулмонлигиннга ҳам шубҳам бор. Қани калимаи шаҳодатни қайтар–чи?!

Сайд ака дудукланиб қолди:

—Ло илоҳи, лои илоҳи... Сайд ака шу икки сўздан бошқа ҳеч нарса айтолмади” (78–бет). Шундан сўнг мусулмончиликнинг беш шартини ҳам билмаган, бажармаган инсоннинг мусулмон бўлмаслиги Қуддуснинг дадаси тилидан мантиқли асослаб берилган.

“Ота–онаси мусулмон бўлгани билан боласига мусулмончилик мерос бўлиб ўтадими? Агар беш фарзга амал қиласа ҳам!

Исажон домла (ўйланиб) Йўқ, мутлоқо мерос бўлмайди, полвон!

Дадам: Унда Сайд кофир экан–да!

Мусулмонқул ака: Ғирт кофир.

Рашид ака: Минг қайтгани!

Дадам: (домлага қараб) Унда Сайд айтган уч талоқ вожиб эмасдур.

—Тўғри мусоҳаба! – деб юборди Исажон домла ҳайрон қолиб.

—Ахир ўша шариат китобларида: “Кофир чоғида никоҳланган эр ва хотун исломга кирсалар, никоҳларини янгиламай шу никоҳда қолурлар”, деб ёзилмаганми, тақсир.

Домла шошибигина деди:

—Шундай полвон!

—Айнан шундай экан, унда бу Сайдвойга аввал мусулмончилик фарзларини ўргатсангиз, фатвоингизни билдириб, сўнг бир яхши фотиха берсангиз, маъкулми тақсир?

—Маъкул, —деди домла яна тезгина” (79–бет).

Юқорида келтирилган диалогдан икки нарсани англаш мумкинки, бу ҳам ёзувчининг юксак маҳоратидан дарак беради. Биринчиси, Сайдвой тимсолида шўро даври таълим тизими натижасида унга ва ўша даврда яшаган барча мусулмонларга фақатгина дунёвий билим берилгани, диний билим чекловлари туфайли Сайдвой ва у қатори ўзбек халқининг фарзандлари, ҳаттоқи, Исажон домла кабилар ҳам дин ва Қуръондан бехабар, мосуво бўлганлиги.

Иккинчиси эса бунинг натижасида ночор аҳволга тушган Сайдвой кабиларга тўғри йўл кўрсатувчи, маърифатли, илмли ўзбек халқининг ҳақиқий полвон каби инсонлари бор экан, миллий қадриятлар ўлмаслиги ишонарли очиб берилади. Шу ўринда, “Ижодкор яратган бадиий воқеълик ҳаёт ҳақиқатига мос, лекин ўзига асос бўлган ана шу воқеъликдан устун бўлмоғи лозим. Ҳаётга тақлид бадиий ижодда муайян истеъдод хис–туйғуси, таффакури, идеали таъсирида умуминсоний қадриятга эга бўлган янгича бадиий ҳаёт яратиш”⁸⁷ – эканлиги ўз исботини топган.

Асарни ўқиши жараёнида бу қарашларни ёзувчи ўзига дастуралмал қилиб олганини кўришимиз мумкин. Асада Шўро даври таъсирида шаклланган емахўр раис образи бўй–бости билан намоён бўлади. Колхозчилар ҳисобига кистаси қаппайган раис жононига шаҳардан уй олиб бериш учун элнинг пулидан, қолаверса, Соли ферма билан тил бириктириб совлик, қўчқорларни пуллагани қаҳрамон Куддусвой ота–онасининг диалоги орқали очиб берилади.

“—Ахир Шарифбой минг қўйини шу умидда колхозга берганмиди?

—Бечора Шариф амаким! —деди аям хўрсиниб. —Минг қўйини бериб ҳам, Совет балосидан қутула олмади!... Дадам раҳматлининг боғларини ҳам

⁸⁷ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. –Т.: Фан, 2004. 97–бет.

хароб қилишяпти, бир куни тамом қўпориб ташламаса, деб қўрқаман. Тўрақул бобо бекорга:

*Совет деган замон бўлди,
Кундан—кунга ёмон бўлди.
Совет, совет, совет, совет,
Ўғилни отадан совит,
Отани ўғилдан совит.
Бекорга ётмасин тобут,
Тирикни ўликдан совит!” – деб шеър ёзмаган–да! (96–бет).*

Асарни ўқир эканмиз, адиб ҳар бир қаҳрамоннинг ички дунёсини чуқур тасвирилаганлигига амин бўламиз. Мухими, ёзувчи яратган образ характерлари бир–бирига ўхшамайди. Адиб адабиётимизга янги қаҳрамонларни олиб кирди. Унинг қаҳрамонлари миллий ўзликни англаган, янгича тафаккур уфқларини ўзида акс эттирган инсонлардир. Чунончи, адиб романда шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули сифатида эмас, кўпроқ илохий, туғма – табиий, сирли – сехрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоий ва тарихий шароит – тузум, давлат, сиёsat, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу, хислатларини, онг–идроқдан ташқаридаги англаб етилмаган ҳолатларини Қуддус ва бошқа қаҳрамонлар орқали ифодалашга интилганини кўрамиз.

“Дадам даладан қайтиб, ювиниб, эндини супага чиқиб ўтирган эди. Сайид ака билан кўришиб деди:

Ўрол, суюнчи олиб чиқ, полвоннинг умри билан берган бўлсин!

Сайид акамнинг оғзи очилиб қолди:

–Ё тавба, ҳозиргина кўзи ёриди, тўғри бу ёққа келяпман, ҳали ҳеч кимга айтганим йўғ–у, сиз қаёқдан билдингиз?

–Ҳа, энди, Сайидвой Аллоҳимнинг ўзи хабар беради, –деди дадам...

–Рахмат, яхши. Тоға... шу... рози бўлсангиз отини Мусажон қўйсам!

Дадам бироз ўйланиб туриб аямга:

Анави кўк кўйлакни олиб чиқ, – деди...

Бу кўйлакни балоғатга етганда кияди,— деди дадам” (112–бет).

Юқорида келтирилган кичкинагина парчада халқимизга хос бўлган қадриятлар намоён бўлиб турибди. Бу Мусажон полвоннинг аёlinи исми билан эмас, катта фарзандининг номи билан аташда ёки янги туғилган чақалоққа яхши ният билан куйлак беришида, Сайдвой аканинг Мусажон полвон томонидан, дин пешвоси ечолмаган, лекин Мусажон полвон сингари зукко, дину исломни яхши билганлиги сабабли мушкули осон бўлгани ва бунга миннатдорчилик сифатида, қолаверса, фарзандининг келгусида шундай инсон бўлишини истагани учун унинг номини қўйишида яққол қўринади. Минг афсуски, бундай қадриятлар тоталитар тузум даврида бора–бора йўқолиб кетгани ҳеч кимга сир эмас.

Асарда бу каби миллий қадриятлар бир неча жойларда ҳаётӣ, ишонарли, жонли тасвирлаб берилган. Хусусан, Мусажон полвоннинг қизи Саодатга келган совчиларни кутиш жараёнида ҳам бу ҳолат бўртиб қўринади:

“Йигит қаерда хизмат қилган?

—Ўтган йили куздан бери солдатликка оламан деб чақириб ётибди, ҳар сафар қудангиз бориб тинчитиб келади...

—Эйи, ҳали йигит армияга бормаганми?

—Бе, нима қилади у совуқ томонларда? Энди қудангиз тўйни тезлатсак, шу баҳона гаплашиб бутунлай қолдирмоқчи. “Уч–тўрт сўм берсам қизил билет ёзиб беради”, – дейди”...

—Буни қаранг–а, нега илгари суриштиромабман?.. Гап бундай, Хайри опа! Йигит хизматга бориб келсин, тўй кейин бўлади. Ҳарбий хизматга бормаган йигит йигитми? Нима бало, ё бир иллати борми?

—Вой, нега унақа дейсиз? Тўрт мучаси соғ, – деди хола ёқасини ушлаб.

—Унда хизматга борсин!

—Қизингиз икки йил кутиб ўтирадими?

—Нима қилибди кутса? Ўзингиз беш йил кутмаганмидингиз?

—У вақтлар бир бошқа эди...

—Эсиз, бошида суриштирмабман, хизматга бормаганини билганимда нон синдиритирмасдим.

—Айтдим—ку қудангиз гаплашиб қолдирган деб, — хола аямга қараб бурилди. Ялингансимон нигоҳ билан боқди. —Тўй қилаверайлик, кейин борса бораверар.

—Йўқ, —деди дадам кесиб. — Мусоғир бўлмагунча мусулмон бўлмас! (124–бет).

Назаримизда, бу китобни бугун кенг китобхонлар томонидан ўқилишини таъминлаш лозимки, ҳозирда қиз ўстириб, катта қилган отаоналар йигитнинг моддий томони: бойлиги—ю, яшаш тарзи қизиқтираётганлиги сабабли, оила, бир—бирининг қадрига етиш, эр хотиннинг бир—бирлари олдидаги мажбурияти йўқолиб бормоқда, натижада ажримлар кўпаймоқда, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, адид ўз асарларида болалиги кечган қишлоқ манзараларини маҳорат билан чизади. “Санъаткор бизга маълум ҳодисаларни ва воқеаларни ўз бадиий тафаккури орқали ёрқин бўёқларда тасвирлаб, шу ҳодисаларга ўзининг муносабатини ҳам билдириб ўтар”⁸⁸ экан, асарда тоталитар тузум пайтида кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини ҳам пахтага чиқариш, уларга ҳам норма белгилаш, айни ўқиш керак бўлган даврда дала ишларига жалб этилган ўқувчиларнинг ўй—кечинмалари Қуддус кечинмаларида таъсирчан ифодаланади.

“—Бошингни қўйи солма,
Сўзимни оғир олма,
Пахтани териб бўлмасанг,
Жонингга ором қайдада!...

Ха, пахта терими тугамай мактаб қайдада, китоблар қайдада! Эсиз, эндиғина ўқишига қизиқиб кетаётган эдим—а! Бирдан зерикарли ҳаёт бошланди: тонг отмасдан тураман, подани қўшиб далага етиб бораман, нормани бажариш

⁸⁸Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. —Москва.: Писатель, 1975. —С. 58

учун куйиб—пишаман, агар нормани бажармасам, кечқурун Нодир муаллимдан эшигадиганимни эшигаман; қүёш ботаётган пайтда опаларим ҳам ўт ўришимга қарашиб юборишади, ўтни эшакка ортиб уйга жўнайман; ювиниб, овқатланганимча ётиш вақти бўлади, жойимга “шилқ” этиб тушаману қотиб ухлаб, қайси ёним билан ётган бўлсам, шу ёним билан тураман; чамаси ўринда ағдарилишимга ҳам ҳолим етмайди. Ҳа, шунаقا. Қачон мактаб очилишини билмайман. Хайр, дарсликларим, китобларим!” (235–бет).

Бу каби тасвир бир томондан ёзувчининг маҳоратидан дарак берса, иккинчи томондан, ўша давр фожиаларини ҳис қилишга ёрдам беради. Ёзувчи ҳаётдан олган материалини ва давр муаммоларини кўрсатиш ғоясини илгари сурар экан, ҳаётни бутун даҳшати билан тасвиirlайди.

Асарда баъзи ёшларимиз ҳозирда билмайдиган миллий қадриятлар ҳақида ҳам сўз боради, бу Қуддус тилидан шундай ҳикоя қилинади: “Бешариқ ёқалаб кетган сўқмоқдан уйга қайтаётсам, шундай ариқ бўйида белбоғини ерга тўшаб, намоз ўқиётган уста Файзи бобони кўриб қолдим... ариқ олдида ётган калтакни олдим—да, Уста бобонинг белбоғидан анча берига кўндаланг қўйиб, олдини кесиб ўтдим – намоз ўқиётган одам олдидан шундай қилиб ўтиш кераклигини дадам ўргатган” (191–бет).

Асарда яна бир ўринда, адиб раис ва Уста бобо ўртасида ҳалоллик ҳақида бўлиб ўтган сухбатнинг келтирилиши, унда Уста бобо “Бир китобда ўқигандим！”, – деганда Қуддус хайрон бўлади “мактабда айтишардикি, бунаقا чолларнинг бари саводсиз” (193) деб ўйлашидан кейин Уста бобо томонидан эшигтан ривоят асар бадиий ғоясини ниҳоятда кўтарганлигини кўришимиз мумкин. Унда сой ёқалаб кетаётган ҳусну малоҳатда тенгсиз Юсуф зилол сув юзида оқиб келаётган бир дона олмани олиб, бехосдан бир-икки тишлиб ярмини еб қўяди, шунда ўйламасдан қилган иши хатолигини, сўрамасдан ейиш гуноҳ эканлиги ўйлаб олма эгасини излаб, унинг ҳақини бергани келади:

“—Эй отахон! Мен хом сут эмган бандадан хатолик ўтди. Ана шу олмангиз сувда оқиб кетаётган экан, ушлаб, сўрамай—нетмай ярмини еб қўйибман. Энди мен сизнинг олдингизда ҳам гуноҳкор, ҳам қарздор бўлиб қолдим... Айтинг—чи, отахон, мен қарзимни қандай узиб, гуноҳимни қандай ювай?”, — анчайин савол—жавоблардан сўнг чол олманинг ҳаққини тўлашга пули етмаслигини, уни тўлаш учун фақат шартини бажаришини айтади, “— Бўлмаса, менинг бир қизим бор, исми – Абкор. Унинг оёғи шол, кўзи кўр, қулоғи кар. Абкорга уйланасиз, шарт шу!. Юсуф шартга кўнди... Йигит гўшангага кирди—ю ҳайратдан қотиб қолди: чимилдиқда ой деса ойдан ойдин, кун деса қундан ёруғ бир соҳибжамол эгилиб салом бериб турганмиш. Юсуф қўли билан юзини тўсиб, гўшангадан чиқиб кетди.. –Бу менга айтилган қиз эмас!.. –Ахир сиз, заифамнинг кўзи ожиз, оёғи шол, қулоғи кар деган эдингиз–ку!

—Тўғри, лекин кўзи ожиз деганим нопокларнинг юзига боқмаган деганим, оёғи шол деганим, остона ҳатлаб ташқарига чиқмаган деганим, қулоғи кар деганим, ёмон сўз, нотўғри гап эшитмаган деганим эрди, ўғлим!.. Йиллар ўтиб Абкордан туғилган ўғил тўрт ёшида бекиёс истеъодни намоён этди. Шунда Абкор: “Отаси агар олманинг ярмини еб қўймаганда эди, ўғлим ўз қобилият кучини уч ёшдаёқ зоҳир этган бўлар эди!” деган экан. Ана Орзиқул ука, энди бизнинг ҳалоллигимиз, қайга борарди?!” (195–196 бетлар).

Шу ўринда, юқорида келтирилган парчадаги “мактабда айтишардикى, бунақа чолларнинг бари саводсиз” деган жумлага жиддийроқ эътибор қаратсак, Шўро ҳукумати ёпиштирган бу тавқи лаънат қанчалик асоссиз эканлигини Уста бобонинг айтиб берган ривояти кўрсатиб турибди. Ривоятда жуда катта фалсафий маъно сингдирилган бўлиб, бирорнинг ҳаққини ейиш мусулмон фарзандининг иши эмаслигини, унинг оқибати фақат ўзида эмас, келажак авлодга ҳам таъсир этиши очиб берилган. Шунингдек, ҳозирда бирорни ҳаққини ейишга қўрқмаганларга, куёв танлашда эса имон эътиқодлилигига эмас, балки яшаш тарзига, пулига учадиганларга, миллий

қадриятларимизни ўзида ифода этган бу ривоят қайсиdir маънода ибрат, сабоқ эканлигини таъкидлаш жоиз.

Туроб Мақсуд миллий адабий анъаналарни ҳам, дунё адабиёти тажрибаларини ҳам пухта ўзлаштирган, доимий изланиш, сўз ва фикр ифодасини ё уйғунлигини янгилашга интилган ижодкор эканлиги романнинг тоя ва мазмунидан яққол намоён бўлиб турибди.

Бадиий адабиётнинг қайси жанрида бўлмасин, қаҳрамоннинг ички оламига алоҳида эътибор берилади. Биз буни юқорида Туроб Мақсаддининг “Қайтмас тўлқинлар” романida кўрган бўлсак, бу фоний дунёнинг омонат, таги пуч ғояларига алданган шахс умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабариқ тарзда кўрсатиб бера олган жizzахлик адиба, ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мехрибон Абдураҳмонованинг “Гулзор қишлоғининг гулдураклари” қиссасида ҳам қайсиdir маънода узвий давомийлигини кўрамиз.

Адиба қиссада даврга хос манзарани китобхон кўз ўнгидагавдалантира олган. Қисса қаҳрамони образида оддий халққа хос бўлган чизгиларни кўрамиз. Бу тасвирда инсон руҳияти бутун мураккаблиги билан акс этган. Яъни адиба образ яратишнинг ўзига хос йўлидан борган. Қиссада ёзувчи воқеалар баёнидан иккинчи воқеа тасвирига ўтар экан, қаҳрамонларнинг қандай эканлигига тўхтаб ўтирумайди, балки зиддиятли вазиятларда образлар характеристини очиб беради.

“Эпик асарларда қаҳрамон яшаган, ҳаракат этган ва курашган муҳит тасвирига алоҳида эътибор берилади. Эпик тасвир қаҳрамонларни бутун ҳаёти мобайнида ёхуд улар характери шаклланишининг энг муҳим даврларида ҳар томонлама кўрсатилган ҳолдагина тўлақонли бўлади. Бу йўналишдаги асарларнинг муаллифлари макон ва замонни тасвирлаш, хилма–хил ҳаётий ҳодисалар ва вазиятларни кўрсатиш, воқеъликни турли нуқтадан (муаллиф, воқеалар қатнашчиси, уларни четдан туриб кузатувчи персонажлар нуқтаи назаридан) акс эттириш, қисса шакли (муаллиф номидан, иштирокчи тилидан, ёзишма, кундалик тарзида ва ҳ.к.)ни танлаш

имкониятлари чекланмайди”⁸⁹. Худди шундай бу қиссада ҳам услубий ўзига хосликнинг шаклланишида реал ҳаётнинг ҳаққоний манзарасини тасвирлаш кучли.

Маълумки, “Бадиий образ бошқа ҳар қандай ижод намуналаридан ўзининг муайян эмоционал–эстетик гоявий таъсир кучига эга ҳиссий мазмуни билан яққол ажралиб”⁹⁰ туради. “Гулзор қишлоғининг гулдураклари” қиссаси қаҳрамони Мусажон ҳам бундан мустасно эмас. Қисса оддий халқ орасидан чиққан Мусажоннинг бошидан ўтказган ҳаётий воқеалар тасвирига бағишиланган. Тирикчилик ғамида ўзини турли томонларга уриб, қора қозонни илми–амал қилиб ўтказишга ҳаракат қилаётган Мусажон дўсти Гулмурод билан “рангли металл вируси”⁹¹ билан касаллангани ва алал–оқибат бошларига тушган кўргиликлар адиба томонидан асарда маҳорат билан тасвирланади.

Ҳеч кимга сир эмаски, ўтиш даври қийинчиликлари кўплаб иқтисодий–ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Ишсизлик, иқтисодий танглик – ҳар қандай инсоннинг оиласи ҳаётига таъсирини ўтказмай қолмади, шунингдек, бу холат инсон маънавияти ва руҳий оламига ҳам таъсир кўрсатар экан, “Гулзор қишлоғининг гулдураклари” қиссаси бу жараён тасвирини бериши билан муҳим аҳамият касб этади.

Қиссада, Мусажон билан Гулмурод не мاشаққат билан тўплаган рангли металларини зил–замбилдай сумкаларга жойлаб, вокзалда поезд кутиб туарар эканлар, шу орада эски танишлари Тилавбойни кўриб қолиб, у билан ўтириб қиттак–қиттак ичишлари улар учун қимматга тушишини ўша вақтда хаёлларининг бир четига келтиришмаган эдилар.

Шу ўринда айтиш лозимки, ижтимоий давр билан боғлиқ масалалар қиссада тасвирланаётган воқеъликка сингдириб юборилар экан, у Мусажон билан Гулмурод образлари орқали очиб берилади. Қисса давомида иккала

⁸⁹ Соатова Н. Анъанавийлик ва ворисийлик.–Т.: Mumtoz so‘z, 2019. – 6.

⁹⁰ Султон И. Адабиёт назарияси. –Т., 1986. –Б.175.

⁹¹ Абдураҳмонова М. Гулзор қишлоғининг гулдураклари. –Т.: O‘zbekiston, 2018. –Б.6. (Бундан куйинги иктибослар шу нашрдан олинади ва бети қавс ичидан кўрсатилади).

“бизнесмен” бошига жуда кўп кўргуликлар тушади. Тилавбойнинг бедарак йўқолиши туфайли, улар гумондорликда айбланиб, сўроққа чақирилишади. Шу воқеа сабаб қахрамонлар ички дунёси кенгроқ тасвиirlанган.

—Жўра, гап бундай. Неча кундан бери ўйлаб ўйимга етолмайман. Қотилликда айблангунча, контрабандада айблансак маъкул эмасми? Органга борайлик—да ўша куни қўшни мамлакатга рангли металл олиб чиқиб сотганимизни маълум қиласлий. Вагонда бирга кетган гувоҳларимиз бор. Тилавбойнинг биз билан чиқмаганини улар кўришганди. Энди беш—үн кило металл деб, бизни қамаб юборишмас. Штраф—пштраф билан қутулиб кетармиз.

—Нималар деяётганингни биляпсанми, ўзи, жўра. Битимизни сотиб штраф тўлаймизми? — жаҳли чиқди Гулмуроднинг. — Мени бунаقا ишларингга аралаштирма. Ўзи шундоғам ўлолмай ўтирибман, бола—чақамни қандай боқаман, деб.

—Гулмурод, жўра. Кемага тушганинг жони бир, дейишади. Истаймизми, истамаймизми, ҳозир икковимиз бир кемада турибмиз. Мен сенга ёрдам қилмоқчиман. Чунки сенинг оиланг катта. Мен жавобгарликни ўз бўйнимга оламан...” (12–бет).

Кўриниб турибдики, Мусажон дўсти Гулмурод учун барча айбни ўз бўйнига олиб, уни қулфатдан қутқаришни ўйлар экан, унинг маънавий қиёфаси тўлиқ намоён бўлади. Унинг образига ўзбек халқига хос бўлган миллий ғоялар адаба томонидан сингдирилган эди. Асадаги воқеалар, кутилмаган лавҳалар, инсон тақдирининг бутунлай ўзига хос тасвири китобхоннинг хаёlinи тарқ этмайди.

Шу ўринда айтиш мумкинки, тергов ҳужжатлари учун ёзилган “тушунтириш хати”да қишлоқи Мусажоннинг дўсти учун барча айбни бўйнига олгани, кичик бўлса—да, дўстини қутқариш учун жасорат кўрсатгани “Жиноят қидирув бўлими” катта лейтенанти Хидировни ҳайратга солса, бизни у ёзган “тушунтириш хати” ўйлантириб қўяди. Худди мантиққа зиддек кўринади.

Чунки қисса бошидаёқ балиқ тутиб ўтирган, ҳаётини бир изга қўя олмаган Мусажон қандай қилиб бу даражада саводли ёза олиши, ўзга учун ўзини қурбон қиладиган даражада мукаммал шахс бўлиши мумкинми? – деган ўринли савол туғилади. Мусажоннинг тушунтириш хатида унинг яна бир инсоний хислати, одамийлиги кўринади: “...мен уйда ишсиз ўтирганим учун ҳарна тўрт–беш сўм топай, деб шу ишини қилиб қўйдим. Жонажон Ватаним кўксига эндиғина эрк насимлари тегиб, жиiddий синовларни бошидан кечираётган бундай дамларда қорин ғамини қилиб қандай улкан хатога йўл қўйғанлигимни чуқур англаб, ич–этимни кемириб ётганимни айтмай қўя қолай. Ўз айбимни ўз хоҳишим билан тан олган ҳолда, бу ишининг бошқа тақрорланмаслигига сўз бераман. Гулмурод дўстимнинг эса ҳеч қандай айби йўқ. Фақат менга ичи ачиганидан ҳамроҳлик қилиб борди. Сумкаларда нима борлигини у билмасди... Илтимос, дўстимнинг бу ишларда айби йўқ. Уни жавобгар қилмасликларингизни ўтинаман” (21–бет).

Қишлоқи бир боланинг адабий сўзлар билан бундай жумлалар тузиши, фалсафий фикрлаши бироз ишонарли чиқмаган. Демак, қаҳрамон тили етарли даражада индивидуаллашмаган, деган хulosага келамиз. Ҳолбуки, бу адабиётнинг ва характер яратишнинг энг асосий талаб–мезони саналади. Адабанинг ўзига хос услуби ҳақида сўз кетар экан, “...ёзувчининг бадиий маҳоратини кўрсатадиган адабий ҳодиса бўлса, қаҳрамон образи бадиий асар моҳиятини ойдинлаштиришда муҳим эстетик ижтимоий–бадиий аҳамиятга эга бўлган масала”⁹² эканлигини таъкидлаш лозим. Бу жиҳат қисса давомида Мусажоннинг опаси, маҳалланинг биринчи шефи ҳисобланмиш Ойпошша опойи сўзлари орқали ўз исботини топади: “—Оҳ, Ҳолматхўжса, отажоним... Оҳ, Зирахол, онаジョンим!.. Болам – бўтам, дедиларинг, бу тириккуюкларни ўқитаман деб. Мана аҳволлари... Кўйнинг қонидай қип–қизил дипломлар сандиқларнинг иргасида куядори сасиб ётса, мен куймай ким куйсин. Ундан

⁹²Дониёрова Ш. Ижодкор ва услуб. –Т.: Turon zamin ziyo, 2014.. –Б.3.

кўра мени ўқитмай силарми, шу вақти ҳўкиматнинг битта истўлини эгалла бйўлимдан чиққаннинг барини пўшт–пўшт қилиб юрадим... ”(24–25 бетлар).

Шу ўринда айтиш мумкинки, ёзувчи ўзи ифодаламоқчи бўлган ғояга ўз қарашлари эстетик дунёқараши ва идеали нуқтаи назаридан ёндошади. Мусажон қизил дипломли олий маълумотли, лекин вақтинча ишсиз эканлиги, опаси тилидан, қисса давомида “Мусажоннинг мусибатлари” фаслида эса батафсил баён этилади: “Бўлмаса китоб ўқийвериб, дунё илмларини сув қилиб ичиб юборган Мусажон олий ўқув юртини тамомлаб, органга ишга кирган пайти камида генерал бўлишни дилига тугиб қўйган... жиноят қидирув бўлими инспектори” (48–бет) бўлган, лекин ўқимаган, ақлсиз “...эрни қаро ер қиласидиган” қиз билан турмуш қуриши натижасида ҳаёти издан чиқиб кетади.

Ёзувчи инсон характеридаги нуқсон ёки фазилатларни адабий қаҳрамоннинг хатти–харакати ва рухиятига сингдириб юборади. Инсон рухияти оилавий муаммолар натижасида ҳам муайян ўзгаришларга учраши мумкин. Қиссада қайнота–қайнона орзуидаги келинчак улар ўйлагандек бўлиб чиқмади, балки “салгина шамол эсиб, эпкини тегмасдан ота уйига қараб қочадиган” (49–бет) келин Мусажонни ота уйидан шаҳарга олиб чиқиб кетиб қолмай, инжиқлик ва жанжаллари билан эрининг ичкиликка берилиб, ишдан бўшаб кетишига сабабчи бўлди.

“Тавба, ёмонни ҳам шундай яхши кўрса бўларкан–да. Нуқул сеҳр–жоду қилиб ўзига иситиб олган”, – ҳам ажабланишарди, ҳам аччиқланишарди унга ичи ачиған опалари (49–бет). Адиба қиссада аёллар табиатидаги фазилат ва нуқсонларни очиб беришда, уларнинг сурати–ю сийратини ўзига хос тарзда тасвирилашга уринган.

Асар реал воқеалар тасвирига қурилганлиги билан ўта таъсирчан ҳаётий ва ишонарли чиққан. Нодонлигига қарамай, кўзи кўр муҳаббатининг курбони бўлган Мусажон аёлининг сўзига учиб, туман марказидаги кийим–кечак дўконини олиб касодга учрайди, оғир кунида эса бевафо аёли ҳам ташлаб кетади.

Аасарда Мусажон хатти–ҳаракатлари билан кўзлари кўр, қулоқлари кар бўлиб, шу бетайин аёлига қаттиқ кўнгил қўйиб қолганлиги адиба томонидан яққол кўрсатиб берилади.

Мусажон ҳаётидаги бу воқеаларни тасвиirlаш орқали адиба унинг характери ва яшаш тарзида содир бўлаётган ўзгаришларнинг, унинг яқинида дўст бўлиб юрган хоин Гулмурод, опалари, ота–она ва аёлига бўлган мухаббат, хотира, умид ҳислари ўрин алмашаётганлигини кўрсатишга эришади.

Қиссада унга қарама–қарши образ сифатида тасвиirlанган Гулмурод қиёфасининг тасвири фикримизга исбот бўла олади: “*Мусажон деган жўрам (авваллари жўра эдик, ҳозирда йўқ), тўғрироғи танишим йўлда! (шу жумлага алоҳида эътибор қаратишингизни сўрайман) мени кўриб қолиб, бир жойга юк олиб бораётганини, юкни вагонга ортиб туширишига менинг ёрдамим кераклигини айтиб, ҳоли–жонимга қўймади. Унга ичим ачиб ёрдамлашишига рози бўлақолдим... Келгунимча Мусажонни сўкиб келдим. Мени иккинчи бунақа жиноятингга шерик қилма, дедим. Ўлай агар, ўртоқ старший лейтенант, қасам ичишим мумкин, мен олиб берган “юк”имизнинг нималигини билmas эдим.*

Мусажонга келадиган бўлсак, мен у билан жўрачиликни йиғиштиридим. Менинг ундан жўрам йўқ. Мамлакатимиз иқтисодига зарар келтирадиган бундай зааркунандалар, ҳа, қайтариб айтаман, бундай зааркунандалар ўз жазоларини олишлари керак, ҳатто шарт!”(13,16,17 бетлар), – асар бошида терговчига тушунтириш хати ёзиб берган Гулмурод, хавф ортда қолиши билан, ҳеч нима бўлмагандай, безбетларча “–Эшиитдингми, жўра? Балодан қутулибмиз” (83–бет), –деб кириб келиши Мусажонни озорлантириди. Чунки дилгир ўтган неча ойлар мобайнида изини босмаган дўстининг хавф ортда қолганда қилган ташрифи, сурбетлигини ҳазм қилолмас, бунга унинг иймон–эътиқоди йўл қўймас эди.

Асарни ўқир эканмиз, “Гулзор қишлоғининг гулдураклари” қиссаси ҳам миллий ўзлик, миллий қадриятларни сақлаш йўлидаги мураккаб конфликтлар, ички изтироблар тасвири асосига қурилганлигини кўрамиз.

Энди, адабанинг Ойпошша опойини нима учун маҳалланинг биринчи шефи ҳисобланганига келсак, у воқеалар ривожида, хусусан, “Тинчлик кўчаси” фаслида ёрқин намоён бўлади. Холбувидан ғазабланган “Қайси гўрдаги отаси ошқовоқ, онаси носқовоқ Калбувиш битлиқи бир жойда мен ҳақимда алламбалолар, деб сасиган эмиш. Вой, кал эчки. Ундан кўра бошидаги битини тозалаб олмайдими. Отанг ошқовоқ, онанг носқовоқ, ким кўйибди сенга ноз–фироқ...” деган Ойпошша опойи ҳақида, “Жумагул чеча. – Ҳамма Ойпошшани ёмон, дейди. Мана, бир умр қўшни бўлиб ўтириб, тенг қариб, тенг ҳориб келяпмиз. Сира менга ёмонлик қилгани йўқ. Мардга мард, номарднинг эса урчуғини тескари айлантириб юборади”, (38–39 бетлар) деган сўзлари орқали Ойпошшанинг феъл–авторини ва характерини очиб берганлигини кўришимиз мумкин.

Шу жиҳатдан қараганда, “Ойпошша опойнинг томирларида катта бобоси, (шунингдек, Мусажоннинг ҳам бобоси) ўз даврида ўз худудининг обрўли бекларидан бўлган, ўрис истилочилари босқинида уларга бўйсунмай исёнлар уюштириб, охир–оқибатда босқинчилар томонидан қатл қилинган, салкам миллат қаҳрамонининг қони оқаётган эди. Боз устига жўмард бобокалони ўзга элларга савдо–сотик ишлари билан бориб юрган пайтлари бир тожик савдогарининг қизига ишқи тушиб қолиб, отига ўнгариб олиб қочган... “Кўйиб юборинг, Отам иккимизни ҳам тиккасига сўяди”, – дея қизнинг йиғлаб ёлворишларига қулоқ солмади. – Яхшиликча сўрагандим, бермади. Шу қизни олмасам, дунёйим ҳаром бўлсин, деб ўзимга ўзим сўз берганман. Отанг сўйгунча яшаб турайлик” (44–бет), деган ўзбекларнинг мардини сўзида ва хатти–харакатида кўрсатишга муваффақ бўлган.

“Ёзувчининг ҳаётдаги воқеаларга ёки маълум бир тоифадаги кишиларга ўзининг бадиий асарида билдирган эстетик муносабатининг ўзига хос

ҳосиласи қаҳрамон ёки образлар тизими тарзида ифода этилар”⁹³ экан, қиссада Мусажон руҳий оламини очиш учун ички монологи, уни бўйбастича ботиний дунёсини очиб бериш билан бирга, адабанинг қарашларини ҳам ифодалайди: “Дунёни манфаат бошқаради, дейишади. Бу ўринда эл–юрт манфаати кўзланган бўлса, қандай яхши. Шунда ҳамadolat тарозисини унутмаган ҳолда. Инсон фақат ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаверса, унинг инсонлиги қаёқда қолади. Албатта, мен авлиёликни даъво қилмаяпман. Шундай яшашни истайман, холос. Тўғри, мен яхши қўрган аёл мен истагандай истеъдодли ҳам, ақлли ҳам, билимли ҳам ва ҳатто унчалик гўзал ҳам эмасди. Аммо мен уни севиб қолдим. Инсонлар қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги талабларимнинг биронтасига жавоб беролмайдиган аёлни севдим ва у дунёдан ўтган бўлса ҳам ҳамон севаман. Балки шу сабаб баҳт ва баҳтсизлик орасида саросар кезиб юргандирман. Янаям ким билади, дейсиз?..”(56–бет).

Ҳаёт зиддиятларининг аёвсизлиги, майший турмушдаги ҳар бир камчиликнинг қаҳрамон руҳиятига таъсири асарда моҳирона акс этган.

Шунингдек, адiba асарга олиб кирган образларнинг ҳар бири катта-кичиклигидан қатъий назар ўз ғоявий–бадиий юкига эга эканлиги асарнинг мукаммал чиқиши учун асос бўлган.

Маълумки, ижодкор яратган қаҳрамон томонидан ўзига юклатилган вазифани ado этганига қараб ёзувчиларнинг бадиий маҳорати яққол намоён бўлар экан, Мехрибон Абдураҳмонова қиссасида бу ҳолат тўла ўз исботини топган. Хусусан, ўз фалсафаси билан яшайдиган Мусажон қайта уйланишлар таклифи бир неча марта бўлишига қарамай кескин рад этиб юрган бўлса–да, вақт ўтиб уйланишга розилик берди. Қарангки, ғарибгина уйининг чироғи ёниб, кўримсизгина хотини унга жажжи қизалоқ туғиб берганда, Мусажон ҳаётга қайтадан келгандай бўлди ва баҳтни юракдан туйди. Энди у тирикчилик ташвишида бировнинг полизини кўриқлаб, яна бировнинг

⁹³ Дониёрова Ш. Ижодкор ва услуб. –Т.: Turon zamin ziyo, 2014.. –Б.8.

дехқончилигига қарашиб ёз, кузни бутун қишига етадиган дон–дун ва полиз маҳсулотлари ғамлаш билан ўтказадиган бўлди.

Қиссада адиба услубининг ўзига хослиги шунда қўринадики, “Гулзор қишлоғининг гулдураклари” қиссасида қаҳрамонлар исмидан тортиб, ҳаракат–ҳолатигача тасодифий эмас. Асарга киритилган ҳар бир нарсанинг айнан шундайлиги бадиий маънога эга ва у шу ҳолида ҳаётнинг бир парчасини акс эттиришга эришади. Хусусан, ҳаёт тизгинини қўлидан чиқариб юборган Мусажон турмушига исми жисмига муносиб Тиллабувишнинг кириб келиши унга оилавий баҳт туйғусини беради: “*Аёли ҳам меҳнаткаш чиқиб қолди. Қўни–қўшинилардан қўй жуни олиб, ип йигириб олача тўқиб уйининг ичини қип–қизил қилиб тўлдириб олди*” (61–бет), кейинроқ иккита қизчасини етаклаб олган Тилавбойнинг хотини Мусажоннинг юзларини юлиб ташлаб:

“— Эримни топиб бермасанг сочимни ёйиб эшигинга ўтириб оламан.
Мана шу гўдакларни боқасан, — деди аёл кўзларини ола–кула қилиб.

Шу пайтгача индамай келаётган Тиллабувии янганинг бирдан орияти қўзғалди. Югурни бориб оишонадан ошпичоқни олиб чиқиб Тилавбойнинг хотинига ўқталди.

—Учгача санайман. Агар шу вақт ичида ҳовлимдан чиқиб кетмасанг, эрим эрингни ўлдирган бўлса, сени мен ўлдираман” (75–бет), дея эрини ҳимоя қилганида, унинг ўз оиласи учун фидойилиги, айниқса, яққол намоён бўлади.

Ёзувчи ижодий услубининг шаклланиши миллий адабиётда гўзал ижод намуналари пайдо бўлишига олиб келади. Ҳаёт материалларининг адабиётда ҳаққоний тасвирланишида ёзувчининг дунёқараси, интеллектуал–эстетик савияси муҳим аҳамиятга эга. Унинг ҳаётни қандай кўриши, тушуниши ва қандай ифодалаб беришига қараб услубий ранг–баранглик ҳосил бўлади. Буни қиссада Мусажон образи мисолида кўришимиз мумкин. Тиллабувишнинг “Олий маълумотли бўлсангиз, қишлоқ мактабига ишига кириб ўқитувчилик қилсангиз бўлмайдими?”— деган қистовига “*ўқитши дастурлари мен ўқиган даврдагидан бутунлай бошқа бўлиб кетган*”, — деб

кескин эътиroz билдирган" (62– бет) Мусажон образига нимагадир меҳримиз ошади, чунки ўз манфаатини ўйлаб, ўртамиёна ўқитувчилик қилиб, халқнинг боласини ўқитишни тирикчилик манбаига айлантирган инсонларга нисбат берадиган бўлсак, Мусажоннинг виждени ва иймонига қойил қоламиз.

Шунингдек, уни ўта иқтидор эгаси бўлганлиги–ю бирор ишнинг бошини тутса, уни юракдан ақл билан қилишини, аёли Тиллабувиш бехосдан қўлини кесиб олган жараёнда кузатишимиш мумкин. Кесилган жой чукурроқ бўлгани сабабли, жароҳат жойидан оқаётган қонни тўхтатиш учун уйда йод ҳам йўқлиги сабабли, Мусажон доривор ўтлар билан яхшигина тиллашадиган онасидан ўргангани боис, зубтурум ўсимлигининг япроқларидан фойдаланди.

Шундан кейин, қиссада уни шифобахш гиёҳлар ҳақидаги китобларни ўқиб, ҳар хил доривор ўт–гиёҳларни териб келиб қуритиб, қишлоқ аҳлини қўлидан келганча даволай бошлагани ва шунинг орқасидан чой–чақа топиб, рўзғор тебратган бир пайтда, қишлоқдоши Шерматнинг болдирига чўп кириб кетиб, жароҳатланган жойига оёқ остидаги тупроқдан сепиб, солидол қўйиши натижасида, хилвираб кетган ярасини Мусажонга кўрсатгани, лекин у ҳарчанд ҳаракат қиласин Шерматнинг ярасини тузата олмай унга:

“Тупроқда қанча микроб борлигини биласизми ўзи? Кап–катта одам болаларча ҳаракат қиласизми? Худо кўрсатмасин, қонингизга инфекция ўтиб кетса нима бўларди?.. Шуни биласизми?..” – деган гапларидан кейин Шермат, инфекция ҳақидаги гапдан капалаги учиб Мусажоннинг тавсияси билан тўғри туман поликлиникасига жўнади–ю, лекин *“Мусажон Шерматнинг оёгини иритиб юборишига сал қолган экан, ҳалиям вақтида дўхтирга бориб најсот топибди”* (66–бет) деган айблов билан айбсиз айбдор бўлиб қолиши қиссада ишонарли, жонли тасвиранади.

Қиссада ўтиш даврининг қийинчилклари Мусажон оиласи мисолида ёрқинроқ намоён бўлади. Хусусан, унинг эркатой арзанда қизи шамоллаб, қаттиқ йўталга чалиниб қолгандаги ҳолати тасвирида бу ҳолат кўринади. Қизининг йўталинин ярим кило турп билан бир стакангина тоза асал тузатиши

мумкин бўлган жойда бир кило турп ва бир стакан асалга пул топа олмаган қаҳрамонимизнинг аянчли аҳволи—ю, камига отаси Тилавбой Тошматовнинг ўлигини топган аламзада ўғил ва унинг хотини томонидан таҳқирланиши, Мусажоннинг “емаган сомсага пул тўлаши” ёзувчи томонидан таъсирчан лавҳаларда берилган.

Қиссанинг кульминацион нуқтасида катта лейтенант Хидиров томонидан Тилавбойнинг акаси Эшмамат аканинг ўғли Эшдавлат томонидан ўлдирилгани маълум бўлади. “Бу хабар Мусажонга етиб борганида, у севинишини ҳам, куйинишини ҳам билмай қолди. Ўзининг эсон—омон бу чигалликлардан чиқиб олганига суюнса, Тилавбойга, Эшмамат ака ва унинг ўғлининг қисматига анча куйинди”(82– 83 бет).

Мехрибон Абдураҳмонованинг бадиий услубига хос яна бир жиҳат шундаки, адиба сохта образлар яратиб, персонажларни ғояга мослаштириб тасвирламайди. Имкон борича, у қаҳрамонларининг ҳаётий бўлишини, ўз йўли ва тутумига эга бўлишини истайди. Шу боис қаҳрамонларининг чорасизлигини чорасизлигича қолдираверади. Қисса сўнгида “*Мусажон эса... Мусажон эса ҳали ҳануз ўша—ӯша. Кўп ўқиганидан хирадашиб қолган кўзларига кўзойнагини тақиб оёқсиз кароватида тинчгина китоб ўқиётган*” ҳолда тасвирланиши фикримиз исботидир. Адабанинг ўзига хос индивидуал услуги ва бадиий маҳорати Мусажон ва Ойпошша опа образининг яратилишида, уларнинг маънавий олами чуқур очиб берилганида ҳам яққол акс этган. Бир сўз билан айтганда, қиссада миллий ва умуминсоний қадриятлар тасвири маромига етказиб тасвирланган.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, насрый асарларда умуминсоний ва миллий қадриятлар тасвири иккала ижодкор: Туроб Мақсуднинг “Қайтмас тўлқинлар” романи ва Мехрибон Абдураҳмонованинг “Гулзор қишлоғининг гулдураклари” қиссасида етарлича тасвирланган. Айниқса, миллий қадриятлар тасвири бу асарларда тўлақонли ўз бадиий ифодасини топган.

3.2. СЎНГГИ ЙИЛЛАР НАСРИДА ХАРАКТЕР ЯРАТИШ МАҲОРАТИ ВА УСЛУБИЙ ИЗЛАНИШЛАР

Истиқлол адабиётимизга том маънода эркинлик берди. Натижада адабиётда жуда катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Истиқлолнинг илк йилларида кўзга ташланган иқтисодий бўхронлар жамиятнинг бир қанча соҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Шубҳасиз, бундай таъсирлар натижасида инсон онги, унинг дунёқараши ўзгариши, ижтимоий борликка муносабати, келажакка ишониш ёки ишонмаслик каби муаллақ турган ва салбий омилларни юзага чиқариши мумкинлиги, ўз навбатида бу омиллар жамиятнинг оғрикли масаласига айланиши мумкинлиги долзарблиқ касб эта бошлади.

Демак, бу даврда ўзбек насрининг олдига ана шундай муаммоларни акс эттира олиш, уларни теран мушоҳада қилиш, ўқувчиларда жамиятда бўлаётган ўзгаришларга нисбатан дахлдорлик, ўз келажаги, миллат келажагига бефарқ бўлмаслик руҳини уйғотиш, бундай руҳий кечинмаларни ёрқин ва таъсирли тарзда етказиб бериш масаласи ҳам турарди.

Таъкидлаш керакки, Истиқлол даври насида қайд қилинган масалалар ўзининг ғоявий–бадиий ечимини топади. Бу давр бундай ўзбек насрининг таҳлили Истиқлол билан боғлиқ адабий–эстетик идеалларига хос жиҳатлар сифатида тасвирланаётган идеал соғлом фикрли, маънавий дунёқараши етук, халқи ва Ватани олдидағи масъулияти, аждодлар меросига муносиб ворис, уларнинг ишини давом эттиришни ўзларига шараф деб биладиган, ўзбек номини дунёга танитиш учун қўлидан келган барча ишни қилишга тайёр кишилар сифатида кўз олдимиизда гавдаланади.

Чунончи, Наим Каримов Истиқлол даври адабиёти ҳақида: “Бу адабиёт чин маънода миллий ва халқчил бўлиши, ўзбек халқининг ҳаётини, сажиясини, қалбини, руҳий бойлиги ва маънавий камолотини акс эттириши зарур. Бу адабиёт илгор жаҳон адабиёти, биринчи навбатда, Шарқ халқлари адабиётида юз берәётган янги бадиий изланишлардан кўз юммаган ҳолда

миллий–адабий анъаналарга, жумладан, XX аср ўзбек адабиётининг энг яхши бадиий ютуқларига таяниши керак”⁹⁴, – деб ёзади.

Маълумки, барча даврларда адабиётда қаҳрамон яратиш муаммоси жиддий масала бўлиб келган. Чунки адабиётдаги қаҳрамон муайян даврдаги ижтимоий оламнинг бутун ички ва ташқи хусусиятларини акс эттирувчи бадиий воситадир. Одамнинг ҳаётдаги яшаш тарзидан тортиб, умри поёнигача бўлган баҳту фожеалар қаҳрамон ҳолатига, хатти–ҳаракатига кўчирилади.

Қаҳрамон атамасига эътиборни қаратсак, адабиётшунослик атамалари изоҳли луғатида бу сўзга шундай таъриф берилади: “ҚАҲРАМОН, адабий қаҳрамон 1) асар персонажлари тизимида етакчи мавқеъ тутиб, ғоявий–бадиий концепцияни шакллантириш ва ифодалашда муҳим роль ўйновчи шахс образи. Терминни бу маънода тушуниш эпик ёки драматик асар персонажларини даражалашни кўзда тутади: сюжет воқеалари қаҳрамон атрофида уюштирилиб, бошқа персонажлар у билан боғлиқ ҳолда асар воқелигига киритилади; улар қаҳрамон билан интегратив алоқада (ҳоким–тобе) бўлиб, унга нисбатан ёрдамчи функцияларни бажаради. Кўп чизиқли мураккаб сюжет курилишига эга йирик ҳажмли асарларда бир эмас, бир нечта қаҳрамон ҳаракатланиши ҳам мумкин. Бу ҳолда персонажлар системаси ўз ичида микросистемаларга ажралиб, уларнинг марказида қаҳрамонлардан бири туради”⁹⁵.

Дарҳақиқат, бадиий асар роман ва қисса ёки ҳикоя бўладими – ҳар бир асарнинг ўз қаҳрамони бор. Шундай экан, буларнинг намоён бўлиш кирраларини таснифлаб ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Бугуннинг насрини тушуниш ва истиқболини башорат қилиш учун бу жанрнинг нима учун, қачон ва қаерда пайдо бўлганини аниқлаш ҳамда унга хос етакчи белгиларни тайин этиш лозим бўлади. Бугунги кунда ўзбек насли ўз тараққиётининг полифоник босқичига етиб келди. Эндиликда, мавзунинг

⁹⁴ Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси: Филол. фан. доктори дисс ...авто.реф. –Т.:, 1993. – Б 39.

⁹⁵ Куронов Д ва бошк. Адабиётшунослик терминлари луғати.–Т.: Академнашр, 2010.–Б.277.

долзарблиги, воқеаларнинг қизиқарли ёхуд тилнинг ширали эканлиги асарни ўқишили қилгани ҳолда, унинг умрбоқийлигини таъминлай олмаслиги ижодкор ахлига яхши маълум бўлди. Шу боис замонавий ўзбек насли муаллифидан асардаги ҳар бир қаҳрамонини тушуниш ва акс эттиришнинг бирорнига мутлақо ўхшамайдиган концепциясига эга бўлиш талаб қилинади.

Бундай иқтидорга эга бўлиш учун адибдан катта бадиий маҳорат эгаси бўлиш билан бирга, унинг ўзига хос услуби асар бадииятини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Шу ўринда айтиш мумкинки, адабиётшуносликда ижодкор услуби ва бадиий маҳорати масаласини ўрганишга доир катта-кичик тадқиқотлар қилинган. Бироқ бадиий услуг ҳар бир ижодкорнинг бадиий ижодида янгиланиб турганидек, ҳар бир асарда ҳам ўзига хосликни намоён этади. Ёзувчи услуби ҳақида сўз юритишдан олдин услуг сўзининг этимологик изоҳига эътиборни қаратайлик. “Услуб” араб тилидан олинган бўлиб, “тартиб”, “йўсин”, “шакл”⁹⁶ деган маъноларни англатади.

Маълумки, ижодкор услуби, унинг дунёни англаши, инсон ва ҳаёт фалсафасини ўзига хос тарзда идрок этиши ва идрок этган ҳаётий ёки ҳаёлий воқеаларни бадиий бўёқларда ифодалашида кузатилади. Шунга кўра, услугнинг индивидуал жиҳатларини билдирувчи омиллар ижодкор асарлари таҳлили орқали ойдинлаштирилади. Одатда ижодкор қайси жанрда, қайси мавзуда, қандай воқеани тасвиrlамасин, унинг умумий ўзига хослиги бошқа адиблардан ажратиб туради.

Шу ўринда айтиш мумкинки, “Сир–синоатга тўла табиатда ақл бовар қилмас ажойиб ҳодисалар ва ҳайратомуз мўъжизалар рўй бериб туришини инкор этиб бўлмайди. Аммо, бадиий ижод жараёни ўзига хос, мураккаб руҳий бир олам. Унда ҳеч ким эртаклардаги сингари сеҳрли хум ё қалпоқча қудрати билан бир амаллаб шоир, ё ёзувчи бўлиб қолмайди. Чинакам ижод ҳамиша юксак бадиий тафаккур ва санъаткор қалбидаги дард ё қувончнинг

⁹⁶Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли. Тўртинчи жилд.–Т.: Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси, 2008. – Б.299.

ифодаси бўлиб майдонга келади... Абдулла Аҳмаднинг мазмунли ҳаёти ва ижод йўлига назар ташласак, ана шу азалий ҳақиқатига яна бир карра амин бўламиз”⁹⁷.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Абдулла Аҳмад “Ҳамият”, “Қирмизи атиргул”, “Ўлимга тик боққанлар” каби китоблари билан китобхонларга яхши таниш. Адибнинг, айниқса, “Фарёд”, “Олисдаги соялар”, “Алвидо, севгилим” қиссалари ўзига хос ифода усулига эгалиги билан диққатга сазовор.

Бинобарин, бугунги кунда бадиий адабиётда ифода усувлари ҳамда воқеликни тасвирлаш услубларида ҳам ўзига хос янгиланишлар рўй бермоқда. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услугуб муаммоси ҳақида сўз кетар экан, “...асарнинг шакл ва мазмунига доир барча узвлар икки нарсада тажассум топади. Булар: а) **муаллиф шахси;** б) **бадиий асар услубидан** иборат. Услубнинг умумий ва хусусий жиҳатларини билдирувчи, услубнинг шаклланиши ва такомилига хизмат қилувчи барча бошқа унсурлар шу икки тушунчада бирлашади. Мана шу икки тушунча синтезлашган нуқтада ҳақиқий санъат асари майдонга келади”⁹⁸, – деган фикрлари айни ҳақиқатлигини “Фарёд” қиссаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Қисса Шўро даври воқеалари, хусусан, Ўрта Осиё бойларининг ҳукumat томонидан таланиши, хўрланиши мавзусини ёритишга бағишлиланган. Қиссанинг бош қаҳрамони Олимбойвачча ва унинг оиласи мисолида тарих кўз ўнгимизда жонлантирилади. Китобхон асарни ўқир экан, мисли кўрилмаган адолатсизликларнинг яна бир карра шоҳиди бўлади. Асар Олимбойваччанинг Тошкентдан қайтиши ҳолатини тасвирлаш билан бошланади. Адіб маҳорати шундаки, қаҳрамон қиёфасида, унинг хатти-ҳаракатларида юртимиз бошига келаётган совуқ шамоллар ишонарли жонлантирилади: “Олимбойваччанинг авзойи бузук. Кеча Тошкентда бўлиб,

⁹⁷ Қосимов У. Ибратли ҳаёт ва машаққатли ижод сабоқлари // Абдулла Аҳмад. Ҳамият. –Т.: Yangi nashr, 2015. –Б.3.

⁹⁸ Холдаров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услугуб муаммоси. (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул қиссалари мисолида) Филол. фан.ном..дисс. авт. –Т., 2017.–Б.3–4.

бойлар билан гурунглашгач, рухи синди. Большавой деган очофат ҳамма бойларни, ҳатто ўртаҳол дәхқонларни талаётган эмиш. Унинг дастидан на ўрада ғалла, на қўрада қўй, на далада ҳосил қолаяпти. Бир умр пешона тери билан йиққан—терганингга қайсиdir нобакор эга чиқса, сочиб совурса, қандоқ чидайсан?”⁹⁹.

Шундай ўй—кечинмаларни хаёлидан ўтказаётган Олимбойваччанинг кўнглидаги ғашликни чорбоғдаги ғарқ пишган мевалар олма, нашвати—ю ўн етти хил ғарқ пишган узумзор ва ўрикзорларигина бир озгина бўлсин кўтарди. Ахир бу ўрикларни Ойсари энаси эккан.

Шу ўринда айтиш лозимки, “Услуб – ижодкор ҳаётни чуқур ўзлаштириши орқали тўплаган нозик ва қизиқарли кузатишларини синтезлаб ифодалаб беришдир. Унинг мукаммаллиги ва қанчалик қўламга эгалиги ижодкорнинг борлиқни англашдаги идрокига ва ифода услугига боғлиқ”¹⁰⁰, – экан, асарни ўқир эканмиз, адибнинг маҳоратли ижодкор эканига шоҳид бўламиз. Ёзувчи воқеалар ривожини икки линияда олиб борадики, бу ҳам асар охирига бориб ойдинлашади. Қисса воқеалари шиддат билан ривожланади. Олимбойваччанинг бобоси Юсуфбек Эрназарбой бобоси каби ер эгаси бўлиш билан бирга савдога аралашиб водийга қатнаган ва Асакага борганда дурадгор сандиқсоз билан қадрдонлашади, унга шогирд тушиб тўрт ой иш ўрганади. Сандиқсознинг якка—ю ягона қизи Ойсари ва акасидан қолган қиморбоз, ахлоқсиз жияни Талхатдан бошқа яқини йўқ эди. Шу сабабданми у Юсуфбекка меҳр қўйган, уни ўз ўғлидек яхши кўрарди. Тақдирнинг ўйинини қарангки, иккала ёш ҳам бир—бирига бефарқ эмасди. Лекин ҳаёт доим инсон истагандай бир текисда кетмайдики, бу ҳам асарда ўз бадиий ифодасини топган.

Олимбойваччанинг бошига оғир кунлар келди. Хотини Зийнатой уни шўро идорасига чақиришганини айтди. Шўро идораси бир пайтлар чилла

⁹⁹ Аҳмад Абдулла. Ҳамият. –Т.: Yangi nashr, 2015. –Б.6. (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади, бети қавс ичida кўрсатилади).

¹⁰⁰ Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. –Москва.: Писатель, 1975. –С. 9.

масжид деб аталган бинога жойлашган бўлиб, бу масжид Жиззахнинг машхур бойларидан бири томонидан қурилган бўлиб, у ерда дин уламолари намоз ўқишар ва китоб мутолаа қилишарди. Адиб масжид тасвирини асарда жудаям таъсирчан ифодаларда берганки, бу ҳам ижодкорнинг ўзига хос маҳорат эгаси эканлигидан далолат беради: “Масжид битта улкан ва бешта мўъжаз хоналардан иборат. Шу етти хона уч тарафлама айвонлар билан қуршаб олинган... Уч тарафлама айвонга қирқ битта маҳобатли устунлар ўрнатилган. Қирқ битта устунга ипдек ингичка, лекин жозибаси билан ақлни шоширадиган турфа нақшлар ўйилган. Ҳар бир устундаги нақшга етти хил рангда жило берилган. Устунларнинг тепасига етти қиррали гулбарак ўрнатилган. Уларга пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари битилган. Гулбаракнинг ложувард етти қиррасига еттита шамдон ўрнатилган. Ҳайит кунлари қирқ битта устундаги шамлар ёнуви, бир илоҳийлик, қалам бирла битгусиз улуғворлик ҳосил қиласди... Минг афсуски, аввалги кўркамлик ва улуғворликдан эндиликда ном–нишон қолмаган. Айвонлари тахталар билан ўралиб, шифтларига қофоз қоқилган. Ҳадислар битилган гул бараклар, шамдонлар олиб ташланган... Олимбойвачча манзарани кўриб, танг қолди. Ичидан бир нима узилгандай, ҳолсизланиб ўтириб қолди” (15–16 бет). Шўро идорасида уни ўриссифат бир татар қарши олди.

“–Нега рангинг ўчиб кетаяпти, сен ҳам боймисан нима бало?

–Унчалик эмас, озгина ер–сувим бор.

–Исминг?...

–Олим.

Шошма, ҳалиги элликта оти бор, жаранглаб очиладиган сандиги бор, Олим мен дегин?

–Ха, мен” (18–бет).

Асар воқеалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Ўн чоғлиқ қуролланган аскар билан Андрей Бойчев келиб, Олимбойвачча, хотини Зийнатойнинг қўлига кишан уриб, қизи Дилхуморнинг қўлини эса арқон билан боғлаб,

эллик пуд ғалласини, тахмонида турган сандигигача, уларнинг чирқиллашларига қарамасдан аравага жойлаши.

Юқорида айтганимиздек, воқеалар ривожи икки линияда давом этар экан, хафақонлик касаллигига чалинган Ойсарининг мўйсафид отаси қиморбоз жияни Талхатга ишонмай, Юсуфбек билан бирга Оқтулпорини арава қўшиб табибга жўнатишга мажбур бўлади. Йўлда уларга бўрилар ҳужум қилди. Юсуфбек жон–жаҳди билан охирги куч қолгунча курашиб, Ойсарини ҳимоя қилди. Юсуфбекдек инсоннинг невараси Олимбойвачча ҳам оиласини большевик аталмиш бўрилардан қутқариш учун чунон ҳаракат қилмасин, имконини топа олмайди. Уларнинг хўрлашларидан ҳушидан кетган аёлини кўриб, қўрқиб кетади. Бир кечада ўн йилга қариган, юзлари сўлиб, кўкариб кетган Зийнатой тонгда омонатини топширади.

Асарнинг энг кульминацион нуқтаси унинг жанозаси жараёнида яққол намоён бўлади. Аёлини дафн этишга ҳозирлик кўраётган Олимбойваччанинг елкасига қўндоқ билан уриб, қўлларини кишанлаб: “Сенларнинг дастингдан қирқ йиллик қадрдон хотинимдан айрилиб ўтирибман–ку. Ахир муштипаримни сўнгги манзилга элтай! Қиёмат қарзимни узай” (26–27 бет) деб зорланишларига қарамай, унинг богини талон–тарож қилишларини ўз кўзи билан кўриши учун олиб кетишади.

“–Буларни тезда саранжомлаб, –деди мева ҳосилига ишора қилганча мундирли каттакон, – ўрнига пахта экамиз. Шу пайтгача сенлар буни Русияга олтин баҳосида пулладиларинг. Энди эса ўзимиздан чиқади. Миллионлаб гектар пахта экиладиган ерлар, боғи эрамдай шовуллаган боғлар энди – бизники, яъни – русники”(27–28–бет).

Отасининг орқасидан борган ўғли Қобилжон, уни кўриб ҳуши бошидан учади. Бечора отаси қўли кишанланган, жазирама офтобда ётар эди. Қобулжон бу холни кўргач, отасини олиб кетмоқчи бўлади, лекин Андрей Бойчев терслик билан рухсат бермайди: “–Тирмизак, ҳаддингдан ошма, отанг бизга керак.

–Керак бўлса офтобда тоблаб, ўлдирмоқчимисан? Золим, абрах.

—Тилингни тий, ҳозир авахтага ташлайман!

—Қўрқитма, босқинчи, сенга ялинадиган манқурт йўқ!

—Бас қил, ит эмган. Ҳозир йигитларга айтаман, мажақлаб ташлашади. ..

Ҳозир бўғзингдан дарча очдираман!... Жаҳли чиққанидан ўзини тутолмай қолган Қобулжон Бойчевнинг қобирғасига кетма–кет пичоқ санчди” (32–бет).

Ахир, Қобулжон йўлда бўрилар билан якка ўзи олишган, отининг ўлимидан сўнг Ойсарини аравага ўтқазганча уни бир ўзи судраб келган Юсуфбекининг авлоди эди–да. Унинг ҳам дов юраги бор, лекин буни номард большевиклар тушунарми, ё қадрига етармиди?

Андрей Бойчевнинг ўлимидан кейин унинг ўғлини қамоқقا олиб ўзларича суд қилган Шўро ҳукумати вакиллари унинг учун ўлимни, лекин қандай ўлим, осон эмас, шафқатсиз ўлимни раво кўриши.

“—Гап шу–, деди Афанасьев кистасидан “Казбек” олиб тутатиб, – Қобулни осиб ўлдирамиз. Буйрук бераман. Очиқ майдонга баланд дор қуришади... Бу ерлик қора халқ рус зобити билан, совет ҳукуматининг Туркистондаги вакили билан “ҳазиллашиб нималарга олиб келишини яхши билиб қўйиши керак” (40–бет).

Асарда бир ўзбек оиласи бошига Шўро ҳукумати томонидан ёғилган балолар Олимбойвачча оиласи мисолида ёритиб берилади. Аёли Зийнатойни улар томонидан ўтказилган тазиикларга чидолмай юрак хуружига учраб ўлиши, қизи Дилхуморнинг хасталаниб қолиши, ўзларини кимсасиз чўлга сургун қилишлари етмагандай, ўғли Қобулжоннинг дорга тортилиши, буларнинг барчаси Олимбойваччани йиқитди, тўшакка михлаб қўйди.

Маълумки, асарда образлилик асар оҳанги, воқелик йўналиши, қаҳрамонлар руҳияти тасвирида ёзувчи услуби алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, “Санъаткор доимо минглаб сўзлар ичидан энг керагини танлайди, заргарона танланган ана шу сўзлар қаҳрамон ва шароитнинг мазмuni (ғояси), ҳолати билан чамбарчас боғланиши, у аниқ

эстетик мақсад (мазмун)ни воқеъ қилиши шарт”¹⁰¹. Бундан кўриниб турибдики, ҳар қандай сўз бадиий асарда ўз “юки”га эга бўлиши керак. Худди шу нарса Олимбойваччанинг тушида Юсуфбек сўзлари ва оқ отида суворий бўлиши орқали намоён бўлади: “Чорбоғни кезиб юрибди. Атроф ҳувиллаган. Кундалар, ёндирилган шох–шаббадалар. Кечаги эрамий боғ мозористонни эслатарди. Ногаҳон бобоси Юсуфбек пайдо бўлди. У оқ отида. Чехраси ташвишли. Кўзлари ғазабнок: “Мен яратган боғ қани? Қани гулзорлар?!?” – дермиш аламзада товушда. “Ҳаммаси наҳот тугади? Нечун бу қора юраклар даф бўлмас?! Йўқ! Йўқ! Йў–қ!!!, –арслондай ўкирибди бобоси. –Босқиннинг умри қисқа. Иншоолло, кунпаякун бўлгай!” Бобоси шу гапларни айтиб, қамчинни бостирди. Учкур бедов уфқ томон шамолдай елиб кетди” (44–45 бет). Моҳирона яратилган бу тасвир қиссанинг умумий мазмунига ҳаётй бир оптимистик рух бағишлайди.

Ўзбек халқига хос мардлик, соддалик, поклик, ростгўйлик каби хислатлар Қобулжон образида ўз ифодасини топган бўлса, орият, миллий ғуур туйғулари Юсуфбек ва Олимбойвачча тимсоллари мисолида чуқур психологик контрастда талқин этилган. Демак, ҳар бир ёзувчининг услубий ўзига хослиги шаклланиши натижасида бадиий асар мукаммаллашади, ғоявий–эстетик ва композицион жиҳатдан ҳам етуклика эришилади. Катта ҳаётй ва ижодий тажрибага эга бўлган истеъододли адаб Абдулла Аҳмаднинг ушбу қиссаси чуқур миллий рух билан йўғрилган тили ва услуби ҳам шакл ва мазмун мутаносиблигини таъминлаганлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Жиззах адабий муҳитининг яна бир ёрқин вакили адаба, ёзувчилар ўюшмаси аъзоси Шаҳло Ахророванинг ҳам воқеликни тасвирлашда ўзига хос йўли ва ижодий манераси борлигини кўришимиз мумкин. Унинг “Дилбар” ва “Дала ҳовлидаги қотиллик” қиссалари фикримизнинг далили бўла олади.

Маълумки, бадиий ижодда ёзувчининг ҳаётни образли ўзлаштириши, унинг оригинал бадиий манзарасини яратишда, ижодий, ўзига хослиги, ҳаётй факт ва ҳодисаларга ва инсоний муносабатларга янгича ёндошиб,

¹⁰¹ Ҳ.Умурев. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: Шарқ, 2004.–Б.149

образли талқин эта олиш маҳорати ва адабиёт оламида ўз овози, ўз услубини яратса олиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки бадиий ижод, буюк Навоий айтганларидек, ҳар бир муаллифдан ижодий новаторликни, “тархи тоза” асар яратишни тақозо этади”¹⁰². Дарҳақиқат, адабанинг “Дала ҳовлидаги қотиллик” қиссасининг номланишиёқ китобхонни қизиқтириб қўяди ва кишини асар воқеалари томон етаклаб боради. Ундаги воқеалар ҳаётийлиги, ишонарлиги билан бирга жамиятдаги кишиларни жиноятга етакловчи омиллар билан ҳам таништириб боради, унинг сабабларини ойдинлаштириб беради.

Ёзувчи асарининг бетакрорлигини, бадииятини таъминлаган асосий омил адиб маҳоратининг ўзига хослиги, бир сўз билан айтганда ижодкор услубидир. Зеро адиб маҳорати унинг қаҳрамон яратишдаги ўзига хослигига яққол намоён бўлади. Бинобарин, “Ҳақиқий ёзувчи, у буни истайдими – йўқми, ўзи тасвирлаган қаҳрамонлар орқали муайян дунёқарашиб вакили, индивидуал ижодкор сифатида истеъдоди нечоғли ёрқин ва ўзига хос бўлса, ўзини ўраб турган воқеъликни қанчалик чуқур ифодалай олса, асарларида унинг пафоси шунчалик кучли намоён бўлади”¹⁰³.

Шаҳло Ахророванинг детектив жанрда ёзилган ушбу асари ҳаётнинг қора, чиркин жиҳатларини тасвирлашга қаратилган. Бунда инсон табиатидаги ёвузлик, жиноятга мойиллик ўзига хос услубда ёритилган. Қиссанинг детектив жанрда ёзилганини эътиборга олиб, шу йўналишга доир назарий қарашларни эсга олиб ўтиш лозим бўлади.

“Детектив инглизча detective, лот. detectio – очиш, фош қилиш, аниқлаш маъноларида қўлланади. Жосуслар, яширин айғоқчилар, изқуварлар ҳаёти саргузаштлари, мураккаб жиноятларнинг очилиши ҳақида ҳикоя қилувчи (бадиий асар ёки фильм)¹⁰⁴ жанр. Одатда бундай ҳодисанинг асл сабаби қонунбузарлик билан адолат ўртасидаги курашдан иборат бўлади ва

¹⁰² Алишер Навоий. Хамса. –Т., 1960.– Б 164

¹⁰³ Антонов С. Письма о рассказе. –М.: Сов. Писатель, 1964. С.32.

¹⁰⁴Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Биринчи жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б .601.

ҳақиқатнинг тантанаси билан якун топади”¹⁰⁵. Айниқса, Европа адабиётида кўп учрайдиган детектив асарларда бирон–бир фавқулодда жумбоқли ҳодисанинг тадқиқ қилиниш жараёнлари, унда содир бўладиган ҳолат ва вазиятлар, изланиш ва ечимлар тасвир этилади. Детектив асарнинг марказий қаҳрамонлари ҳисобланадиган жиноятчи ва жабрланувчи ҳаётига доир яқин тарих муаллиф нуқтаи назаридан қайта тикланади.

Юқоридаги жиҳатларга асосланган ҳолда, айтиш мумкинки, “Дала ҳовлидаги қотиллик” қиссаси замонавий изчил реалистик детектив мавзуга яқин услубда ёзилган. Қиссага киритилган ҳар бир образ, портрет, деталь, тасвир, воқеалик қисмлари бир–бирига узвий яхлитликда олиб борилади.

Детектив асарлардаги услубий ўзига хослик фақат бадиий асар тилига, адиб томонидан қўлланилган ибора ёки ҳикматли сўзларгагина дахлдор эмас, бундай асарнинг сюжети ва композицион қурилиши ҳам услубий жиҳатдан кутилмаган ҳодисаларнинг уюштирилиши билан ажralиб туради.

“Маълумки, санъаткор тўғридан–тўғри ҳаётдан нусха кўчирмайди, балки унга ҳақиқатан ўхшаш қилиб, янги бир дунё яратади, кашф этади. Бошқача айтганда, ҳаётий ҳақиқатдан бадиий ҳақиқат яратади; ҳаётий факт ва ҳодисаларни ўзининг руҳий лабораториясида “қайнатиши”, ишлаши, синтезлаштириши, яъни тасаввури, хаёли, орзузи, тажрибаси, қалби, табиати, дунёқарashi билан бойитган ва муайян ғояга хизмат қилувчи характерли ва зарурий деталларни, факт ва ҳодисаларни танлаган ҳолда тугаллик қасб этган (образли) бадиий ҳаётни яратиши зарур; яратганда ҳам бу ҳаёт китобхон кўз ўнгida жонли ва реал, ишончли ва гўзал, таъсирчан ва яхлит бўлиб гавдаланиши шарт”¹⁰⁶. “Дала ҳовлидаги қотиллик” қиссаси ишонарсиз чиққан тасвирлар, мантикий боғланишларнинг сохталиги сезилиб турса–да, асардаги қаҳрамонлар тақдири китобхонни ўзига жалб қиласди.

¹⁰⁵ Detective. <http://m.wikipedia.org/wiki>.

¹⁰⁶ Умиров X. Бадиий ижод асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б.13.

Дарҳақиқат, ҳаётий қамров ҳамда бадиий тўқима бир–бирига нисбатан дахлсиз ривожланадиган тушунчалар, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ва рақобати услуб тизимини барқарорлаштиради. Айнан, систем яхлитлик ҳаётий тажриба ҳамда ижодкор фантазияси синтезининг бир–бирига туташ уви самараси ўларок, адабий маҳоратни қўпроқ намоён этади. Шу жиҳатлари билан бадиий чамбарчаслик қонунийлиги ифода тифизлиги ҳамда тасвир руҳиятини янада чукурлаштиради.

Қисса қаҳрамони Мұҳаббат табиатида йигитларга хос чапанилик, қув, шаддод феъл бўлишига қарамай тақдир қарисида ожиз қолади. Уни гўзаллигига ҳар қанча шайдо бўлмасин, йигитлар уни яқинига кела олмас, унга ҳатто гапиришга ҳам ҳайкиб юрган бир вақтда, сурбет Воҳиднинг қўлида бир кун келиб, ўйинчоқ бўлиши уни етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Адаб қиссада тасвирнинг ихчам усули, яъни жумбоқли тасвирлаш йўлидан боради.

“Манфур ва маккор... палид”¹⁰⁷ Воҳид тажовузига учраган қизнинг қалбида ўзга йигитга нисбатан пок муҳаббати мавжуд эди. Кўнглидаги инжа туйғулари саробга айланган, муҳаббатини юрагида сир сақлашга мажбур бўлган Мұҳаббат бир кунда ўз ҳаётини издан чиқарган йигитнинг қотилига айланади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, ҳар бир ёзувчининг дунёни ижодий ўзлаштириш давомида ортирган хиссиётлари тажрибаси, оламни ўзига хос кўриш, идрок этиш, тушуниш ва тушунтириш йўли бўлади. Адабнинг маҳорати, тасвирлаш санъати, ровийлик даражаси каби белгилар бадиийлик мезони сифатида намоён бўлади. Қиссада Воҳид томонидан зўрлик билан номуси топталган Мұҳаббат ноилож, ўзи истамаган, нафратланган, одам қиёфасидаги манфур кимсадан фарзанд кўришга мажбур бўлади. Тўғри, Воҳид унга совчи юборади, лекин юрагида тугён урган илк, соғ муҳаббатидан айрилишга сабаб бўлган ҳайвоний ҳирс эгаси Воҳидга

¹⁰⁷ Аҳоррова Ш. Дала ҳовлидаги қотилилик. –Т.: Noshirlik yog‘dusi, 2017. –Б.7. (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади ва бети қавс ичидаги кўрсатилади).

нисбатан Мұхаббатда нафрат ва ғазабдан ўзга түйғу йўқ эди. Шу сабабдан бўлса керакки, у эндиғина дунё юзини кўрган “сен жудаям ширинтойсан” (3–бет) деб эркалаган боласидан ҳам воз кечишга мажбур бўлади. Шундай азобли онларни бошдан кечираётган, бор орзу–умидларидан мосуво бўлган Мұхаббатнинг бундан кейинги ҳолати қиссада кескин бурилиш ясайди.

Қиссада ёзувчи фантастик элемент¹⁰⁸дан фойдаланиб, ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларга эришган. Қисса сюжети асосида ҳаётий воқеа ётади. Лекин унинг сабаб ва оқибатларидағи фантастик ва детектив талқинлар асардаги реалистик мазмунга сингиб кетади, унга романтик рух, фавқулодда таъсиранлик бағишилайди.

Барчамизга аёнки, қисса детектив воқеа, ҳар доим драматик тўқнашувни ўз ичига олади ва бунда ҳаётнинг драматик вазиятларига эътибор қаратилади. Шундай тўқнашувларидан бири, тақдир қаршисида ожиз қолган Мұхаббат ва Воҳид ўртасида бўлиб ўтади:

—Ие! Янгилик! — Воҳиднинг истехзо билан илжайган башарасида (Мұхаббат учун юз эмас эди у) қиз унинг манфур ва маккор қиёфасини жонлантириди ўзи учун. Аслида ҳам шундай эди. —Анчадан бери кўринмай кўювдинг? — Воҳид масхаромуз кулди. — Корнинг кичрайиб қолдими? Болангни қайси отасига бериб келдинг? — Бу ҳақиқатан ҳам манфур инсоннинг саволи эди.

—Менга сен ифлосдан бошқа ҳеч ким тегинмаганини яхши биласан!...

—Хўш, яна нима деб бўйнимга осилмоқчисан? Айтгандим–ку, мен сендан ҳам, йигитингдан ҳам аламимни олдим деб... Бу ойимча эса юборган совчиларимни ҳайдаб солибдилар. Энди уйланмайман! Агар шуни сўраб келган бўлсанг овора бўлма!” (7–бет).

Қиссада Воҳиднинг маънавий қашшоқлиги шу тарзда очила боради. Дарҳақиқат, ҳар бир ёзувчининг ўз истеъдоди ва иқтидори, ўз дунёқарashi ва воқеълик баёнида индивидуал тасвир тамойиллари бўлади. Воқеълик бадиий

¹⁰⁸ Иброҳимова Р. Ўзбек фантастикасидаги услубий изланишлар. Ўзбек адабиётida жанрлар типологияси ва услублар ранг-барапглиги. –Т.: Фан, 1983. – Б. 204.

талқинидаги ўзига хос тамойилларига эътибор қаратар экан, маънавий–ахлоқий талқин муҳокамаси гоҳ муаллиф нутқи, баъзан асар персонажлари нутқи воситасида баён этилади.

Юқоридаги диалогда ҳам муаллиф нутқи: “Муҳаббат учун юз эмас эди у... Аслида ҳам шундай эди...–Бу ҳақиқатан ҳам манфур инсоннинг саволи эди” каби жумлаларда ифода этилса, қолганлари эса асар қаҳрамонлари нутқида намоён бўлади.

Демак, ҳар қандай бадиий асар воқеъликнинг бадиий талқини бўлиб қолмасдан ҳаётнинг ўзига хос фалсафий қонуниятларини акс эттирувчи залворли фикрларни ҳам ўртага ташлаши билан муваффақият қозонади. Қиссада, бу Муҳаббатнинг:

–Қаноти қайрилган жойга қуш ҳам қайтиб бормайди. Мен икки дунёдаям сендай палиднинг хотини бўлмайман!” (7–бет), ёки қисса охирроғида Расулнинг Мехрожга айтган: “Ит теккан билан дарё ҳаром бўлмайди” (57–бет) каби сўзларида ўз ифодасини топган. Келтирилган бу парчадан Муҳаббат ўзининг ор–номус, қадри учун курашгани ва бу йўлда кўп мاشаққатлар, азоблар тортгани, Мехрожнинг эса қандай яшаш кераклигини англаб етгани маълум бўлади.

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш лозимки, детектив асар моҳияти қотиллик содир этилиши ва қотилнинг қўлга олинишидагина намоён бўлмайди. Уларда, шубҳасиз, инсонпарварлик ғоялари, инсоннинг шахсий муаммолари, рухиятида юз берадиган ўзгаришларни, ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги кураш, жиноятчининг кўнглида рўй берадиган маънавий, психологик ҳолатлар ҳам акс этади.

Қисса воқеалари тадрижида реалистик тасвирнинг табиийлик, ҳаққонийлик, макон ва замон аниқлиги, талқиннинг ишончлилиги каби тамойиллари етакчилик қиласи, детектив мотив эса сюжетнинг ечим қисмида кўшилади. Шу боис, сюжет қатламларида тасвир ва ифоданинг қуйидаги йўналишлари юзага келади. 1) реалистик, ҳаётӣ, оддий воқеаларнинг

қамровли баёни; 2) детектив воқеаларни ҳаракатлантирувчи “сир” ва ўлимга алоқадор фожеа сабабининг ойдинлашуви.

Қисса қахрамони Мұхаббат ҳам қотил, ҳам жабрланувчи. Чунки уларнинг иккинчи тўқнашуви Мұхаббатнинг Воҳидга пичоқ уриши ва ўз айбига иқрор бўлиши билан яқунланди. Ҳаётиниadolat мезонлари асосига курган Мұхаббат ўзига нисбатан қилинган тубанликка бошқача жавоб беради мумкинми? Унинг психологик ҳолатидан келиб чиқсан, йўқ албатта.

Қисса воқеаларига қайтадиган бўлсан, Мұхаббатдаги журъатни таҳсил оладиган институт ўқитувчиларидан бири устидан прокуратура ноҳақ текширув олиб борганда ҳам ўқитувчисини қўрқмай, катта ишонч ва қатъийят билан ҳимоя қилиши жараёнида кўришимиз мумкин:

—Кимингиз бўлади бу ўқитувчи? —деб сўраганди йигит.

—Кимим? Қариндошингми, демоқчимисиз? Мен ундан қарздорман. Нима учун қарздорлигимни айтами? У менга илм берган. Илмни кўчада дуч келган одам беравермайди. Ўз фанининг фидойиси у. У менинг устозим бўлади! Устоз ҳар қандай қариндошдан ҳам азизроқ эканини билмайсизми?” (9–бет).

Шундай фаросат ва теран ақл соҳибаси Мұхаббат ижтимоий ҳаётдагиadolatsizlik, жиноятчилик, ахлоқсизлик каби салбий ҳодисаларга бефарқ қараб тура олмайди. Маълумки, детектив жанр композицияси кутилмаган воқеъликлар баёнини ўз ичига олган сюжет, қотиллик қилмишларининг изчил тартибдаги қурилиши воситасида қизиқарли тус олади. Қисса давомида Мехрож ва Барно муносабатида, Мұхаббат ва Расул аянчли қисматлари такрорланиши фикримиз исботидир.

Маълумки, ёзувчи инсон ҳақидаги дастлабки тасаввурни тасдиқлаш ёки рад этиш учун уни объект даражасига қўтаради. “Бунда у уч нарсага – ҳаёлдаги инсон – идеали, ўз ички дунёси ва ижтимоий гуруҳ ҳақидаги ўз тасаввурига таянади. Қаршисидаги одамни шу уч унсур билан муқояса қилиш орқали тасаввур ҳосил қиласида. Кўпинча тасаввур ҳосил бўлишида илк таассурот (идеал билан муқоясанинг ҳосиласи сифатида юзага келган

симпатия ёхуд антипатия) асос вазифасини ўтайди”¹⁰⁹. Тасвир объекти билан таассурот кўлами орасидаги боғлам адаб услуби индивидуаллигини белгилайди. Адиба асарда қўп персонажларни Мұҳаббат, Воҳид, Расул, Носир, Маъруф, Сарвар, Бакир, Мунира, Санобар, Барноларни таърифлаб ўтирумайди. Балки уларни оиласвий мухитда, ҳаракатда кўрсатади ва бунда биринчи галда уларнинг образига ижтимоий қиёфасидаги кемтикликларга ишора қиласди. Асар қаҳрамонларининг характеристига хос чизгиларни беришга ҳаракат қиласди.

Гап шундаки, ҳар бир қаҳрамон тўлиқ эстетик юк ташувчиси бўлмасада, инсон характеристининг баъзи қирраларини алоқалантиради. Шу нуқтаи назардан, қамоқдан чиққан Носир табиатига назар ташлайлик. Муаллиф қаҳрамон шахсиятининг ҳар бир қиррасини мантиқий ургулаш воситасида характеристининг жонли қиёфасини ҳосил қиласди. Масалан, асарда ҳикоя қилинишича, далаҳовлида ташкил этилган Барнонинг туғилган кунида Носир ўлдирилади. Гумондорлар қўп, ҳеч ким воқеа гувоҳи бўлмаган. Севиклиси туғилган кунига, ташриф буюрган ички ишлар ходими Мехрож қотилликни ўрганишга киришади.

Одатда, детектив воқеа ҳар доим драматик тўқнашувни ўз ичига олади ва бунда ҳаётнинг драматик вазиятларига кўпроқ эътибор қаратилади. Воқеа детектив қаҳрамони ва турли саволларга, яъни ким ўлдириди? Қандай қилиб? Нима учун? каби саволларга жавоб қидирадиган китобхон ўртасида диалог шаклида ҳикоя қилинади. Қиссада ҳам худди шундай бўлади:

–Қотиллик? Ким?

–Носирни ўлдиришган.

Маъруф анграйиб қолди. У ўзига тикилиб қолган меҳмонларга елка қисди:

–Нима, мендан гумонсираяпсизларми?

–Одатда, қотил аниқлангунча, ҳаммадан гумонсирилади.

Айтмоқчиманки, фақат сиздан эмас. –деди Мехрож (28–бет).

¹⁰⁹ Куронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. –Т.: Шарқ. –Б. 163

Шундан сўнг Мехрож ва гумондорлар ўртасида қотиллиқ хусусида савол–жавоблар бўлиб ўтди. Гумондорлар билан ўтган сұхбатда Носирнинг чиркин қиёфаси янада ёрқинроқ очилиб борди. Кечага ташриф буюрган Носирнинг дўсти Маъруф, Сарвар, Бакир, Мунира, Носирнинг ажralиб кетган, лекин унинг зуғуми остида кечага келган собиқ хотини Санобар, ўгай онаси ва ўгай синглиси Барно – барчалари кўрган билганларини айтиб беришади. Лекин энг ёмони, Носирнинг барча ёмон, разил ишларининг даҳшатлиси сўроқлар натижасида очилади ва бу Мехрожнинг юрагини ларзага солади.

Чунки, Мехрожни самимий туйғу муҳаббат ила севган Барно ҳам куни келиб, худди Мехрожнинг онаси Муҳаббат каби номуси топталганлиги маълум бўлади. Лекин минг афсуски, бу манфур кимса, бегона эмас, балки унинг ўғирлик туфайли қамалиб, яқинда қамоқдан чиқсан ўгай акаси Носир эди. Кўриниб турибдик, қиссада ёшлар ўртасида маънавий айниш, тубанликка юз тутиш каби ҳолатлар ҳам қаламга олинган. Юқорида таъкидланганидек, детектив жанр талабига кўра драматик ҳолатларга асосий эътибор кучайтирилади. “Бироз ўтиб, эшик қўнғироғи жиринглади. Барно эшикни очиб, орқага тисарилди. Остонада маст ҳолда Носир турарди...

–Нима қиляпсиз? Қўйворинг! Қўйвор деяпман! Ҳозир дод соламан! Аяжон! Ёрдам беринг! –Барно жон ҳолатда дод сола бошлади. У қўрқув ва ўзига тушган кучли зарбадан ҳушидан кетди... Барно ўзига келганда, Носир рўпарада сигарет тутатиб ўтиради. Барнонинг қўзғалганини кўриб, қўлидаги сочиқни унинг устига улоқтириди.

–Ифлос! Мараз! Нима қилиб қўйдинг! –Барно алам билан йиғлаганча, тиззаларини муштлай бошлади. –Энди нима бўлади? Шарманда бўлдим! Шарманда!

–Бас қил! Ҳеч нарса бўлмайди! Эсингда бўлсин, ҳеч кимга оғиз оча кўрма! Айниқса, онангта! Бўлмаса иккаланг ҳам ўлдим деявер. Тушундинг–а? –Носир унинг бошига келиб, энгагидан кўтариб, ўзига қаратди. –Агар ҳеч кимга оғиз очмасанг, ўзим қиз бола қилиб узатвораман сени. Аммо лом–мим

десанг, – Носир иккинчи қўлини қизнинг бўғзига тортди. –Мени биласан–а” (49–бет).

Шу ўринда, алоҳида эътироф этиш керакки, асарда “тимсолларнинг пухта ишланганлиги, персонажларнинг ҳар бири индивидуал тилга эга қилиб тасвиранганлиги билан диққатга лойикдир”¹¹⁰.

Табиийки, бунда ёзувчи ўзи ифодалаётган воқеликнинг қайсиdir бир киррасини сир сақлаши маҳорат сифатида баҳоланишига лойик экан, қиссада ҳам мана шундай сирлиликдан ёзувчи бир неча ўринда маҳорат билан фойдаланган.

Хусусан, Мехрож Мұхаббатнинг ўғли эканлигини устози Расул қисса сўнггида билиши, Носир билан дўсти Маъруф ўртасидаги келишмовчилик, Носир билан собиқ хотини Санобар ўртасидаги нафратнинг боши зўрлик эканлиги, фожиа содир бўлганидан, яъни Носир вафотидан сўнг очилиши бунга яққол далилдир. Шунга мувофиқ, уларнинг қайси тоифадаги қаҳрамонлар бўлишидан қатъий назар, хусусан, детектив насрда ўз табиатига кўра, ижтимоий адолат, инсон эрки учун курашаётган сиймолар тарзида майдонга чиқишини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Дала ҳовлидаги қотиллик” детектив қиссаси тарбиявий, адабий–эстетик, ҳам ахлоқий муаммоларни талқин этиши билан бирга бошқа йўналишдаги бадиий адабиёт намуналаридан қолишмайди.

Юқоридаги таҳлил ва кузатишларлардан аён бўладики, бугунги қиссаларда инсоннинг руҳиятини тадқиқ қилиш устуворлик қиласи. Чунки бу қиссаларнинг қаҳрамонлари ҳаёт ташвишларидан қийналган, одамлараро муносабатлар чигаллигидан азобланган кишилар сирасига киради. Қаҳрамонлар руҳий оламидаги кучли пўртаналар, ўлчовсиз изтироблар, жўнгина оилавий муносабатлар, турмуш ташвишлари асосида ёритилади.

¹¹⁰ Йўлдош Қ. Сўз ёлқини. –Т.: F.Фулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2008. –Б.44.

Шаҳло Аҳророванинг “Дилбар” қиссаси ҳам шундай қиссалар сирасига киради.

Оиладаги эркак ва аёлнинг руҳий ғалаёнларни уларнинг ўзаро муносабатларидағи туб ўзгаришлар туфайли юзага келган бутун нозиклик ва чигалликлари билан қаламга олаётган Шаҳло Аҳророванинг “Дилбар” қиссасида ҳам аёл ва эркакнинг қалб кечинмалари янгича йўсинда ифода этилаётганини кўриш мумкин. Ҳаётнинг шафқатсиз зарбалари, унинг натижасидаги иложсиз ҳолатларини турли ҳаётий лавҳалар воситасида акс эттираётган адебанинг бу қиссасида асосий эътибор оила ҳаётининг серқирра ташвишларини бутун чигаллиги билан қўрсатишга йўналтирилган. Шундай вазиятлар асосида яратилган “Дилбар” қиссасида инсоннинг унсиз, қайгули нидоси ифода қилинган, яширинган. Бир сўз билан айтганда, қисса қаҳрамонлари барча фаолиятлари: туйғулари, ҳиссиётлари, ўй–фикрлари, орзу–умидлари, янгиланишлари, хатти–харакатлари ўта табиий, жонли, ҳаётийдир. Шу боис ҳам бу қисса ғоят таъсирчан бўлиб, ўқувчилар қалбига тез етиб боради. Бу қисса билан танишган ўқувчи Дилбар ва Алишер, Илҳом, Махфузा каби маҳзун қаҳрамонларни ўзи билан бирга нафас олаётгандек, уларни яқиндан тужди.

Адебанинг “Дилбар” қиссасида тақдирнинг ғаройиб тўқнашувларини синчковлик билан қузатаётган муаллиф–ҳикоячининг ўй–кечинмалари талқин этилади. Унда тасвирланган воқеалар шу куннинг турфа ҳангомалари, турмушнинг ҳаммага ноаён синовлари ҳақида баён қилинади. “Дилбар” қиссасида аёл дарди, кечинмалари, унинг ботиний олами маҳорат билан қўрсатилади. Асар бош қаҳрамони Дилбар касалманд, лекин юраги Илҳомга нисбатан пок муҳаббат билан тўлиқ. Аммо ҳаёт синовлари ва тақдирнинг аччиқ зарбаси уни йиқитди. Асарда ўғлининг соғ муҳаббатига қарши чиққан она характеристи, Дилбарнинг касалмандлигини рўкач қилган онасига осонгина ишонган Илҳомнинг ўз муҳаббати учун курашолмай ўзга қизга уйланиши, Дилбарнинг касалхонага тушиб қолишига сабаб бўлган йигит вақт ўтиб,

ўзгага турмушга чиқсан севгилисими қўмсаб, изтироб чекиб яшashi қиссада жуда таъсиран тасвиirlанган.

Тасодифни қарангки, касалхонада унга қараган врач Алишер ҳам шу “дард” билан жароҳатланган. Ҳарбий хизматга кетган вақтида хаёлини бир умрга ўғирлаган Махфузга ота—онасининг қистови билан турмушга чиқиб кетган. Айни чоғда, унинг бугунги кундаги bemori Дилбар унга бевафо севгилиси Махфузани бир кўргандаёқ эсга солади. Шу боисданми ёки врачлик масъулиятими яшашни истамаётган “Касаллигим учун менга уйланиб бўлмайдими?!” (114—бет) – деб жовдираб турган руҳан тушкунликка тушган қизга баҳт ато этишни ўйлади ва бу йўлда у жуда кўп тўсиқларни босиб ўтди.

Бизга маълумки, бундай воқеалар инсон маънавияти ва руҳий оламига ҳам таъсир кўрсатади. Қиссада чигал ва нохуш воқеалар жуда ишонарли тасвиirlанган. Тақдирнинг тақозосини қарангки, Дилбарнинг Илҳоми Алишернинг энг яқин дўсти Олимнинг синглисига уйланади, Махфузга бўлса, Дилбарнинг холасини қизи бўлиб чиқади. Дилбарнинг руҳиятида пайдо бўлган портлаш аслида турмушнинг адоксиз, азобли синовлари туфайли рўй беради.

Барчага маълумки, инсон ички олами ҳамиша ҳам ташқи олам билан бир хил нисбатда бўлавермайди. Инсон кўнглида кечаётган ҳиссиётлар, орзу—мақсадлар, интилишлар атрофидаги муҳитга камдан кам ҳолатларда тўғри келади. Демак, инсон руҳиятидаги тадрижий давомийлик ана шу ташқи муҳит зиддиятлари воситасида шаклланади. Унинг руҳий тушкунлиги ҳам, руҳий қувончи ҳам қўпинча жамият, муҳит шароитида юзага келади. Баъзида инсоннинг ўзи ўз—ўзининг руҳий оламини тушунишга ожизлик қиласида. Дилбар, Илҳом, Алишер ҳам қиссада худди шундай руҳий ҳолатни бошдан ўтказишади. Алал—оқибат тўғри йўлни танлаб, ўзларининг ҳаётларини изга тушишига эришишади.

Умуман олганда, Шаҳло Аҳророванинг “Дилбар” қиссасида инсон руҳий дунёсининг бутун мураккабликлари реал тасвиirlаб берилган. Шунингдек,

қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, туйғулари, ҳислари орқали инсон қиёфасининг тўла намоён бўлишини ҳаққоний тасвирлаш ижодкорнинг бадиий маҳоратини белгилаб беради. Назаримизда, аёл ва эркак руҳиятидаги бундай руҳий жараённинг тасвирланиши ижодкорнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафасини, дунёқарашини белгилаб беради. Инсоннинг бир-бирини тақрорламас чигал тақдири, унинг ранг-баранг руҳий дунёси, ҳар бир шахснинг яшаш тарзи ва орзу истакларини ишонарли тасвирларда бериши ва китобхонни ҳаяжонлантира олиши асарнинг қимматини белгилайди.

Ишимизда таҳлилга тортилган қиссалар тўғрисида шундай хулоса чиқариш мумкинки, Абдулла Аҳмаднинг “Фарёд” қиссасида ижтимоий, мафкуравий конфликтлар тасвири қаламга олинган бўлса, Шаҳло Ахророванинг “Дала ҳовлидаги қотиллик” ва “Дилбар” қиссаларида руҳий психологик жараён ҳамда ички зиддиятлар, инсон қисмати, лиризм ва драматизм уйғунлиги бадиий талқин этилади.

Учинчи боб бўйича хулоса:

1. Туроб Мақсаднинг “Қайтмас тўлқинлар” романи ўзбек миллатининг миллийлик ва умуминсонийлик жиҳатларини кўрсатиши билан қимматлидир. Буни биз биргина бош қаҳрамоннинг онасини чиллаки токни кеч кузгача Абдураҳмон тоғаси ёки Московдан юрган ўғли учун асраб авайлаб сақлашию, палов қиласидими, суюқ оши қиласидими қозонда озгина қисмини қолдириб “ғойибнинг ҳақи” деб олиб қўйиш, совчи кутиш ва Уста бобонинг ҳалоллик ҳақида айтган ҳикоятида ҳам кўришимиз мумкин. Бу соф ўзбекона миллийлик, умуминсоний қадриятлар ифодасидир. Асарда бу каби ҳолатлар бир неча ўринда, воқеалар баёнида, хусусан ҳашар, Сайд ака билан Тўти опанинг орасидаги муаммолар ҳал қилиниши жараёнида, яъни ҳалалада ҳам яққол намоён бўлган.

2. Фоний дунёнинг омонат, таги пуч ғояларига алданган шахс умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабариқ тарзда кўрсатиб бера олган Мехрибон Абдураҳмонованинг “Гулзор қишлоғининг гулдураклари” қиссасида ҳам миллий ва умуминсоний қадриятлар тасвири маромига етиб тасвирланган.

Мехрибон Абдураҳмонованинг бадиий услубига хос яна бир жиҳат шундаки, адиба сохта образлар, персонажларни ғояга мослаштириб тасвирламайди. Адиба қаҳрамонларининг ҳаётий бўлишини, ўз йўли ва тутумига эга бўлишини истайди. Қиссадаги Мусажон табиий ҳолда тасвирланиши фикримиз исботидир.

3. Абдулла Аҳмаднинг “Фарёд” қиссаси Шўро даври воқеалари, хусусан, Ўрта Осий бойларининг хукумат томонидан таланиши, хўрланиши мавзусини ёритишга бағищланган. Ўзбек халқига хос мардлик, соддалик, поклик, ростгўйлик каби хислатлар Қобулжон образида ўз ифодасини топган бўлса, орият, миллий ғуур, чуқур психологик контрастда Юсуфбек ва Олимбойвачча мисолида талқин этилган.

4. Ёзувчининг услубий ўзига хослиги Шаҳло Аҳророва асарлари мисолида ўрганилди. Адабанинг “Дала ҳовлидаги қотиллик” ва “Дилбар” қиссаларида қиссаларида инсоннинг рухиятини тадқиқ қилиш устуворлик қиласи. Бу қиссаларнинг қаҳрамонлари ҳаёт ташвишларидан қийналган, одамлараро муносабатлар чигаллигидан азобланган кишилар сирасига киради. Қаҳрамонлар руҳий оламидаги кучли пўртаналар, ўлчовсиз изтироблар, жўнгина оилавий муносабатлар, турмуш ташвишлари ишонарли тасвирларда ёритилади, руҳий психологик, ички зиддиятлар инсон қисмати лиризм ва драматизм уйғунлиги бадиий талқин этилади.

ХУЛОСА

“Жиззах адабий мұхитининг тараққиёт тамойиллари” мавзуси юзасидан олиб борилған изланишлар натижасыда қуйидаги хулосаларга келинди:

1.XX аср ҳамда истиқлол даври Жиззах воҳаси адабий мұхити вакилларининг ҳаёти ва адабий меросига оид манбалар түпленди ва адабий мұхитнинг пайдо бўлиш ҳамда ривожланиш омиллари кўрсатиб берилди. Тадқиқ жараённида Жиззах воҳаси ижодкорлари шартли равишда уч гуруҳга: Жиззах воҳасида туғилиб, бошқа жойда ижод қилган, бошқа жойда туғилиб, Жиззах воҳасида яшаб ижод қилган ва Жиззах воҳасида туғилиб, шу жойда яшаб ижод қилган ижодкорларга ажратилди.

2. Жиззах адабий мұхитининг шаклланишида асли Хўжандлик бўлган, лекин Жиззахда яшаб ижод қилган Муazzамхон Мирсаид қизининг ўрни аниқланган. Унинг ижодида 1916 йилдаги мардикорлик фожиалари, юрт соғинчи, ҳижрон, айрилиқ, комил инсон мотивлари устуворлик қилганлиги ҳақидаги хулосалар баён этилган.

3. Жиззах воҳаси адабий мұхити вакиллари асарларида эстетик идеал масаласи кузатилди. XX аср биринчи чораги Жиззах воҳасида ижод қилувчи ижодкорлар асарларида мумтоз адабиётдан таъсирланишда комил инсон идеали, нафс, ўткинчи дунё, ҳалқпарварлик ҳамда ватанпарварлик адабий-эстетик идеал сифатида олинди. Жумладан, Ш.Ахророванинг Ватан, Истиқлол, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги адабий-эстетик идеалига оид шеърлари шартли равишда муножот, мурожаат-даъват, тавсиф гуруҳларига бўлиб ўрганилди.

4. Тадқиқотда Навоий анъаналаридан Жиззах адабий мұхитининг вакиллари Муazzамхон, Убайдулла Аламкаш, Жўрахон Маҳзуний ва истиқлол даври шоираси Зухра Мамадалиеваларнинг ижодий фойдаланганларидан кузатилди. Аламкаш Навоий қўллаган сўзлардан фойдаланиб, фавқулодда ўзига хос образлар яратади. Муazzамхон ижодида Алишер Навоий ғазалларига назира битиш устуворлик қиласи. Зухра Мамадалиевада эса Алишер Навоийга хос қараш ва туйғуларни ўзига хос

оҳангда қўллаш кузатилади. Мир Алишер Навоий ғазалиётидаги диний-тасаввуфий, фалсафий-ижтимоий масалаларнинг бадиий тасвирлари таъсирантирганлиги натижасида юқорида келтирилганлар ижодида юзага келган шеърлари таҳлилида уларнинг Навоийга муносиб ворис эканлиги кўрсатиб берилди.

5.Иброҳим Дониш ватан мавзусини болалар шоири сифатида талқин килади, Бахтиёр Мирзонинг она Ватан ҳақидаги шеърлари насиҳатомуз йўналишда ёзилган бўлиб, ижодкор лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини тўлиқ гавдалантиради, замондошларимизнинг давр ва воқеълик билан боғлиқликдаги кечинмалари, туйғулари манзарасини яратади. Зулфия Бўриева ижодида ҳам миллий ўзликни англаш, Ватани эъзозлаш, миллий урф-одатларни тарғиб-ташвиқ қилиш, миллий ҳис-туйғуларни тараннум этиш тамойиллари етакчилик қилади. Холиқназар Олиш ижодида миллий ифтихор туйғуси, миллий ўзликни англаш, миллий урф-одатларни тарғиб-ташвиқ қилиш тамойиллари ўз тажассумини топади. Ишда таҳлилга тортилган шоирлар ижодида Ватан, миллийлик мавзуси ўзига хос услубларда ифода этилганлиги ҳақида хulosалар берилган.

6.Туроб Мақсаднинг “Қайтмас тўлқинлар” романи ифода йўсинида эсдалик, хотира-мемуар, насрый баён ва драма усуллари қоришиқ ҳолда келади, лирик-фалсафий чекинишлар, тарихий-афсонавий талқинлар, шеърий парчалар асарда миллийликни кучайтиришга хизмат қилади. Тадқиқотда романнинг автобиографик асарлар сирасига мансублиги, қайсиdir маънода Садриддин Айний, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаровларнинг шу йўналишда ёзилган асарларини эслатиши кўрсатиб ўтилган.

7. Мехрибон Абдураҳмонованинг “Гулзор қишлоғининг гулдураклари”, Абдулла Аҳмаднинг “Фарёд” қиссалари ўзига хос ифода усулига эгалиги билан диққатга сазовордир. Бу асарларда ҳам миллий қадриятлар тасвири ўзига хос тарзда маромига етиб тасвирланиши аниқланган.

8. Шаҳло Ахророванинг “Дилбар”, “Дала ҳовлидаги қотиллик” қиссаларида инсоннинг руҳиятини тадқиқ қилиш устуворлик қилади. Чунки

бу қиссаларнинг қаҳрамонлари ҳаёт ташвишларидан қийналган, одамлараро муносабатлар чигаллигидан азобланган кишилар сирасига киради. Таҳлил давомида қаҳрамонлар руҳий оламидаги кучли пўртanalар, ўлчовсиз изтироблар, жўнгина оилавий муносабатлар, турмуш ташвишлари асосида ёритилганлиги очиб берилган.

9. Жиззах воҳаси адабий муҳити билан боғлик бадиий мерос бир тартибга келтирилиб, янги монографик кўламда ўрганилди, ҳеч шубҳасиз, ушбу тадқиқотимиз ўзбек адабиётшунослигининг бир асрдан зиёд адабиётига катта хазина бўлиб қўшилади ва миллий адабиётимизнинг яхлит қиёфасини кўрсатишга ҳизмат қиласи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ижтимоий–сиёсий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – 2017 йил, 4–август.
2. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб–интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. –104 б.
3. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. –56 б.
4. ЎзР Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизнинг етакчи илм–фан намояндадари, Фанлар академияси аъзолари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, тижорат банклари раҳбарлари, етакчи олий ўкув юртлари ректорлари билан 2016 йил 30–декабрь куни бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқидан // Халқ сўзи, 2016 йил, 31–декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил, 13–сентябрдаги ПҚ–3271–сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора–тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори// Халқ сўзи. 2017.14–сентябрь. <http://www.lex.uz/ru/docs/3338600?twolang=true>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши // Халқ сўзи, 2017 йил, 13–январь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлиста мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. – № 258 (6952).

II. ИЛМИЙ–НАЗАРИЙ АДАБИЁТЛАР

8. Абу Ҳомид Ғаззолий. Тавба китоби. –Т.: Мовароуннаҳр, 2003. –72 б.
9. Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиети тарихи. (XVI-XIX аср I ярми) ўқув қўлланма. Тошкент Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти 2009.–248 б
10. Антонов С. Письма о рассказе. –М.: Сов. Писатель, 1964, –300 с.
11. Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. –Т.: Ўқитувчи, 2001.–350 б.
12. Асрлар нидоси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1982. –329 б.
13. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи. 1979. –287 б
14. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т.: 2002. –560 б
15. Бобожонов П. Лаффасий. Тазкираи шуаро. –Хоразм вилояти, Хоразм, 1992. – 120 б.
16. Баллер Э.А., Исмоилов Ф.Ю. Ворисийлик нима? –Т.: Ўзбекистон, 1978. – 21 б.
17. Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. –Т.: Фан, 1996. –116 б.
18. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. –Т.: Фан, 1992. –104 б.
19. Жўраев Ж, Жўраев Ж. Жиззах вилояти тарихига оид лавҳалар. –Т.: Мумтоз сўз, 2018. –30 б.
20. Жалолов Т. Ўзбек шоиралари. –Т.: Бадиий адабиёт, 1980. –416 б.
21. Жўраев Н., Файзуллаев Т. Истиқлол ва тарихий жараён. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. –96 б.
22. Дониёрова Ш. Ижодкор ва услуб. –Т.: Turon zamin ziyo, 2014. –104 б.
23. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. – М., 1975. – С. 118–119.
24. Ибрат И. Фаргона тарихи / Нашрга тайёрловчилар: Бобобеков Ҳ., Ҳасаний М. –Т.: Камалак, 1991.– 266–327 б.
25. Иброҳимова Р. Ўзбек фантастикасидаги услубий изланишлар. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. –Т.: Фан, 1983.– 204 б.

26. Йўлдош Қ. Сўз ёлқини. –Т.: F.Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2018. – 504 б.
27. Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. –Хоразм вилояти, Хоразм, 1992– 87 б.
28. Межелайтис. Автобиографические фрагменты. Советские писатели. Автобиографии 4 том. Москва, 1972. –С. 380
29. Мулладжанова Р.А. Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари тарихини ўқитиш методлари. (XIX асрнинг II ярми–XX аср бошлари). Методик қўлланма. –Т.: Фан, 2005. – 40 б.
30. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Т.: Фан, 1993. –180 б.
31. Наманганлик маърифатпарварлар. –Наманган, 2018. – 134 б.
32. Очилова Б. Миллий – маънавий юксалишда мерос, қадриятлар ва ворисийлик. – Т.: Истиқлол, 2009. –234 б.
33. Отамурод И. Сен. Шеърлар ва достон.–Т.: Қатортол–Камолат, 1999. –58 б.
34. Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: Фан, 2004. – 127 б.
35. Соатова Н. Анъанавийлик ва ворисийлик.–Т.: Mumtoz so‘z, 2019. –134 б.
36. Солижонов й. Фарғона адиблари. Адабий портретлар –Т.: Фарғона нашриёти, 2005.–124 б
37. Султон И. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1986. – 408 б.
38. Сувонқулов И. Сангзор садолари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – 154 б.
39. Сувонкулов И., Сайдалиева Н. Шоира Муаззамхон. –Жиззах: Сангзор, 2010. –76 б.
40. Султонмурод Олим. Истиқлол–бахтим, саодатим... –Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутабхонаси, 2007. –116 б.
41. Умурев X. Адабиёт назарияси. –Т.: Шарқ, 2002. – 256 б.
42. Умурев X. Бадиий ижод асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –120 б.
43. Халилбеков А. Наманган адабий муҳити. –Т.: Руҳафзо, 1998. –176 б.
44. Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. –Наманган: Наманган, 2007.– 467 б.
45. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. –Москва: Писатель, 1975. –С.222.

46. Фитрат. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –124 б.
47. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти.–Т.:Фан, 2007.–168 б.
48. Шарафиддинов О. Маънавий камолот йўллари. –Т., 2001. – 98 б.
49. Шодиев Э. Тазкираи шоирони Хўжанд. –Душанбе.: Нашриёти Давлатии ба номи Раҳим Чалил, 1996. –154 б.
50. Шодиев Э. Шоираҳои то инқилоби Хўжанд.–Душанбе: Ирфон,1986.–64 б.
51. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.– 601 б.
52. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тўртинчи жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.– 608 б.
53. Ўзбекистон миллий энциклопедияси –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 12 том, 1 том, 2000. –736 б
54. Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий / Нашрга тайёрловчи: Қаюмов А. Уч жилдлик. –Т.: ЎзР ФА Қўлёзмалар институти, 1999. –720 б.
55. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. XVIII–XIX асрлар. –Т.: ЎЗР ФА,1996. – 358 б.
56. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. –Т.: Mumtoz so‘z, 2010. – 248 б.
57. Қодирова М. XIX аср ўзбек шоиралари ижодида инсон ва халқ тақдири. – Т.: Фан, 1977. –184 б.
58. Қодирова М. Шоира Муаззамхон. –Т.: Фан, 1992. –72 б.
59. Қосимов У. Ижодни англаш йўлида.Т.: Иқтисод-молия. 2015. –212 б
60. Қуронов Д ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академнашр, 2010. – 277 б.
61. Қуронов Д. Чўлпон насли поэтикаси. –Т.: Шарқ, 2004. – 288 б.
- 62.Faфуров И. Шеърият руҳий муносабат. –Т.: 1990.– 129 б.
63. Faфуров И. Лириканинг юраги. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1984. –124 б.
64. Ҳамид Олимжон. Асарлар мажмуаси. 5 том.–Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. – 357 б.
65. Ҳайитметов А. Навоийхонлик сұхбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993. –213 б

66. Ҳаққул И. Мушоҳида ёғдуси. –Т.: Фан, 2009. –136 б
67. Ҳайдаров Ҳ. Жиззах. –Т.: Ўзбекистон, 1990. –143 б.
68. Ҳайдаров Ҳ. Жиззах тарихидан лавҳалар. – Т.: Мехнат, 1992. –80 б.
69. Ҳайдаров А. Инсон камолоти ва миллий–маънавий қадриятлар. –Т.: Муҳаррир, 2008. –Б 40.

III. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР

70. Болтабоева О.Ю. XX аср бошларида Наманганда адабий ҳаракатчилик: намояндлари, анъаналари, янгиланиши. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD).. дисс. автореф. –Т., 2019. – 55 б.
71. Дониярова Ш.Х. Истиқлол даври ўзбек романларида миллий рух ва қаҳрамон муаммоси.: Филол. фанлари доктори ... дис. –Т., 2012. –257 б.
72. Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий мустақиллик мафкураси ва адабий мерос (XVII-XIX асрлар ўзбек шеърияти асосида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1999. – 32 б;
73. Муҳиддинова Б. Сайидаҳмад Васлий Самарқандий мероси ва унинг адабий муҳитдаги ўрни: фил.фан..номз.дисс. –Самарқанд: 2009. –26 б.
74. Тожибоева М.А. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари. Фил.фан.доктори дисс... (DSc) автореф. –Т., 2018. –71 б.
75. Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафкураси: Фил.фан.доктори дисс...автореф. –Т., 1993. –49 б.
76. Рустамова М.Ю. Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари.: Фил.фан.номзоди дисс... –Т., 2005. –133 б.
77. Турдимов Ж.Б. Лирик кечинма табиати. Фил.фан.ном...дисс ...автореф. – Т., 1999. –24 б.
78. Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнгги чораги) Фил.фан.доктори дисс... –Т., 2008. –290 б.

79. Холдаров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадий услуг муаммоси. (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул қиссалари мисолида) Филол. фан.ном..дисс. автореф. –Т., 2017. –44 б.
80. Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мағкураси: Филол. фан. доктори дисс ...автореф. –Т., 1993. –45 б.
81. Сайдалиева Н. Муаззамхон шеъриятида адабий анъана ва бадий маҳорат. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2002, 165 б.
82. Сайдганиева Г.Ш. Истиқлол даври лирикасида строфиقا ва ритмнинг поэтик образ яратишдаги ўрни: Филол. фанлари номзоди...дис. автореф. –Т., 1997. –26 б.
83. Сирожиддинов Ш. XIX аср Каттақўргон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари: фил.фан.номз. дисс.– Самарқанд: 1991–26 б.
84. Сувонқулов И. XIX аср охири ва XX аср аср бошларида Жиззах шоирларининг поэтик мероси. Филол. фанлари номзоди...дис. автореф. – Самарқанд, 1970. –26 б.
85. Эркабоева Н.Қ. Алишер Навоий ижодида муножот: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. –Т., 2008. –26 б.
86. Қосимов У. Адабий-эстетик тафаккур тадрижи: анъана, ворисийлик, ўзига хослик. Фил.ф.д.дисс. -Т., 2020. –Б.210.

IV. ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

87. Зиёева Д.Х. Туркистон халқлари ва жадидлар (1916 йил воқеалари мисолида) // Жадидлар: Ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Илмий тўплам. –Т.:1999. –Б.146–152.
88. Мулладжанова Р.А. 1916 йилги Жиззах қўзголони мавзусини маҳаллий материаллар асосида ўқитиш // Халқ таълими. 2004.– №6. – Б. 54–56.
89. Камю А. Исён ва санъат // Жаҳон адабиёти. 1997 № 1. – Б. 185.

90. Солижонов Й. Бадий адабиётда миллийлик ва умуминсонийлик // Маъруза матни., Фарғона, 2017. – 167 б.
91. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя (Мақолалар тўплами). –Т.: Академия, 2001.–334 б.
92. XX аср менинг тақдиримда // Жаҳон адабиёти. 2001. – Б. 24.
93. Рашидов Ш. Самарқанд вилоятидаги 1916 йил қўзғолони / Ленин йўли. 1946. 23–24 сонлари
94. Ҳаётхон Тожиназарова. Бадий адабиёт поэтикасининг ўзига хос қирралари хусусида // Тил ва адабиёт. 2009, 7–сон.–Б.35.

VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН БАДИЙ АСАРЛАР РЎЙХАТИ

95. Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 15–жилд. (Матни нашрга тайёрловчи: Латиф Халилов).–Т.:F.Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2011. – 224 б
96. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Муқаммал асарлар тўплами 20 жилдлик 8 жилд –Фан, 1991. – 595 б.
97. Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2011.–595 б.
98. Абдулла Аҳмад. Ҳамият.– Т.: Yangi nashr, 2015. –256 б.
99. Абдураҳмонова М. Гулзор қишлоғининг гулдураклари. –Т.: O‘zbekiston, 2018. –248 б.
100. Аҳророва Ш. Ишқ нафаси. –Т.: F.Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2012. –232 б.
101. Аҳророва Ш. Моҳим. –Т.: F.Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2002. –64 б.
102. Аҳророва Ш. Дала ҳовлидаги қотиллик. –Т.: Noshirlik yog‘dusi, 2017. – 372 б.
103. Бобур З.М. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1989. –368 б.
104. Бахтиёр Мирзо. Ишқ илҳомлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2014. –228 б.
105. Бўриева З. Еттинчи осмон. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 56 б.

106. Бўриева З. Умид чечаги. –Жиззах.: Жиззах вилоят матбуот бошқармаси қошидаги ноширлик муҳаррирлик бўлими, 1992. –33 б.
107. Девон. Убайдуллоҳ Ислом сўфи ўғли Аламкаш. –Т.: Akademnashr, 2016. 408 б
108. Иброҳим Дониш. Ҳаёт китоби. Достон ва шеърлар. – Жиззах: Жиззах вилояти матбуот бошқармаси қошидаги ноширлик муҳаррирлик бўлими, 1998. –72 б.
109. Иброҳим Дониш. Етимнинг бахти. –Жиззах.: Сангзор, 2007. –68 б.
110. Жўрахон Маҳзуний. Тонг навоси.– Жиззах.: Sangzor, 2007. –244 б.
111. Мамадалиева З. Дунёлар мовийранг...–Т.: Tamaddun, 2017. – 68 б.
112. Мамадалиева З. Муҳаббат шамоли...–Т.: Turon–Iqbol, 2018. –64 б.
113. Туроб Мақсуд. Қайтмас тўлқинлар. Т.: O‘zbekiston, 2014.–520 б.
114. Туроб Мақсуд. Парига ошиқ ўсмир. –Т.: Чўлпон, 1996. –144 б.
115. Холиқназар Олиш. Ҳаёт қўшифи. –Т.: Наврӯз, 2017. – 216 б.
116. Шоира Муаззамхон (ҳаёти ва ижодига чизгилар). Нашрга тайёрловчи ва адабий–танқидий матнлар муаллифи И.Сувонқулов. –Т.: Янги аср авлоди, 2005.–58 б.
117. Шоира Муаззамхон. (Ҳаёти ва ижодига чизгилар) Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Сувонқулов И., Сайдалиева Н.–Жиззах: Сангзор, 2010.– 76 б.

VII. ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ

118. <http://m.wikipedia.org/wiki>.
119. [www.ziyouz.com kutubxonasi](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi)
120. <http://www.proza.ru>
121. ziyonet.uz
122. <https://denemetr.com/docs/768/index-282315-1?pafe=3>
123. <https://jizzax.uz/2493-zhizzah-izhod-maktabi-ananalari-davom-etmoda.html>
124. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/naim-karimov-abdulla-qodiri-va-toshkent-adabi-muhiti>
125. <http://uchildiz.uz.самарқанд- адабий- ижодий- муҳити>